⁴ Некоторые финансовые теоретики утверждают, что не может быть оптимального баланса между акционерным и долговым капиталом. См. подробнее: Franco Modigliani & Merton H. Miller. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment // *Am. Econ. Rev.* – 1958. – №48. – P.261; Richard A. Brealey & Stewart C. Meyers. Principles of Corporate Finance. 5th ed. – Chicago: Chicago Press, 1996. – P.447–466.

⁵ См.: Merritt B. Fox. Finance and Industrial Performance in a Dynamic Economy: Theory, Practice, and Policy. – Michigan, 1987. – P.282–287.

⁶ См.: Frank H. Easterbrook. Two Agency-Cost Explanations of Dividends // *Am. Econ. Rev.* – 1984. – №74. – P.650, 654; Merritt B. Fox. Op. cit. – P.132–140.

⁷ См.: Gordon Donaldson. Corporate Debt Capacity. – 1961; William J. Baumol et al. Earnings Retention, New Capital and the Growth of the Firm // *Rev. Econ. & Stat.* – 1970. – №52. – P.345; Merritt B. Fox. Op. cit. – P.233–237.

⁸ См.: Louis Lowenstein. Op. cit. – P.1342.

тоянии акционеров.

Вместе с тем подчеркнем, что процесс раскрытия информации имеет и отрицательный характер, так как отражается на увеличении затрат. В зависимости от различий в структуре управления, в большинстве стран существуют различия в уровне требования раскрытия информации со стороны эмитентов. Решения, принимаемые в открытых акционерных обществах, являются результатом как внутренней структуры принятия решений, так и внешней среды, которая предоставляет средства для существования этой внутренней структуры. Внутренняя структура принятия решений формируется за счет комбинации права юрисдикции эмитента и традиционных предпринимательских обычаев соответствующей страны¹. Внешними факторами выступают концентрация акционерного капитала, особенности каждого конкретного блока акций, правила, по которым эти владельцы осуществляют свои права голоса, а также взаимодействуют с другими акционерами, доступность финансирования, внутреннего или внешнего, и др.

В литературе мы находим материалы по сравнительному анализу корпоративного управления между такими странами, как США и Канада, с одной стороны, Япония и Германия, – с другой, Великобритания, – с третьей². В этих странах, как показывают исследования многих авторов³, существуют различия в значении раскрытия информации. Например, в США голоса акций менее концентрированы, и институциональные инвесторы имеют меньше стимулов использовать их право голоса, чтобы повлиять на корпоративные решения. В США, Великобритании и Канаде соотношение акции/долг меньше, и компании более склонны к акционерному финансированию, особенно в новых компаниях, стремящихся реализовать крупные проекты⁴. И, наоборот, в Германии и Японии институциональные инвесторы играют большую роль при мониторинге менеджеров и поиске внешних источников финансирования, особенно долговых.

Отсюда мы усматриваем, что оптимальный уровень раскрытия информации для американских инвесторов выше, чем для японских и немецких. В США институциональные инвесторы меньше занимаются мониторингом за принятием и исполнением решений руководством компании и, соответственно, собирают и анализируют меньше информации. При этом затраты американских инвесторов больше идут на недружественные поглощения и компенсации менеджмента в зависимости от цены акций. Причем и поглощения, и компенсации вызываются раскрытием публичной информации. Требование раскрытия информации способствует более точному определению цены акций, и вновь возникающие акционерные общества могут надеяться на дополнительное финансирование из фондового рынка⁵. В результате в США и Канаде требуется наи-

более высокий уровень раскрытия информации, тогда как в Японии и Германии – наименьший. Великобритания расположена где-то между ними. Например, согласно исследованиям Европейского института корпоративного управления, именуемым "Контроль корпоративной Европы", контроль многих корпораций в некоторых континентальных европейских странах (включая Австрию, Бельгию, Германию, Италию) высоко концентрирован. Такой контроль осуществляется за индивидуальными держателями блоков акций, владеющих более чем 50% прав голоса во многих корпорациях. Отметим, что эта ситуация представляет сильный контраст с Великобританией, где большинство публичных компаний не обладают блоками акций, дающими владельцам более чем 10% голосующих прав, и в США, где большинство компаний не имеют держателей блоков акций более чем 6% голосующих прав⁶.

Однако, как показывает изучение иностранной литературы, в последние годы как структура рынка капитала в континентальной Европе, так и акционерная структура крупнейших корпораций претерпели сильные изменения, что приближает их к рынкам США и Великобритании. В настоящее время основными причинами таких изменений являются:

- приватизация большинства государственных компаний;
- глобализация потребностей в капитале и приток капитала (глобальные инвестиционные стратегии). Эта тенденция ускорена действиями Европейского Союза по созданию единого рынка капитала в Европе и гармонизацией регулирования рынка ценных бумаг и правил отчетности во всем мире;
- возникновение нового статуса для инвесторов путем улучшения процедур защиты инвесторов, достижений в информационных технологиях и развития сектора услуг, обеспечивающего удовлетворение заемщиков капиталами⁷.

Все эти моменты требуют глубокого изучения нашими специалистами и творческого учета законодателей и предпринимательских структур Узбекистана.

¹ Традиции и практика включают в себя типичные условия устава фирмы, а также типичное поведение людей на основе правовых ограничений.

² В качестве примере одного из известнейших трудов в этой сфере можно привести: Rafael La Porta, etc. Op. cit.

³ См.: Mark J. Roe. Strong Managers, Weak Owners: The Political Roots of American Corporate Finance. – 1994.

⁴ См.: Browne F.X. Corporate Finance: Stylized Facts and Tentative Explanations // Applied Econ. – 1994. – №26. – P.485, 488.

⁵ Б.Блек и Р.Гильсон показывают, что доступность предпринимательского капитала для начинающих фирм в большой мере достигается посредством предлагаемого проспекта первичной эмиссии ценных бумаг в США. См. подробнее: Bernard S. Black & Ronald J. Gilson. Venture Capital and the Structure of Capital Markets: Banks versus Stock Markets // J. Fin. Econ. – 1998. – №47. – P.243, 246–264. Этим они объяс-

няют легкую доступность в США предпринимательского капитала.

⁶ См.: Theodor Baums. Changing Patterns of Corporate Disclosure in Continental Europe: the Example of Germany. – 1998. – P.2; ссылка на источник: The Control of Corporate Europe / Barca&Becht (eds.). – 2001. <http://www.ssrn.com>

⁷ См.: там же.

О.Т.Ҳазратқулов
Юридик фанлар номзоди,
доцент

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларни турмуш тарзини юксалтиришда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва истиқболлари белгилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз томонидан изчиллик билан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Бугунги кунда республикада хорижий корхоналар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар тадбиркорлик фаолиятини олиб борар экан, биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини химоя қилувчи қонунларнинг қабул қилинганлиги ва бу орқали инвестицион шаффофлик таъминланганлигини кузатишимиз мумкин. Бунинг исботи сифатида 2007-2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 барбардан кўпроқ ошгани¹, 2009 йилда иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга ошгани, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани², 2010 йилда инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этган бўлса, халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда ва таъкидлаш кераки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиги ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади³.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган хорижий инвестицияларни химоя

қилиш учун қўшимча кафолат сифатида 48 та давлат билан “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда 44 та давлат билан икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро шартномалар имзоланган⁴.

Мазкур маълумотларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, республикада чет эл инвестициясининг ҳажми йилдан йилга ортиб бораётганлиги ва бу орқали ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари янада қўллаб-қувватланмоқда.

Ўз навбатида таъкидлаб ўтиш лозимки, инвестиция фаолияти кўпчилик тадбиркорлар ўзлари учун керакли бўлган товарлари, ишлари ва хизматларини сотиш орқали ўз бозорини кенгайтиришнинг етарлича жозибали шакли ҳисобланади. Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорига турли хил воситачи (дилер, агент ва бошқа)лардан фойдаланиб ўтказишдан фарқли равишда, хорижий инвестор ўз корхонасини ташкил этганда икки шаклда, яъни: ўз товарларини ушбу давлатдаги ўзига тегишли субъектга сотишдан; мазкур субъектнинг маҳаллий бозорда савдо қилишидан тушган фойда шаклида амалга оширилади. Маҳаллий бозорда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бу орқали даромад олиш чет эл инвестори учун анча фойдалидир.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин: Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш; чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш; мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш; интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш; концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали. Чет эллик инвесторлар

¹ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралар. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 10-бет.

² И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз таққийоти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 10-бет.

³ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққийотини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини иширишга хизмат қилади // Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 21.01.2011.

⁴ Мазкур маълумот 2009 йил 18 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик паласида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ТИАИС) ҳамкорлигида ташкил этилган “Халқаро савдо алоқалари ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари” мавзусидаги давра суҳбатидаги ТИАИС вазири биринчи ўринбосари Н.Нажимовнинг маърузасидан. 18.09.2009 йил.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин¹.

Демак, юқоридагиларга кўра чел эллик инвестор ўзининг инвестицияларини қуйидаги шаклда йўналтириши мумкин: яъни, инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади. Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшилаётган инвестициялар кирди. Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшилаётган инвестициялар кирди. Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшилаётган инвестициялар кирди².

Инвестициялар пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар; кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар; интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техникага, технологияга, тижоратга оид ва бошқа билимлар мажмуи, у еки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хау; ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашевий ҳуқуқлар каби шаклларда бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолиятни ҳамда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар мавжудми ёки уларга берилган имтиёзлар нималардан иборат деган, савол ҳар бир чет эллик инвесторни қизиқтириши табиий ҳол. Ўзбекистонда ўтган вақт давомида чет эллик инвесторларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бир неча қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, махсус қонунлардан Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни ва “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлардан ташқари чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуности ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий

сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги Фармони (1996 йил 30 ноябрда чиқарилган ПФ-1652-сонли) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли (2003 йил 2 май) қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар орқали хорижий инвесторларнинг эркин тадбиркорлик фаолиятини олиб боришлари давлатимиз томонидан кафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида республикамиз ҳудудидаги чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режимни кўллашга доир нормалар белгиланган бўлиб, мазкур моддага асосан давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни 8-моддасида эса мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қонун ўзида чет эллик инвесторлар фаолиятини кафолатлаган ҳолда, инвестиция киритиш соҳаларига ҳам алоҳида урғу бериб ўтади. Хусусан, инвестицияни тўғридан тўғри йўналтириш чегаралари қонун билан белгиланган бўлиб, унга кўра бошқа қонунлар билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли Қарорига асосан (02.05.2003 йилда чиқарилган) республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юкланди³.

Ушбу қарорга кўра хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқиш, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни 5-моддаси. 1998 йил 30 апрелда 609-сон билан қабул қилинган.

² Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни 3-моддаси. 1998 йил 30 апрелда 609-сон билан қабул қилинган.

³ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2003 й., 9-10-сон, 72-модда.

қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш ваколати берилган.

Қонун чиқарувчи хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларнинг зиммаларига ҳам тегишли мажбуриятларни юклайди. Жумладан, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига асосан хорижий инвестор қуйидаги мажбуриятларга амал қилиш талаб этилади: инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиши; монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши; шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Бундан кўриниб турибдики бугунги кунда республикамиз ҳудудида чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари ва уларга тегишли бўлган мулкларни ҳимоя этишга қаратилган ҳуқуқий база етарли даражада шакллантирилган. Буни биз юқоридаги қонун ва қонуности ҳужжатлари мисолида кўришимиз мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кафиятига берилиш, реал воқелиқдан узилиб қолиш хафидир”¹. Мазкур иборалар замирида қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни бир зумга ҳам кечиктирмаслик, жамиятнинг ривожланишига қараб ўша кун талабларига жавоб берадиган қонунлар қабул қилиш ва мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари ётибди.

Вақт ўтиши билан иқтисодий ўзгаришлар ва жамиятнинг ривожланиши натижасида мавжуд қонунчиликнинг баъзи нормалари давр талабига жавоб бермай қолиши ёки қонундаги бўшлиқларнинг пайдо бўлиши бу табиийдир. Шунинг учун чет эл инвестицияси ва хорижий инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим. Чет эллик инвестор хорижий давлатларга инвестициялар киритишдан аввал биринчи навбатда ўзини қизиқтирган қуйидаги саволларига жавоб олишга ҳаракат қилади: яъни, хорижий инвестиция

киритилган субъектлар фаолиятини амалга оширишда қандай чекловлар, уларнинг мажбуриятлари бўйича қўшимча масъулият хавфининг мавжудлиги, валюта билан боғлиқ хавфнинг борлиги (хусусан конвертациялаш бўйича), солиқ хавфи қай даражада таъсир этади (бир томонлама ёки икки томонлама солиққа тортиш масаласи), хорижий инвестор мулкни мажбуран олиб қўйиш (национализация ва экспроприация) ва бошқалар.

Шунинг учун чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонунчиликни миллий ва хорижий инвесторлар манфаатларини бир ҳилда ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим. Бу орқали чет эл инвестицияси республикамизга кириб келиши ва бозор муносабатларини янада қарор топиши учун қулай ҳуқуқий шароитларни таъминлаб берилади.

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 6-бет.

В.Ё.Эргашев
Юридик фанлар номзоди,
доцент

ЧЕКЛАНГАН АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР МОҲИЯТИ ВА ТИЗИМИ

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ресурсларга бўлган эҳтиёжларини фақатгина мулк ҳуқуқи асосида қондирилишининг иқтисодий имконияти мавжуд эмас. Шу боисдан мулкый муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида мол-мулкдан иқтисодий манфаатлар йўлида фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи бир қатор институтлар ишлаб чиқилган. Шулардан бири – мулкдор бўлмаган шахсларга ўзгаларга тегишли мол-мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиш имкониятини берувчи чекланган ашёвий ҳуқуқлардир.

Ашёвий ҳуқуқнинг ушбу институти хусусида сўз юриштидан олдин уни номлаш билан боғлиқ атамаларга аниқлик киритиш талаб этилади. Юридик адабиётларда мазкур институти “чекланган ашёвий ҳуқуқлар” ва “ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуқлар” деб номланишларни учратиш мумкин. Ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуқлар (рим ҳуқуқида *jure in re aliena*) ҳозирги давр нуқтаи назаридан унча аниқ тушунча эмас, чунки расман ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуққа унинг ашё мулкдори саналмаган ҳар қандай қонуний (титулли) эгаси эга бўлади. Рим хусусий ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, амалдаги фуқаролик қонунчилигида (бошқа МДХ мамлакатларида бўлгани сингари) “эгалик қилиш” ва “сақлаш” категориялари ажратилмайди, шу туфайли ҳам ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуққа буюртмачининг топширигига кўра унинг материалдан бирор-бир ашёни тайёрлаб берувчи пудратчи ҳам, юк ташувчи ҳам, ашёни сақлаб берувчи ҳам, ишончли бошқарувчи ҳам эга бўлади. Айти пайтда кўрсатилган шахсларнинг барчаси ашёнинг титулли эгалари сифатида ўз эгалик қилиш ҳуқуқини ашёвий-ҳуқуқий даъволар ёрдамида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ФКнинг 232-моддаси). Бироқ ушбу асосда санаб ўтилган шахсларни ашёвий ҳуқуқ субъектлари деб эълон қилиш мумкин бўлмаса керак. Ахир бу ҳолда объекти ашё бўлган ҳар қандай субъектив фуқаролик ҳуқуқи ашёвий ҳуқуққа айланади ва бунинг натижасида фуқаролик ҳуқуқларини ашёвий ҳуқуқ ва мажбурият ҳуқуқига ажратишнинг ўзи ҳар қандай маънони йўқотади. Шу боис биз Е.А.Сухановнинг куйидаги фикрига қўшилаемиз: “Чалкашлик келиб чиқмаслиги учун ...бизга герман цивилистикасидан кириб келган аниқроқ атама – “чекланган ашёвий ҳуқуқлар” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир”¹.

Собиқ иттифоқ даврида қонунчиликда чекланган ашёвий ҳуқуқларга тегишли бўлган меъёрлар ҳеч қандай тарзда изоҳланмаган эди. 1922 йилдаги РСФСР ГК ашёвий ҳуқуқларни тартибга солувчи махсус бўлим бўлган (52-105 моддалар), унга мулк ҳуқуқи билан бир қаторда иморат солиш ҳуқуқи ва гаров ҳуқуқи киритилган эди. Кейинроқ, иқтисодиёт давлатлаштирилганидан ва хусусий мулк инкор этилишидан сўнг, ушбу институтлар амалда деярли

¹ Суханов Е.А. Понятие и виды ограниченных вещных прав // Гражданское право – частное право / Отв. ред. В.С.Ем. – М., 2008. – 216–217-б.

қўлланилмай қолди. Узоқ вақтдан бери юридик унутилишидан сўнг ўзганинг кўчмас мулкниши чекланган фойдаланиш ҳуқуқининг қайта тикланиши фақатгина ҳозирги замон босқичида амалга оширилди ва биринчи навбатда амалдаги ФК қабул қилиш билан боғлиқдир.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларга ашёвий ҳуқуқларнинг умумий (мулк ҳуқуқи билан) белгиларининг барчаси хос бўлишига қарамастан, айти пайтда улар ўз хусусиятларига ҳам эга².

Бундай ҳуқуқлар ҳам, мулк ҳуқуқи билан турдош ашёвий ҳуқуқлар сифатида, ваколатли шахсларга ўзганинг ашёси устидан (бўйнида мажбурият бўлган бошқа шахснинг ҳулқ-атвори устидан эмас) ҳукмронлики бевосита, бироқ чекланган тарзда амалга ошириш имкониятини беради. Уларнинг мазмуни ҳар доим мулк ҳуқуқига қараганда торроқ ва чекланган бўлади. Мазмунига кўра улар мулкдор ваколатларига доир чеклашларни ўзида ифодалайди ва одатда унинг ўз ашёсидан мустақил ва эркин фойдаланиш имкониятидан (ваколатидан) у ёки бу жиҳатдан маҳрум қилади.

Бундай ҳуқуқлар мавжуд бўлганда мулк ҳуқуқи ҳажман “кичраяди”, баъзан сезиларли даражада камайиши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда (масалан, ашёга классик узуфрукт белгиланганда) мулкдорда фақат “ашё устидан умумий ҳукмронлик”, “қуруқ ҳуқуқ” (*nudum ius*) сақланиб қолиши мумкин³. Бироқ, чекланган ашёвий ҳуқуқ бекор бўлгани заҳоти, мулк ҳуқуқи мулкдорнинг бирор-бир қўшимча ҳаракатларисиз ўз-ўзидан тўла ҳажмда тикланади (мулк ҳуқуқининг “эластиклик” ёки “эгилювчанлик” хусусияти).

Бошқа томондан, ашёга бўлган мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши (масалан, у нобуд бўлган ёки муомаладан чиқарилган ҳолда) унга белгиланган барча чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг ҳам ўз-ўзидан бекор бўлишига олиб келиши лозим. Шу туфайли ҳам асосий ашёвий ҳуқуқ сифатида мулк ҳуқуқига ашёвий ҳуқуқларнинг тобелиги мазкур ҳуқуқларнинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳисобланади⁴. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар “мустақил” ҳолда, яъни мулк ҳуқуқисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Айти шу сабабли хўжасиз ашёга бирор-бир чекланган ашёвий ҳуқуқни белгилаш, шу жумладан хўжасиз ашёнинг ҳақиқий эгасида бундай ҳуқуқ борлигини тан олиш мумкин эмас.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг объекти бўлиб, одатда, ҳар доим кўчмас мулк ҳисобланади. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар фақатгина муайян мақсадларда объектдан фойдаланиш имкониятини берадилар. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар маълум ашёдан узоқ вақт давомида фойдаланиш, бошқа шахсга ашёга мулк ҳуқуқи ўтиш сабабли уларда пайдо бўлиши мумкин

² Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Корнилова Н.В. Виды ограниченных вещных прав // Экономическое правосудие на Дальнем Востоке России. 2008. №1. – С. 104–115.; Гришин А.А. Специфика правовой природы ограниченных вещных прав на землю // Адвокат. – 2008. №6. – С. 14–17.; Ахмадгазизов И.С. Проблемы правового регулирования ограниченных вещных прав на землю // Правовые вопросы недвижимости. – 2008. – №1. – С.28–30.

³ Масалан, қаранг: Хвостов В.М. Система римского права. – С. 225-б.; Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – С. 210.

⁴ Қаранг: Зинченко С.А. Собственность и производные вещные права: теория и практика. – Ростов-на-Дону, 2003.

бўлган салбий оқибатлардан ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсади қўзлаган шахсларнинг мулкий манфаатларига хизмат қиладилар.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг умумэтироф этилган хусусияти шундаки, улар чекланган ашёвий ҳуқуқ белгиланган ашёнинг мулкдори ўзгарган ҳолда ҳам сақланиб қолади. Одатда “эргашиш ҳуқуқи” сифатида тавсифланувчи айни шу ҳолат ашёвий ҳуқуқнинг юридик жиҳатдан “мустаҳкамлиги” гини таъминлайди. Ваҳоланки, мажбурият (шартнома) ҳуқуқининг субъекти умумий қоидага биноан ўзганиш ашёсидан фойдаланишда давом этиш шартлари тўғрисида янги мулкдор билан келишиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида бу классик қоида, афсуски, охиригача изчил ўрнатилмаган: қонун чиқарувчи шўро даврида “эргашиш ҳуқуқи” ни ўзига кучсиз тараф бўлиб туюлган ашёни ижарага олувчига берган (1963 йилги ЎзССР ФКнинг 288-моддаси)¹. Мазкур қоида амалдаги қонунчиликда ҳам сақлаб қолинган (ФК 549-моддасининг 1-қисми).

Табиики, бундай вазият ижарага олувчининг манфаатларига ҳатто у кўрган зарар тўлиқ қопланган ҳолда ҳам дахл этиши мумкин. Шу туфайли ҳам “юридик мантиқ ва ижарага олувчиларнинг манфаатлари ўртасидаги кураш деярли барча қонунчиликларда акс этади, улар одатда бу масалани ечишга қийналадилар².

Бизнинг назаримизда, эргашиш ҳуқуқи ўз-ўзича мулкий ҳуқуқни чекланган ашёвий ҳуқуқ сифатида тавсифлаш имконини берувчи асосий белги бўлиб хизмат қила олмайди, чунки бунинг учун юқорида кўрсатилган белгилар мажмуи тўлиқ мавжуд бўлиши лозим.

Айни пайтда ижарага олувчи ҳуқуқларининг эргашиш ҳуқуқи сифатидаги ашёвий-ҳуқуқий элементи (шунингдек уларнинг мутлақ ҳуқуқий ҳимояси) миллий фуқаролик ҳуқуқининг хусусиятларидан бири ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Бунда ашёвий ҳуқуқ белгилари нуқтаи назаридан, ижарага олувчининг ҳуқуқлари фуқаролик қонунчилигида ҳам барибир ашёвий ҳуқуқлар сифатида эмас, балки мажбурият ҳуқуқлари сифатида эътироф этилади.

Ниҳоят, чекланган ашёвий ҳуқуқнинг юқорида келтирилган белгилари ўзини изчил амалга ошириш учун яна бир муҳим қоида – чекланган ашёвий ҳуқуқларни расмий рўйхатга олишни талаб қилади. Учинчи шахслар танишишлари учун имконият яратишга қаратилган бундай қайд этиш зарурияти очиклик принципи деган ном олган. Бу принцип кўчмас мулк учун чекланган ашёвий ҳуқуқларни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрида (МДҲ мамлакатлари) ёки ерлар китобида (Германия, Австрия) мажбурий рўйхатга олиш тарзида амалга оширилади. Е.А.Суханов фикрига кўра, давлат реестрида расмий қайд этиш зарурияти чекланган ашёвий ҳуқуқнинг белгиларидан

бири ҳисобланади³. Бироқ, бизнинг назаримизда, чекланган ашёвий ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш зарурияти мажбурият сифатида фақат ўзганиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан вужудга келади ва ашёвий ҳуқуқнинг муҳим хусусияти эмас, балки субъектив ҳуқуқнинг ашёвий ҳуқуққа мансублиги маҳсули ҳисобланади.

Санаб ўтилган белгилар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: чекланган ашёвий ҳуқуқлар, биринчидан, ўзганиш мулкка бўлган ҳуқуқлар сифатида, мулк ҳуқуқидан келиб чиққанлик ва унга тобелик билан тавсифланади; иккинчидан, мулкка белгиланган ашёвий мажбуриятлар сифатида мол-мулкка эргашиш ҳуқуқини ўз ичига олади; учинчидан, қонунда айрим ҳуқуқларнинг турларига кўра ҳам, мазмунига кўра ҳам аниқ ва тўлиқ белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, чекланган ашёвий ҳуқуқ ашёвий ҳуқуқлар тизимининг таркибий элементи сифатида мулк ҳуқуқидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса – мулкдорнинг эркидан келиб чиқувчи, ҳўжалик фаолиятида ўзганиш ашёлари устидан бевосита ҳукмронлиқни ўз ихтиёридаги кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш учун зарур ва етарли бўлган ҳажмда кафолатловчи ашёвий-ҳуқуқий шароитда хулқ-атвор мутлақ қоидаларининг ўзаро боғланган мажмуидир.

Чекланган ашёвий ҳуқуқ мазмуни мазкур ҳуқуқ субъектининг (ҳуқуқ эгасининг) ўзганиш мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари ташкил этади. Чекланган ашёвий ҳуқуқнинг мазмуни мазкур ҳуқуқ мавжуд бўлган иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шароитлар билан белгиланади, бинобарин у ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан таснифлашга киришишдан олдин тизим тушунчаси ва тизимлиликнинг хусусиятлари ҳақидаги фалсафий ва умумназарий тасаввурларга қисқача тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Фалсафий адабиётларда тизим тушунчаси ўзаро боғланган элементларнинг яхлит тўплами сифатида таърифланади. Бинобарин, у ёки бу объектни тизим сифатида ўрганиш, биринчидан, таҳлил бирликлари сифатида қаралувчи элементлар тўплами мавжудлигини; иккинчидан, бу элементларнинг ўзаро боғланганлигини ва тизимнинг яхлитлигини таъминловчи тизим ҳосил қилувчи алоқалар мавжудлигини; учинчидан, тизим таркибий тузилишининг иерархиявийлигини назарда тутати⁴.

Ҳар қандай фан ўз ривожланиш жараёнининг муайян босқичида тўпланган билимларни тизимлаштириш заруриятини ҳис этади. “Билимнинг тизимлилиги, яъни у муайян қоидаларга мувофиқ аниқ ташкил этилганлиги ҳар доим фаннинг муҳим белгиси ҳисобланади⁵. Билимларни тизимли принципларга мувофиқ ташкил этиш атроф борлиқнинг объектив моҳиятини теран англаб етишга кўмаклашади. Тўғри тузилган тизим ўз таркибий элементлари ўртасидаги энг муҳим ўхшашликлар ва фарқларни намоён этади ва бунинг самараси ўлароқ, бизнинг ўзимизни қуршаган дунё ҳақидаги тасаввурларимиз унинг асп

¹ Қаранг: Агарков М.М. Обязательство по советскому гражданскому праву // Избранные труды по гражданскому праву. – М.: Статут, 2002. – С. 203–204.

² Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – С.156.

³ Суханов Е.А. Понятие и виды ограниченных вещных прав // Гражданское право – частное право / Отв. ред. В.С.Ем. – С. 220.

⁴ Қаранг: Философская энциклопедия. Т. 5 / Гл. ред. Ф.В.Константинова. – М.: Наука, 1970. – 19-б.

⁵ Ўша ерда. – 18-б.

мазмуни билан кўпроқ даражада мувофиқ келишига имконият яратади.

Ҳуқуқнинг тизимлилиги белгилари ҳақидаги энг аниқ тасаввурни Д.А.Керимов яратган:

1. Тизимли ҳуқуқий яхлитлик бир-бири билан бириккан, объектив хусусиятга эга бўлган ҳолатдаги қисмларнинг зарурий бирикмасини ўзида ифодалайди. Агар бундай ҳолат мавжуд бўлмаса, яхлитлик фақат тўплам хусусиятига эга бўлади ёки амалда умуман мавжуд бўлмайди.

2. Тизимли ҳуқуқий яхлитликнинг қисмлари уларнинг хоссалари ва алоқаларининг субстанционал хусусиятларини тавсифловчи муайян асосларга кўра бир-бири билан бирикади. Акс ҳолда тизимли қисмларнинг бирикуви тизимли табиатга эга бўлмайди.

3. Тизимли ҳуқуқий яхлитлик ўз қисмларининг таркибий тартибга солинганлиги натижасида ягоналикни ҳосил қилади. Ушбу омил яхлитлик қисмларининг функционал боғланишлари ва ўзаро алоқаларини белгилайди. Бусиз тизим ҳаракат қила олмайди, бинобарин, тизимнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмайди.

4. Муайян ҳуқуқий қисмларнинг таркибий тартибга солинган яхлитликка маълум белгиларга кўра объектив бирикуви тизимли ҳуқуқий яхлитликда нисбатан мустақиллик хусусиятлари мавжудлигини белгилайди. Бу шунда ифодаланадики, биринчидан, унинг хусусиятлари тизим ҳосил қилувчи қисмларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлмайди; иккинчидан, у ўз таркибий қисмларини сезиларли даражада ўзгартириш ва ўз яхлитлиги доирасида янги қисмларни яратиш қобилиятига эгадир; учинчидан, у бошқа, янада улканроқ тизимнинг қисми ёки кичик тизими сифатида амал қилиши мумкин; тўртинчидан, у ташқи муҳит билан узвий боғлиқ, унинг таъсирини ҳис этади ва ўзи ҳам унга таъсир кўрсатади. Нисбатан мустақилликнинг йўқлиги ҳуқуқий яхлитликни тизимликдан маҳрум қилади.

5. Тизимли тартибга солинганлик тизимли ҳуқуқий яхлитликка нисбатан барқарор тус беради. Тизимли ҳуқуқий яхлитлик қисмлари ва уларнинг алоқалари хусусиятларини ўзгартиришга фақат шу барқарорлик доирасида йўл қўйилади. Агар бу ўзгаришлар унинг минимал ёки максимал “бўсағалари” чегарасидан четга чиқса, тизим бузилади.

6. Тизимли ҳуқуқий яхлитликнинг нисбатан мустақиллиги тизим фаолиятининг нисбатан мустақиллигини белгилайди. Ушбу мустақиллик даражаси мазкур тизимнинг даражаси билан белгиланади. Бироқ фаолиятда мустақилликнинг йўқлиги яхлитликни тизимликдан маҳрум этади¹.

Айни пайтда Д.А.Керимов тизим тушунчаси ва яхлитлик, умумийлик фалсафий тушунчаси ўртасидаги муҳим фарқларни қайд этади. Тизим – яхлитлик, умумийлик тушунчаларига қараганда кенгроқ, бойроқ, универсалроқ, функционалроқ тушунча. Яхлитлик, тартибга солинганлик тизимга ичдан хос бўлган хусусиятлардир: “биринчидан, ҳар қандай яхлитлик тизим бўлавермайди, бироқ ҳар қандай тизим яхлитдир. Яхлитликсиз тизим мавжуд бўлмайди, у тизимга ягоналик хусусиятини бахш этади; иккинчидан, ҳар қандай структура тизимли эмас, бироқ ҳар қандай тизим муайян структурадан таркиб топади.

¹ Қаранг: Керимов Д.А. Методология права (предмет, функции, проблемы философии права). – М.: Норма, 2000. – С. 251-253.

Структурасиз тизим мавжуд эмас; учинчидан, худди шу гапни функциялар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Ҳар қандай фаолият ҳам тизимли эмас, бироқ ҳар қандай тизим фаоллик билан тавсифланади. Фаоллик хусусияти бўлмаса, тизим ҳам бўлмайди. Айни шу хусусият тизимнинг қизғин ривожланишини белгилайди”².

Ашъвий ҳуқуқларнинг умумий таснифини яратишга ҳам тизимлилик нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бу чекланган ашъвий ҳуқуқларнинг ҳар бир турини ягона ва яхлит тизимнинг қисмлари сифатида (унда ашъвий ҳуқуқларнинг ушбу тоифасига хос бўлган тизим ҳосил қилувчи белгилар бор-йўқлиги нуқтаи назаридан) аниқлашни, шунингдек уларни нисбатан мустақил тизимли яхлитликка бирлаштиришни назарда тутати.

Энг аввало шундан келиб чиқиш лозимки, ҳар қандай ҳуқуқий тизим каби, чекланган ашъвий ҳуқуқлар тизими ҳам объектив мавжуд ва вазифа уни англаб етишдан иборат³. Ҳуқуқ тизимини англаб етиш турли ҳуқуқий шаклларнинг ижтимоий ривожланиш жараёнининг объектив омиллари, иқтисодий муносабатларнинг объектив мавжуд тизими билан қай даражада белгиланганлигини ўрганишни назарда тутати⁴.

Шундай қилиб, чекланган ашъвий ҳуқуқлар тизими деганда қисмларнинг муҳим асосларга кўра зарурий, мақсадга мувофиқ, таркибий жиҳатдан тартибга солинган, нисбатан мустақил бирикмасини (ҳуқуқий яхлитликни) тушуниш лозим. Ушбу бирикма объектив ва ҳуқуқий воқеликнинг ўзганинг ашъвсидан фойдаланиш субъектив ҳуқуқлари сифатида амал қилувчи ҳодисалари ва предметларининг юридик аҳамиятга молик белгилари, хоссалари ва хусусиятларининг умумий тўпламини ўзида ифодалайди.

Чекланган ашъвий ҳуқуқларни тизимлилик нуқтаи назаридан ўрганиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Биринчидан, тизимли ёндашув ҳуқуқ ижодкорлиги мақсадига эришиш – самарали қонунчиликни яратишга хизмат қилади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги ҳуқуқий муносабатнинг муайян ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини аниқлаш имконини берувчи белгилари қай даражада тўғри аниқланганига ва улар ҳуқуқ нормаларида қай даражада аниқ акс эттирилганига бевосита боғлиқ. Бунда тизим ҳосил қилувчи белгиларнинг ҳар бири икки функцияни бажаради. Бир томондан, у турли даражада ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилувчи чекланган ашъвий ҳуқуқларни турли гуруҳларга ажратиш имконини беради. Бошқа томондан, у умумий белгиси мавжудлиги туфайли бирхиллаштирилган тартибга солиш қўлланилиши лозим бўлган чекланган ашъвий ҳуқуқларни бир гуруҳда бирлаштириш учун имконият яратади.

Шундай қилиб, чекланган ашъвий ҳуқуқларнинг илмий асосланган тизими энг аввало у ёки бу ашъвий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятини аниқлаш ва

² Ўша ерда. – 258–259-б.

³ Қаранг: Толстой Ю.К. О теоретических основах кодификации гражданского законодательства // Правоведение. – 1957. – №1.

⁴ Қаранг: Яковлев В.Ф. Гражданско-правовой метод регулирования общественных отношений. – Свердловск, 1972. – С. 14.

тартибга солинаётган муносабатлар билан мувофиқ бўлган ҳуқуқий тартибга солишни яратиш учун зарур.

Чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқ ижодкорлигига доир аҳамияти қонун ҳужжатларини лозим даражада кодекслаштириш учун замин яратишда ҳам ифодаланган. Илмий асосланган ҳуқуқ тизими асосида яратилган кодекслаштириш ҳуқуқий тартибга солишни тежаш билан бир вақтда, тартибга солишнинг зарурий яхлитлигига эришиш имконини беради. Ҳуқуқий материални ўрганишда тизимли ёндашув “тизим ҳар бир элементининг (ҳар бир норманинг) амал қилиш чегарасини ҳамда тизим элементларининг (айрим нормаларнинг) ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлик даражасини белгилайди. Айнан шундай тизимлаштириш ушбу атаманинг том маъносидаги кодекслаштириш ҳисобланади...”¹.

Иккинчидан, қонунчилик у амалда тўғри қўлланилган ҳолдагина самаралидир. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини яратиш ҳар доим ҳуқуқни қўллаш вазифасини ҳал қилишни назарда тутди.

Ҳуқуқни қўллаш қонуннинг руҳи ва сўзи билан мувофиқ келиши лозим. Ҳуқуқ нормалари улар қайси ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган бўлса, шу ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши даркор. Бу ҳуқуқни қўллаш жараёнида чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизими ҳақидаги тасаввурлар қонунда амалда мавжуд бўлган тизим билан тўла мувофиқ келиши лозимлигини англатади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳуқуқий муносабатларни тавсифлаш мезонлари қонун чиқарувчи ҳуқуқий нормаларни яратиш пайтида асос сифатида олган тизимли белгилар билан аниқ ва тўла мувофиқ келиши лозим. Шу туфайли ҳам ҳуқуқни қўлловчининг бош вазифаларидан бири қонун чиқарувчининг ниятига кўра қайси ҳуқуқий муносабатлар муайян ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши лозимлигини аниқлаш ва мазкур ҳуқуқий муносабатларни ажратишнинг қонун йўли билан белгиланган мезон билан аниқ ва тўла мувофиқ бўлган, амалий жиҳатдан қулай мезонини яратишдан иборатдир.

Нихоят, чекланган ашёвий ҳуқуқларни тизимлилик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳуқуқ ижодкорлиги вазифаларини ҳал қилишга кўмаклашади, чунки айнан чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини комплекс ўрганиш натижасида амалда мавжуд чекланган ашёвий ҳуқуқларни сақлаб қолишга бўлган эҳтиёж, шунингдек фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш мақсадида янги ҳуқуқларни амалга киритиш зарурияти аниқланади.

Шундай қилиб, чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини комплекс ўрганиш куйидаги мақсадларда зарур:

1) ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқида чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини яратиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган белгиларни аниқлаш;

2) чекланган ашёвий ҳуқуқлар ҳар бир турининг тизимли белгиларини улар ҳуқуқий мустаҳкамлашни талаб қиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим жиҳатларини қай даражада акс эттиришини ва тегишли равишда чекланган ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун қандай

имкониятлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш;

3) чекланган ашёвий ҳуқуқларни тавсифловчи белгиларни аниқ ва лўнда таърифлаш, улардан амалда фойдаланиш юзага келган ашёвий-ҳуқуқий муносабатларни хатосиз таснифлаш ва, бинобарин, уларга аниқ шу ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган ҳуқуқий нормаларни қўллаш имконини беришини таъминлаш.

Бошқача қилиб айтганда, чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг илмий асосланган тизимини яратиш ва у амалда тўғри қўлланилишини таъминлаш талаб этилади.

Чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизими турли хил нуқтаи назарлардан ўрганилиши мумкин. Бинобарин, тизимни шакллантириш мезонлари у қайси нуқтаи назардан ва қандай мақсадда ўрганилиши билан белгиланади.

Ашёвий ҳуқуқларни икки йирик гуруҳ – мулк ҳуқуқи ва чекланган ашёвий ҳуқуқлар (мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлар)га ажратиш умум эътироф этилган. Мазкур тасниф замирида ашёвий ҳуқуқларни бериладиган ваколатларнинг кенглик даражасига қараб ажратиш ётади. Е.А.Сухановнинг қайд этишича, “чекланган ашёвий ҳуқуқлар назарияси қитъа Европасида сюзерен ва вассал ўртасида “тақсимланган” ер мулки феодал ғоясининг ўрнини мустаҳкам эгаллади”². Чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг иккиламчилиги, тобелигига С.А.Зинченко ва В.В.Галов ҳам эътиборни қаратади (бунда мазкур муаллифлар ҳуқуқларнинг ушбу гуруҳини ҳосила ашёвий ҳуқуқлар деб номлайди)³.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг рўйхати ФКнинг 165-моддасида мустаҳкамланган. Мазкур нормага мувофиқ мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади: хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; сервитутлар. Мазкур рўйхат очиқ хусусиятга эга. Бундан ташқари, ушбу моддада бошқа ашёвий ҳуқуқлар фақат қонун билан белгиланиши мумкинлиги белгиланмаган. Ҳозирги замон фуқаролик қонунчилигида чекланган ашёвий ҳуқуқлар доирасининг торлигига И.А.Дроздов ва О.М.Козырь ҳам эътибор қаратади⁴.

Юридик адабиётларда назарий жиҳатдан чекланган ашёвий ҳуқуқларни тизимлаштириш кўп бора амалга оширилган.

Бу хусусда К.П.Победоносцев шундай деб ёзган эди: “Умуман олганда чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизими фанда ҳам, фуқаролик ҳуқуқининг энг янги кодексларида ҳам ўзининг мукамал ифодасини топгани йўқ. Бинобарин, ҳар бир бўлими фақат

¹ Рахмилович В.А. О достижениях и просчетах нового Гражданского кодекса Российской Федерации // Государство и право. – 1996. – №4. – С. 120.

² Суханов Е.А. О понятии и видах вещных прав в российском гражданском праве // Журнал российского права. – 2006. – №12. – С. 43.; Шу муаллиф. К понятию вещного права // Правовые вопросы недвижимости. – 2005. – №1. – С. 15. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Венедиктов А.В. Избранные труды по гражданскому праву. В 2 т. Т. 2. – М., 2004. – С. 116–122.

³ Қаранг: Зинченко С.А. Собственность и производные вещные права: теория и практика. – Ростов-на-Дону, 2003. – С. 33.

⁴ Қаранг: Дроздов И.А., Козырь О.М. О вещных правах на земельные участки и иные природные объекты (анализ положений Концепции развития законодательства о вещном праве) // Закон. – 2009. – №5. – С. 57.

ўзигагина хос бўлган предметларни ўз ичига олган аниқ ва тўлиқ тизимни кутмасак ҳам бўлади”¹.

В.И.Синайский тўлиқ ва нотўлиқ ашёвий ҳуқуқларни ажратган. Тўлиқ ашёвий ҳуқуқларга у мулк ҳуқуқини киритган, нотўлиқ ашёвий ҳуқуқлар таркибини эса қуйидагича белгилаган: “сервитутлар, эмфитевзис, суперфиций, гаров ҳуқуқи, ашёвий мажбуриятлар, ер ости бойликларига бўлган ҳуқуқлар”².

Г.Ф.Шершеневич мулк ҳуқуқи билан бир қаторда ашёвий ҳуқуққа сервитутлар, чинш ҳуқуқи, гаров, эгалик ҳуқуқини киритган³.

И.А.Покровский бундай ҳуқуқларнинг уч асосий гуруҳини ажратган: 1) ўзганинг ашёларидан фойдаланиш ҳуқуқлари (сервитутлар, иморат солиш ҳуқуқи ва эмфитевзис); 2) ўзганинг ашёсидан муайян қимматликни олиш ҳуқуқи (бу гуруҳга у шу жумладан гаров ҳуқуқини, шунингдек “ашёвий ҳақ беришлар”ни ёки Германия ва Швейцария ҳуқуқидаги “Grundlasten” ва “Reallasten”ни, яъни ер мулкдоридан бирор нарса олишга бўлган ҳуқуқларни киритган); 3) маълум ашёни эгаллашга бўлган ҳуқуқлар (улар жумласига олим имтиёзли сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқини ва мулк ҳуқуқини эгаллаш ва фойдаланилаётган мол-мулкдан меваларни олиш ҳуқуқини назарда тутувчи сервитутларнинг баъзи бир турларини киритган)⁴.

М.К.Сулейменов, М.В.Скрябин Қозоғистон фуқаролик ҳуқуқига татбиқан И.А.Покровский илгари сурган таснифни қўллашни таклиф қилади. “Мулкдор ва бошқа шахс тегишли ҳуқуқни таъсис этишда кўзлайдиган мақсад (манфаат) тегишли мезон сифатида эътироф этилиши лозим. Бундай мақсадлар иккита бўлиши мумкин:

1. Ашёдан унинг фойдали хоссаларини олиш мақсади. Бунда мазкур ҳуқуқлар конструкцияси, биринчидан, ё ўзганинг ашёсига бўлган ашёвий ҳуқуқ эгасига ашёга фақат қонунда ёки бу ҳуқуқларни таъсис этиш тўғрисидаги шартномада батафсил баён этилган муайян усулда таъсир кўрсатиш имкониятини бериш орқали унинг эркинлигини сезиларли даражада чеклаши (ашёдан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқлари – сервитут типидagi ҳуқуқлар), ё, иккинчидан, ҳуқуқ эгасига ўзганинг ашёсидан фойдаланиш борасида анча кенг имкониятлар бериши мумкин. Ушбу гуруҳ ашёвий ҳуқуқларининг умумий номи “фойдаланиш ашёвий ҳуқуқлари” бўлади.

2. Ваколатли шахснинг ашё айирбошлаш қиймати (қиммати) билан боғлиқ бўлган мақсади (манфаати). Бу гуруҳни гаров ҳуқуқлари (ипотека ва закат), ушлаб қолиш ҳуқуқи ташкил этади ва уларни таъминловчи ҳуқуқлар деган умумий ном остига бирлаштириш мумкин”⁵.

Ўз ҳуқуқий тизимига кўра МДХ мамлакатларига айниқса яқин турувчи Германия қонунчилигида мустаҳкамланган чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизими алоҳида диққатга сазовордир.

Германиянинг ҳозирги замон фуқаролик қонунчилигида ҳам чекланган ашёвий ҳуқуқлар одатда уч гуруҳга ажратилади: 1) ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ҳуқуқлари (Nutzungsrechte); улар мазкур ашёни бошқа шахсга бериш имкониятини истисно этади (сервитутлар, узурфрукт, иморат солиш ҳуқуқи); 2) ўзганинг ашёсини “реализация қилиш ҳуқуқлари” (Verwertungsrechte); улар мулкдор муайян суммани тўламаган тақдирда ашёни унинг розилигисиз бошқа шахсга бериш имконияти билан боғлиқ (гаров ва “ашёвий мажбуриятлар” – Reallasten); 3) ўзганинг ашёсини эгаллаш ҳуқуқлари (Erwerbsrechte); улар сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқини, тегишли сервитутлардан фойдаланиш натижасида баъзи бир меваларни “ўзлаштириш ҳуқуқи”ни ва ерлар китобида “дастлабки тарзда қайд этиш” йўли билан расмийлаштирилган ер участкасининг эгасига “талаб қўйиш ҳуқуқи” (ГФТ 883-§)⁶.

Чет эл қонунчилигида чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимига одатда сервитутлар, узурфрукт ва гаров киритилган. Бундан ташқари, ашёвий ҳуқуқларнинг айрим бошқа турлари ҳам маълум.

Масалан, Швейцария, Италия, Нидерландия ҳуқуқида иморат солиш ашёвий ҳуқуқи (у айрим мамлакатларда суперфиций деб аталади) – ўзганинг ер участкасида бино қуриш ва кейинчалик ундан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилган. Бу ҳуқуқ мерос қилиб қолдирилади, муайян шароитларда эса – бошқа шахсга ҳам берилиши мумкин.

Франция ҳуқуқида кўчмас мулкни ижарага олувчи ушбу кўчмас мулкдан вазифасига кўра фойдаланиш ашёвий ҳуқуқини бундай фойдаланишни мулкдор каби узоқ муддат амалга оширгани туфайли эгаллайди. Эмфитевзис деб аталадиган бу ҳуқуқ шу жумладан ижарага олинган ерда иншоотлар барпо этиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Эмфитевзис Нидерландия, Италия, Квебек фуқаролик кодекслари билан ҳам тартибга солинган (Нидерландия ФК 5-китобининг 85–100-моддалари, Италия ФКнинг 957–977-моддалари, Квебек ФКнинг 1195–1221-моддалари) ва узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган вақтинчалик ҳуқуқни, баъзи ҳолларда (Италия ФКнинг 958-моддаси) эса – умрбод фойдаланиладиган ҳуқуқни ўзида ифодалайди. Квебекнинг янги Фуқаролик кодекси бўйича эмфитевзис конструкциясининг хусусияти шу билан белгиланадики, унинг мазмунига ер участкасида иморатлар, иншоотлар қуриш ва кўчмас мулк қийматини кўпайтириш учун уни кўкаламзорлаштириш мажбурияти киради (Квебек ФКнинг 1195-моддаси).

Италия ва Франция ҳуқуқида фойдаланиш ҳуқуқи ва истиқомат қилиш ҳуқуқи мустақил ашёвий ҳуқуқлар сифатида ажратилган (Италия ФКнинг 1021–1026-моддалари; Франция ФКнинг 625–636-моддалари). Бироқ уларга нисбатан узурфрукт тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Истиқомат қилиш ҳуқуқи мустақил ашёвий ҳуқуқ сифатида Швейцария ва Нидерландия ҳуқуқида ҳам мустаҳкамланган (Швейцария ФКнинг 776–778-моддалари; Нидерландия ФК 3-китобининг 225-моддаси)⁷.

¹ Победоносцев К.П. Курс гражданского права. Ч. 1. Вещные права. – М.: Статут, 2002. – С.193.

² Синайский В.И. Русское гражданское право. – С. 208.

³ Қаранг: Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – С. 142.

⁴ Қаранг: Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – С. 207–208.

⁵ Сулейменов М.К., Скрябин С.В. Вещные права на чужую вещь // Вещные права: система, содержание, приобретение: Сб. науч. тр. В честь проф. Б.Л.Хаскельберга / Под ред. Д.О.Тузова. – М.: Статут, 2008. – С. 92–93.

⁶ Қаранг: Суханов Е.А. Понятие и виды ограниченных вещных прав // Гражданское право – частное право / Отв. ред. В.С.Ем. – С. 245.

⁷ Қаранг: Гражданское и торговое право зарубежных государств / Отв. ред. Е.А.Васильев, А.С.Комаров. – 4-е изд., перераб. и доп. В 2 т. Т. 1. – М., 2004. – 389–390-б.

В.В.Метельская қайд этишича, “Испания ҳуқуқи доктринасида ашёвий ҳуқуқ бажарадиган иқтисодий функцияга қараб, чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг икки гуруҳини ажратиш одат тусини олган: ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг қийматини олиш ҳуқуқи (“кафолатли” ашёвий ҳуқуқлар). Ўзганинг ашёсидан фойдаланишга бўлган ашёвий ҳуқуқлар уларнинг эгасига ўзганинг мол-мулкига ёки унинг бирор-бир қисмига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш, айрим ҳолларда эса – мазкур мол-мулкдан олинадиган мевалар ва даромадларга бўлган ҳуқуқларни эгаллаш имкониятини беради (масалан, узуфрукт). ... Ашёнинг қийматини олишга бўлган ҳуқуқлар уларнинг эгасига мажбурият белгиланган ашёни унинг қийматини олиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсга бериш имкониятини беради. Ҳуқуқларнинг кўрсатилган гуруҳини баъзан “кафолатли” ҳуқуқлар деб атайдилар, чунки улар мазкур ашёвий ҳуқуқларнинг эгаси ваколатли шахс саналган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди. ... Кафолат, ипотека ва ушлаб қолиш ҳуқуқлари қийматни реализация қилишга бўлган ҳуқуқларга классик мисоллар ҳисобланади”¹. Бироқ ашёнинг қийматини олишга бўлган чекланган ашёвий ҳуқуқлар, олимнинг фикрига кўра, “ушбу атаманинг том маъносидаги ашёвий ҳуқуқлар эмас, чунки бундай ашёвий ҳуқуқлар эгасининг иқтисодий манфаати ашё устидан бевосита ҳукмронлик йўли билан қондирилмайди”².

Е.А.Суханов чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг тўрт гуруҳини ажратишни таклиф қилади: 1) “мулкдорнинг мол-мулки билан хўжалик юритишга бўлган ҳуқуқлар” (“хўжалик юритиш” ва “оператив бошқариш”); уларнинг объекти мулккий комплекслардир; кўчмас мулк асосий объектлари – ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлар (мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасидан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳуқуқи, ер, сув ва ўрмон сервитутлари); 3) ўзганинг уйи (квартираси)дан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлар (мулкдор оила аъзосининг у банд этган уй (квартира) хонасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шартномасига мувофиқ ёки васият мажбурияти юзасидан ўзганинг уй-жойидан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи); 4) гаров ва ашёни ушлаб қолиш “таъминловчи” ҳуқуқлари (уларнинг ашёвий ҳуқуқлар қаторига киритилиши сўнги йилларда нашр этилган адабиётларда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир)³.

М.В.Черединова қуйидаги ҳуқуқларни ажратади: 1) юридик шахсларнинг мулкдор мол-мулкдан фойдаланган ҳолда хўжалик фаолиятини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари (хўжалик юритиш, оператив бошқариш, муассасанинг мустақил тасарруф этиши); 2) ўзганинг ашёсидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлар; 3) ашёдан маълум қимматни олишга бўлган ҳуқуқлар (гаров ҳуқуқи)⁴.

¹ Метельская В.В., Шевцов С.Г. Сервитуты в системе вещных прав. – Краснодар, 2009. – С. 33–35.

² Ўша ерда. – 35-б.

³ Қаранг: Суханов Е.А. Понятие и виды ограниченных вещных прав // Гражданское право – частное право / Отв. ред. В.С.Ем. – С. 246–247.

⁴ Қаранг: Черединова М.В. О вещных правах по Гражданскому кодексу Российской Федерации // Актуальные проблемы гражданского права / Под ред. С.С.Алексеева. – М.: Норма, 2000. – С. 119–121.

Таклиф қилинган таснифни мукамал деб айтиш мушкул. Унда ашёвий ҳуқуқларнинг у ёки бу гуруҳини ажратиш ягона мезони мавжуд эмас: биринчи ҳолда бу субъект, иккинчи ва учинчи ҳолларда эса – мазмун.

Е.А.Баринаова ашёвий ҳуқуқларнинг қуйидаги таснифини таклиф қилади: 1) қонунда ашёвий ҳуқуқлар сифатида номланган ҳуқуқлар; 2) қонунда ашёвий ҳуқуқлар сифатида номланмаган ҳуқуқлар, чунончи: ижара, уй-жой (квартира)ни ижарага олиш, беғараз фойдаланиш, “ўзганинг мол-мулкдан юқорида келтирилган белгилар билан мувофиқ келувчи бошқа ҳар қандай тарзда фойдаланиш”⁵.

В.А.Белов ашёвий ҳуқуқларни уларнинг мазмуни асосида тизимлаштиришни таклиф қилади ва ашёвий ҳуқуқлар рўйхатини тўлиқ деб ҳисоблайди ва ашёвий ҳуқуқларнинг 22 турини ажратади⁶. Муаллиф: “Ашёлар устидан бевосита ҳукмронлик муносабатларининг мазмуни, яъни субъектив ашёвий ҳуқуқларни бирлаштирувчи ваколатлар мазмуни ашёвий ҳуқуқлар асосий таснифининг мезонига айланиши лозим”⁷, деб ҳисоблайди. В.А.Белов фикрига кўра, қуйидагиларни таъминловчи ашёвий ҳуқуқларни ажратиш ўринли бўлади: 1) тегишли объектга озми-кўпми мутлақ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш (мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи, ишончли бошқариш ҳуқуқи); 2) объектга амалда эгалик қилиш, шунингдек объектдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш шартли имкониятлари (эгалик билан боғланган гаров ҳуқуқи – гаровга қўйиш ҳуқуқи ва ушлаб қолиш ҳуқуқи); 3) тегишли объектга амалда озми-кўпми мутлақ эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (эгалик билан боғланган ижара ҳуқуқи); 4) тегишли объектга озми-кўпми мутлақ тарзда юридик (рўйхатдан ўтказган ҳолда) эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (уй-жой мулкдори оила аъзосининг ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, кўчмас мулкни ижарага олиш ҳуқуқи, уй-жойни ижарага олувчи ва у билан бирга яшовчи шахсларнинг ҳуқуқи, ипотека ҳуқуқи); 5) тегишли объектдан озми-кўпми мутлақ тарзда юридик (рўйхатдан ўтказган ҳолда) фойдаланиш (ер участкасидан, ер ости участкасидан, ўрмон ва сув фондларининг участкаларидан доимий (муддатсиз) ва муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер сервитутлари, бинолар ва иншоотларга сервитутлар, шаҳарсозлик соҳасидаги сервитутлар, сув сервитутлари)⁸.

А.Б.Бабаев ашёвий ҳуқуқларни тизимлаштиришга нисбатан мазкур ёндашувни умуман олганда маъқуллаган, бироқ унинг баъзи бир жойларини танқид қилган ҳолда, ашёвий ҳуқуқлар тизимига нисбатан тегишли ҳуқуқлар мазмуни ва предмети нуқтаи назаридан ўз ёндашувини таклиф қилади: 1) мулк ҳуқуқи; 2) эгалик қилиш ҳуқуқи; 3) фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут, уй-жой мулкдори оила аъзоларининг ёки ижара шартномаси бўйича ижарага олувчининг ҳуқуқлари); 4) эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш

⁵ Баринаова Е.А. Вещные права в системе субъективных гражданских прав // Актуальные проблемы гражданского права: Сб. ст. Вып. 6 / Под ред. О.Ю.Шилохвоста. – М.: Норма, 2003. – С. 166.

⁶ Белов В.А. Гражданское право. Общая и особенная части: Учебник. – М.: Бек, 2004. – С. 455-456.

⁷ Ўша ерда. – 457–458-б.

⁸ Ўша ерда. – 458-б.

ҳуқуқи (ижарага олувчи, ссуда олувчи, гаров олувчининг ҳуқуқлари)¹.

Бизнинг назаримизда, ушбу таснифнинг камчиликлари аниқ-равшан кўришиб турибди, зеро муаллиф ашёвий ҳуқуқлар ва мажбурият ҳуқуқларини аралаштириб юборган, шунингдек ўз таснифида бошқа ашёвий ҳуқуқларни (масалан, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларини, ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини, мерос қилиш қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини) келтирмаган.

Л.В. Щенникова ашёвий ҳуқуқларнинг қуйидаги тизимини мустаҳкамлашни таклиф қилади: мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасидан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳуқуқи, иморат солиш ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи, муассаса даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи, сервитутлар, истиқомат қилиш ҳуқуқи, гаров, ушлаб қолиш². Бироқ, мазкур муаллиф шу китобининг ўзида хўжалик юритиш ҳуқуқи конструкциясидан келажакда воз кечиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи тушунчасининг мазмунига давлат корхонаси ва муассасасига татбиқан аниқлик киритиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилган³.

РФ фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш концепциясида чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг қуйидаги тизимини таклиф қилдилар: 1) давлат ёки муниципал мулкка тегишли бўлган, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; 2) давлат ёки муниципал мулкка тегишли бўлган ер участкасидан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳуқуқи; 3) ер участкасидан доимий фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқ (эмфитевзис); 4) ер участкасига иморат солиш ҳуқуқи (суперфиций); 5) сервитут; 6) шахсий фойдаланиш ҳуқуқи (узуфрукт); 7) ипотека ва рўйхатга олинган бошқа гаров ҳуқуқи; 8) ўзганинг кўчмас мулкни эгаллаш ҳуқуқи; 9) ашёвий ҳақ беришлар ҳуқуқи; 10) давлат ёки муниципал мулкка тегишли бўлган мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи⁴. Мазкур таснифнинг камчилиги шундан иборатки, унда чекланган ашёвий ҳуқуқларни ажратиш учун ягона мезон мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ФК аксарият бошқа МДҲ мамлакатлари (жумладан, Россия Федерацияси) ФКлари каби МДҲ мамлакатлари учун тайёрланган Намунавий ФК асосида ишлаб чиқилганлигини назарда тутсак, юқорида чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган муаммолар миллий фуқаролик қонунчилигимизга ҳам тегишлилигини таъкидлаш ўринлидир. Шунга кўра, амалдаги фуқаролик қонунчилигида чекланган ашёвий ҳуқуқлар рўйхатини шакллантириш тизимсиз хусусиятга эгалигини қайд этиш лозим. Айни ҳол ашёвий ҳуқуқларни ажратишнинг аниқ мезонлари йўқлиги ёки фақат битта мезоннинг устун қўйилиши билан боғлиқ. Бу ҳолатга Ю.К.Толстой эътиборни қаратади: “Амалдаги

чекланган ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий камчиликлари қаторига уларда бўшлиқлар мавжудлиги ва уларнинг зиддиятларга тўлалигидан ташқари шуни киритиш ўринли бўладики, уларда мазкур ҳуқуқларнинг тўлиқ рўйхати берилмаган. Ушбу камчиликни назария даражасида тегишли нормаларни шарҳлаш йўли билан тўлдиришга тўғри келаётир. Ваҳоланки, бу йўл оптимал эмас⁵. Айни пайтда, баъзи бир олимлар чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг озми-кўпми тизимлаштирилган таснифини таклиф қилмоқдалар, бироқ бундай таснифлар ҳам, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, камчиликлардан холи эмас.

Бизнинг назаримизда, амалдаги фуқаролик қонунчилигида чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини яратишда у ёки бу ашёвий ҳуқуқ таркибига кирувчи ваколатлар ҳажмидан келиб чиқиш лозим. Мазкур мезонни ҳисобга олганда чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизими қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: 1) оператив бошқариш ҳуқуқи; 2) ўзганинг ашёсидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут); 3) ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқлари (ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундай фойдаланиш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, узуфрукт, суперфиций); 4) ўзганинг кўчмас мулкни эгаллаш имтиёзли ҳуқуқи; 5) ўзганинг ашёсидан даромад олиш ҳуқуқи (ашёвий ҳақ беришлар ҳуқуқи). Юқорида келтирилган таснифга асосан ФКнинг 165-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Қаранг: Бабаев А.Б. Система вещных прав. – М.: Волтерс Клувер, 2006. – С. 301–306.

² Қаранг: Щенникова Л.В. Вещное право: Учебное пособие. – С. 74, 186.

³ Ўша ерда. – 118, 187-б.

⁴ Концепция развития гражданского законодательства. / Вступ. ст. А.Л.Маковского. – М.: Статут, 2009. – С. 76-77.

⁵ Гражданское право: учебник. Т. 1 / Под ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2004. – С. 543.

А.Т. Ҳидоятуллаев
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ **ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА – БАНК** **КАФОЛАТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ижтимоий мунособатларни тартибга солувчи турли хил ҳуқуқ соҳаларининг доимий равишда жамият ривожланиши жараёнлари билан бевосита боғлиқлиги, унинг таъсири натижасида барча ҳуқуқ соҳалари ва институтларининг маълум бир маънода жамиятнинг асосини ташкил этувчи шахслар манфаатига хизмат қилувчи янги мазмундаги кўринишларини вужудга келишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, фуқаролик ҳуқуқий мунособатлар субъектларининг битим ёки шартнома юзасидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришни таъминлаш борасида фуқаролик қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган бир қанча усуллардан фойдаланган ҳолда кредитор олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ва белгиланган муддатда бажариш имконини беради. Фуқаролик кодексининг 22-бобида мажбуриятни таъминлаш усуллари сифатида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг махсус усуларининг моҳиятига кўра, кредитор ўз мол-мулкни қарздорга тақдим этган ҳолда уни кредитлаштиради. Уз навбатида кредитор қарздордан мажбуриятлар бажарилишини қўшимча тарзда таъминлаш мақсадида учинчи шахслар билан ўзаро келишишни талаб қилиб, уларга муайян турдаги эквивалентга эга бўлган иқтисодий кўринишдаги – *шахсий ёки реал кредит* тарзида намоён бўлади. Шахсий кредитда агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажара олмаса, унинг ўрнига бажарилмаган мажбуриятни бажаришни учинчи шахс ўз зиммасига олади. Реал кредитда эса, маълум бир шахснинг алоҳида объекти ажратилиб, агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмаса, ушбу объект кредиторнинг барча талабларини қондиришга хизмат қилади¹.

Бугунги кунда мажбурият тарафлари ҳисобланган кредитор ва қарздор учун жуда қулай ҳисобланган мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида кафолат яъни банк кафолати муҳим ўрин тутмоқда.

Банк кафолати фуқаролик – ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш институти сифатида янги ҳисобланиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳалқаро савдонинг ривожланиши натижасида вужудга келди. Фуқаролик қонунчилигида банк кафолати – банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал) нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса,

¹ См., о сущности и правовых личного и реального кредита: Хвостов В.М. Система римского права. –М., 1996. –С. 326–327.

пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. РФнинг Фуқаролик кодексига шарҳ берган муаллифлардан бири А.Л.Меламеднинг таъкидлашича, 1964 йилги Собиқ Иттифоқ давридаги фуқаролик қонунчилигида кафолат кафилга тенглаштирилган бўлиб, кафилга оид қоидалар кафолатга нисбатан ҳам татбиқ этилган¹. ФКнинг 299-моддаси мазмунига кўра, банк кафолати бир томонлама битим ҳисобланади.1992 йил Ҳалқаро палата томонидан қабул қилинган кафолатни талаб қилиш оид қоидалар унификациясининг 2-моддасида кафолат – бу банк, суғурта ташкилоти ёки ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахснинг ҳар қандай кафолат ёки пул мажбуриятини ўзаро келишилган шартларга мувофиқ пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномани шу билан бирга бундан ташқари бир қанча ҳужжатларни (масалан, инженер ёки архитектор томонидан берилган сертификатлар ёки суд ва арбитраж қарорлари) тақдим этилиши орқали амалга оширилади. ФКдан фарқли ўлароқ, Унификация қоидаларида кафолатни тўғридан-тўғри ва контрагент турларидан иборат бўлиб, тўғридан тўғри кафолатда қарздор тўғридан-тўғри банкка мурожаат қилиб, кафолат беришини сурайди. Контрагент кафолатда эса мурожаат этилган банк бевосита ўзи кафолат бераолмайди ва у банк-эмитент ҳисобланиб, бошқа бир банк яъни, бажарувчи банкка мурожаат этиб бенефициар фойдасига пул тўловларини амалга ошириш вазифасини юклайди. Ҳалқаро банк амалиёти ва шартнома кафолатига оид унификациянинг 2-моддасига кўра, кафолатнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб: тендер кафолати, шартномани бажариш кафолати, тўловларни қайтариш кафолати каби турлари мавжуддир.

Юридик адабиётларда кафолат суммасини тўлаш механизмини амалга оширишга кўра иккита катта гуруҳга бўлинади: шартли кафолат ва кафолатли талабнома.

Шартли кафолатдаги суммани тўлашда бенефициар принципалнинг шартнома бўйича асосий мажбуриятларни бузганлиги, мажбуриятни ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида суд ёки арбитраж қарорлари ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этиш орқали кафолатни амалга ошириш лозим. Шартли кафолатни олиш учун бенефициар ўзининг ҳуқуқларини исботлаш лозим.Ушбу кафолат тури шартнома кафолатига оид унификация қоидалари нормалари орқали тартибга солинади. Кафолатли талабнома шартли кафолатдан фарқли жиҳати шундан иборатки, унда бенефициарнинг пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномаси билан биргаликда кафолатда кўрсатиб ўтилган тегишли ҳужжатлар илова қилган ҳолда тақдим этиши билан амалга оширилади.

Юқоридаги ҳолатларга кўра баъзи олимларнинг таъкидлашича, банк кафолатининг мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида қараш юзасидан турли фикрлари келтирилган. Е.А.Павлодскийнинг фикрича, банк кафолатини умуман мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида қараш мумкин эмас, чунки банк кафолатини мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида қараш мумкин. Масалан, қайтарилмаган қарз маблағларини суғурталашга нисбатан ҳам етарли

¹ См.: Гражданский кодекс Российской Федерации. Ч. 1. Научная – практический комментарий. –С.570, 573–574.

асосларга эга эмас¹. Т.А.Фадлеевойнинг таъкидлашича, амалдаги банк кафолати олдинги қонунчиликдаги кафилнинг бир кўриниши сифатида қаралган кафолатдан принципал жиҳатдан ҳам фарқ қилиб, банк кафолати ва суғурта шартномасига ўхшаш ва фарқли томонлари ҳам мавжуд¹.

Кафолат институти хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимида мулкӣ муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланилиб, у ўзининг мустақиллик характериға эга бўлиб, асосий шартноманинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ҳам унинг тугатилишиға асос бўлмайди.

Банк кафолати муносабати субъектлари кафил, принципал, бенефициардан иборатдир. Қонунчиликка кўра, кафил бўлиб банк, суғурта ташкилоти ва кредит муассасаси бўлиши мумкин. Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучға қиради. Айнан кафолатнинг берилиш кафил ва бенефициар ўртасида вужудға келадиган мажбурият муносабатларига нисбатан юридик факт ҳисобланади.

Банк кафолатининг бошқа мажбурият таъминлаш усулларида асосий фарқи шундаки, у асосий мажбуриятдан мустақил тарзда амалға оширилади. Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурият улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятға, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятға ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас. Кафил бенефициар олдидаги мажбуриятини тўлиқ амалға ошириши лозим. Банк кафолати қўйидаги ҳолатларда ҳам амалда бўлади:

- асосий мажбуриятлар тугатилганда ёки ўзгартирилганда;

- асосий мажбуриятлар ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда;

- кафилға асосий мажбуриятға боғлиқ равишда бенефициар томонидан келтирилган талабға нисбатан эътироз билдиришға ҳақли эмас;

- принципалнинг ҳар қандай талаби ёки эътирозига биноан кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини бажармаслик учун асос қилиб кўрсатиши мумкин эмас;

- агар бенефициарнинг талаби қондирилгунға қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларға кўра, бекор бўлганлиги ёкин ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ҳам бенефициарнинг тақрорий талабига кўра амалға оширилиши лозим.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас. Кафолат бўйича бенефициарға тегишли бўлган кафилға талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсға ўтказилиши мумкин эмас. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар диспозитив характерға эга бўлиб, томонлар кафолатда ўз ҳуқуқларини бошқа шахсға ўтказиш ҳолатларини кўрсатиб ўтишлари лозим бўлади. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилға ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга

иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак. Бенефициарнинг талаби кафолатда белгиланган муддат тугагунча кафилға тақдим этилиши керак. Амалдаги Фуқаролик кодексида банк кафолатининг шакли юзасидан аниқ бир фикр билдирилмаган, лекин бенефициар албатта кафил ёзма ҳужжатларни тақдим этиши лозим шу сабабли юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, банк кафолати албатта ёзма тартибда тузилиши шарт бўлиб унда бенефициар тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар руйхати назарда тутилган бўлиши бундан ташқари банк кафолати учун жуда муҳим бўлган шартлар унинг амал қилиш муддати ва тўланиши шарт бўлган пул миқдори кўрсатилиб ўтилади. Кафолатни дастлабки тарзда талаб қилишға оид бўлган унификациянинг 3-моддасида кўрсатилишича, барча кафолатларда кўрсатилиш лозим бўлган шартлар : 1) принципалнинг номи 2) бенефициарнинг номи 3) кафилнинг номи 4) кафолат беришин асосий шартномаға ҳавола қилинганлиги тўғрисида 5) тўланадиган пул миқдорининг максимал миқдори 6) кафолат берилган муддат 7) тўловни амалға ошириш асослари

Бундан ташқари, Г.А.Аванесовойнинг таъкидлашича, кафолат мажбуриятида ушбу шартларнинг мавжуд эмаслиги уни ҳақиқий эмас деб топиллишиға асос бўлади: принципалнинг номи; кафолат бўйича тўланадиган пул миқдори; кафолатнинг муддати². Шу билан биргаликда Л.Г.Ефимовойнинг таъкидлашича, томонларнинг банк кафолати бўйича қўйидаги шартларни ўзаро келишиб олмасликлари тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишлариға асос бўлиши мумкин: бенефициарнинг номи; принципалнинг номи; кафолатнинг асосий мажбуриятға ҳавола этилганлиги.³ Албатта банк кафолатида унинг муддатини блегиллаш муҳим урин эгаллайди, чунки келгусида аввало бенефициарнинг талаб қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шу билан биргаликда кафилға нисбатан асоссиз ёзма талаб билан мурожаат этиш ҳолатларини олдини олади.

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнғ бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирға кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса - мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонқуярлик кўрсатиши керак. Ушбу ҳолатларни келиб чиққан низоларни ҳал қилаётганда албатта инobatта олиш зарурдир. Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилға кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади. Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

² Аванесова Г.А. Применение банковской гарантии в товарном обороте: Автореферат кандидатский диссертации. –М., 1999. –С.15.

³ Ефимова Л.Г. Банковские сделки // Комментарий законодательства и арбитражной практики. Юридическая фирма "Контракт". –М.: "ИНФРА-М", 2000. –С.276.

¹ Павлодский Е.А. Обеспечение исполнения обязательств полручительством // Закон. –М., 1995. –№ 5. –С.25.

¹ Гражданское право: Учебник. Ч.1 / Под ред. Ю.К.Толстого и А.П.Сергеева. –М., 1996. –С.531.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёнки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт. Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади. Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди. Агарда кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса ёки тўловни кечиктирса, у фуқаролик қонунчилик асосларига кўра, пул мажбуриятларини бажармаганлик қоидаларига жавобгар бўлади.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;

2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;

3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;

4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида. Кафил мажбуриятининг ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши унга кафолат қайтариб берилган ёки қайтариб берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак. Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади. Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга кафолат шартларига номувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас. Ушбу ҳолат юзасидан айрим олимларнинг фикрича, фақатгина принципал билан кафил ўрасида шундай келишув бўлган тақдирдагина кафил принципалдан регресс талабларни қўйиш мумкинлигини таъкиллашади¹. Витрянский В.В. фикрича, эса улар ўртасида ўзаро келишув бор ёки йўқлигидан қатъи назар, кафил принципалга регресс талаблирин қўйишга ҳақли, чунки бу битим ҳақ эвазига тузиладиган битим ҳисобланиб келинади бундан ташқари принципалнинг кафилга нисбатан унинг талабларини қондирмаслиги фуқаролик ҳуқуқи адолатлилик принципларига зид ва принципалнинг асоссиз бойишига олиб келади².

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, банк кафолати мажбуриятни таъминлаш усуллари ичида ўзининг алоҳида белги ва хусусиятларига эга бўлиб, мажбурият иштирокчилари учун ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришда муҳим аҳамиятга эга ва шу билан бирга барча учун қулайдир.

¹ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации (часть первая) / Под ред. Т.Е. Абовой, А.Ю. Кабалкина. – М.: "Юрайт", 2002.

² Брагинского М.И., Витрянского В.В. Договорное право. Общие положения. – Книга 1. – М.: "Статут", 2001.

А. Абдусаломов
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув курслари
тингловчиси

МАМЛАКАТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов Конституция қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир” номли маърузаларида: “...бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий таъминотидаги ўта муҳим ва салмоқли хисса, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди”¹ – деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда бу соҳада мустақкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган, бизнес соҳасига ноқонуний аралашиларнинг олди олинмоқда, улар учун яратилаётган шарт-шароитларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ, ҳар ким мулк ҳуқуқига эга. Ушбу Асосий Қонун – Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини ҳар хил шакллардаги мулк ташкил этади. Тадбиркорлик барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Мазкур моддага мувофиқ, хусусий мулк “бошқа мулк шакллари каби” дахлсиздир. Мулкнинг қайси шакллардан иборат эканлиги Фуқаролик кодексида назарда тутилади. ФКнинг 167-моддасига биноан Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини хусусий ва оммавий мулк шакллари ташкил этади. Шу муносабат билан, Юртбошимиз куйидаги теран фикрлари мавжуд: “Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бежавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим”².

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлашга бағишланган мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ҳамда тадбиркорлик, банклар, инвестициялар, ер, монополияга қарши кураш

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши республикада мулкнинг муносабатларнинг моҳият ва мазмун жиҳатидан жиддий ўзгаришига ва шу сабабли тадбиркорликнинг таркиб топиши ва ривожланиши учун шароит яратди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Конституциясига амал қилинган ҳолда, мулкнинг ўтмишда социалистик жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланиб шаклларга ажратилишига ва қайси шаклда, кимга тегишли бўлишига қараб ўрнатилган тенгсизликка барҳам берилди. Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг равишда ривожланиши учун имкониятларнинг мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза қилиш қоидалари ЎзР ФКнинг тегишли моддаларига назарда тутилди. Иқтисодни ташкил қилувчи асосий масала бўлиши мулк масаласининг бундай ижобий ҳал қилиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши, ишлаб чиқаришда, хўжалик соҳасида тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишда фуқаролар ҳамда ташкилотлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда баб-баравар манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мол-мулкнинг вужудга келиши ва ушбу мулкдан ҳамкорликда унумли фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиши имкониятларини яратиб берди.

Хусусий мулк фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларининг муҳим объекти ҳисобланади. Шу билан бирга, хусусий мулк бозор муносабатларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилигимиз билан мукамал ҳуқуқий тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкнинг жорий қилиниши билан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди. Энди улар фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш ва унинг учун керак бўлган қурол-воситаларга эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий манба сифатида хусусий мулк билан бир қаторда оммавий (давлат) мулк ҳам аҳамиятлидир. Оммавий мулк тушунчаси давлатнинг барча фуқароларига ва шунинг билан бирга ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган мулк маъносини беради. Лекин у ўтмишда давлат мулкига ўхшаш мавҳум тушунча эмас, балки унинг муайян объектлари ва уни эгаллаб турувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи субъектлари аниқ белгиланди.

Оммавий мулк давлатга тегишли мулкдан иборат бўлиб, у икки хил кўринишда, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади. ФК да ҳар бир турдаги мулк ҳуқуқининг объектлари ва субъектларининг ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунча берилди.

Давлат мулк ҳуқуқи ўз мазмуни, яъни уни эгаллаш, ундан фойдаланиш, унинг тасарруф этилиши жиҳатидан икки хил гуруҳга бўлиниши мумкин: а) давлат корхоналарига ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулк; б) тегишли бюджет маблағлари ва давлат корхоналари ҳамда муассасаларига

¹ И.А.Каримов. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир” // Халқ сўзи. –Т., 2010 йил 8 декабрь.

² И.А. Каримов. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси (12 ноябрь 2010 йил).

бириктирилмаган, республика давлат ғазнасини ташкил қиладиган мол-мулк.

Тадбиркорлик фаолияти асосан давлат корхоналари ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулки, яъни хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларида, улар учун қабул қилинган Уставларда, таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида фаол амалга оширадидилар.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти умумий мулк асосида ҳам ташкил этилади. Бунда бир неча фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулк тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бундай умумий мулк биргаликдаги ва улушли мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФК да улушли ва биргаликдаги умумий мулк кимларга тегишли бўлиши аниқ кўрсатилмайди. Таъкидлаш жоизки, ФК нинг 216 ва 226 моддаларида бундай мулкларнинг субъектлари ҳар қандай фуқаролик муомаласи иштирокчиси бўлиши ҳамда биргаликдаги умумий мулкни улушларга ажратиши ёки унинг иштирокчиларидан бирининг улуш ажратиши мумкинлиги назарда тутилади.

Мулк ҳуқуқи эгалари ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги улушлари (ҳиссалари) аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мулк улушли мол-мулк дейилади. Улушли мол-мулкда қонунга асосан ёки иштирокчиларнинг келишуви билан уларнинг улушлари аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, улушлар тенг деб ҳисобланади. Улушлар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Улушли мулкни тасарруф қилишга нисбатан имтиёзли ҳуқуқлар белгиланади.

Биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳақида қоидалар ФКнинг 225-моддасида ўрнатилади. Умумий қоидага асосан биргаликдаги мулкка унинг эгалари биргалашиб эгалик қиладилар ва фойдаланадилар. Лекин улар ўзаро келишиб, бошқача тартиб ўрнатган бўлишлари ҳам мумкин. Бундай мулкни тасарруф қилишда унинг эгаларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик ривожланиши билан бирга биргаликдаги мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг ҳар бирига улар барчасининг розилиги билан ушбу мол-мулк юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилади. Тадбиркорларнинг розилиги билан ваколат берилмасдан тузилган битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ҳам назарда тутилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари якка тартибдаги тадбиркорлар, миллий ва хорижий жисмоний ҳамда юридик шахсларидан иборат бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, тадбиркорлик фаолияти турли шаклдаги мулк ҳуқуқи асосида ва иштирокида амалга оширилиши мумкин. Бир қанча шахслар билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун турли хил уюшмалар – корхоналар, фирмалар, акциядорлар жамиятлари тузилади. Бундай биргаликдаги тадбиркорлик уларда қатнашувчи шахсларнинг мол-мулки ва ақлий фаолиятини жалб этиш ҳисобига, яъни умумлаштириш асосида амалга оширилади. Умумий мулкда ҳар бир тадбиркор хўжалик жамоаси аъзосининг улуши белгиланади, яъни тадбиркорликни амалга ошириш натижасида кўлга киритилган даромад

ҳам улушнинг миқдорига қараб, аъзолар ўртасида тақсимланади¹.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаронинг мулки хусусий шаклдаги мол-мулкдан иборат бўлса, юридик шахснинг мулки жамоа (ширкат) мулкидан (агар у жамоалардан, уларнинг уюшмаларидан, жамоа ва кооператив ташкилотларидан иборат бўлса) ва шунингдек, давлат мулкидан (агар юридик шахс давлат корхоналаридан, ташкилотларидан, бирлашмаларидан иборат бўлса) ташкил топиши мумкин. Бундай ҳолатларда фуқаролар билан юридик шахслар ўртасида умумий улушли мулк ҳуқуқи вужудга келади ва ушбу мулк асосида тадбиркорлик амалга оширилади.

Фақат турли шаклдаги мол-мулкни умумлаштириш асосида эмас, балки ушбу мулкдан турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, мол-мулк асосида тадбиркорликни якка тартибдаги меҳнат, ҳамкорликдаги фаолият, мулкни ижарага бериш, қарз бериш, биргаликда корхона, ширкат ташкилотлари тузиш каби шакллари, турларини тузиш ва амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга, тадбиркорлик хориж фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида ҳам амалга оширилади. Мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, унинг асосида тадбиркорлик юритиш ҳақидаги Ўзбекистон фуқароларига тегишли қоидалар хорижий фуқароларга ҳам тааллуқлидир. ФК нинг 16-моддасида кўзда тутилишича, Ўзбекистонда яшаб турувчи хорижий давлат фуқаролари республиканинг фуқароларига тегишли бўлган ҳуқуқий лаёқатдан тенг фойдаланади. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, зарур сармоёга эга бўлган хорижий давлат фуқаролари ўзаро манфаатдорлик асосида республикада фаол тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, кўшма корхоналар ёки фақат ўзларига тегишли бўлган хусусий корхоналарни имтиёзли равишда ташкил этишларига имкон берилади. Бунда уларнинг мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқлари, манфаатлари қонун билан кўриқланади ва дахлсизлиги тўла кафолатланади. Улар ўзларининг хусусий соҳибкорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари, бошқа зарурий ашёлари имтиёзли шартларда ва узоқ муддатларга ижара олишлари мумкин. Хорижий фуқаролар республика ҳудудида тадбиркорлик натижасида орттирган мол-мулкни ўз хоҳишлари билан мерос қилиб қолдиришлари, хайр-эҳсон қилишлари ёки ўзларига тегишли даромадларни Ўзбекистондан эркин олиб кетишлари қонун билан кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон юридик шахслари ва хорижий юридик шахслар иштирокида, уларнинг мол-мулки асосида кўшма корхоналар, акцияли жамиятлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тузиш йўли билан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари асосида тадбиркорликни амалга ошириш шакллари: а) Ўзбекистон тадбиркорларнинг хорижий давлат фуқаролари ва юридик шахслари билан биргаликда корхоналар, банклар, суғурта компаниялари барпо этиш ва бошқа ташкилотларда улуш кўшиб қатнашиш; б) тўлиқ

¹ Ачилов С.С. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва соҳавий прокурорлик назоратининг вазифалари: Илмий-амалий рисола. –Т., 2010.

хорижий давлат фуқаролари ва юридик шахсларига қарашли бўлган корхоналар, банклар, суғурта компанияларини ва бошқа ташкилотларни барпо этиш; в) мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш; г) тадбиркорга мустақил равишда тегишли бўлган ёки фуқаролар ва юридик шахслар иштирокидаги мулквий ҳуқуқларни, шу жумладан, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро, жамоа (ширкат), ташкилот, яъни тадбиркорлар пул маблағларига бўлган эҳтиёжни тегишли банклардан олинadиган қарзлар (кредитлар) ҳисобида қаноатлантиришлари мумкин. Шунинг билан бирга тадбиркорларга тижорат хизмати кўрсатиш шарти билан бир-бирларига қарз (кредит) беришга ва давлат, жамоат ташкилотларидан кредит олишга ҳам рухсат этилган¹.

Шунинг учун ҳам банклар ўртасидаги кредит муносабатлари Фуқаролик кодекси 744-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қоидалар асосида тартибга солинади. Мазкур модданинг ушбу қисмига кўра, кредит муносабатларида бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор), иккинчи тараф-қарз олувчи корхона ёки фуқаро қатнашишлари мумкин. Бундай кредит ташкилотлари бўлмаган тақдирда, мазкур модданинг 2-қисмига биноан кредит беришни тижорат ташкилотлари амалга оширишлари назарда тутилади. Бундай кредитлашга нисбатан кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Демак, Кодекснинг 744-моддасига мувофиқ, тадбиркорларга кредитлар бериш банк ёки кредит ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, тадбиркор мол-мулкда фойдаланишнинг юқорида қайд этилган шакллари ва усуллари билан фойдаланиш йўли билан ўз фаолиятини амалга оширади. Ушбу фаолият фақат хусусий мулк асосида эмас, балки Ўзбекистон ва хорижий давлат фуқароларининг ва юридик шахсларининг мол-мулкни жалб этиш, оммавий мулк, биргаликда фаолият юритиш, хўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан турли хўжалик фаолияти юритиш учун давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкларидан фойдаланиш каби ҳаракатларни биргаликда бажариб, ўз тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим иқтисодий манба мулк ҳисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида амалга ошириши, шунингдек бундай ҳуқуқ субъекти бўлмасдан, бошқалар, яъни давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган мол-мулк асосида фаолият юритиши мумкин. Тадбиркор мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган тақдирда, бошқаларнинг мулкига нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига асосан фаолият юритади. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг мазмуни

Фуқаролик кодексининг 71,72, 276-178, 181-моддаларида акс этирилади.

Мулквий ҳуқуққа эга бўлмаган, лекин унга нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини мулкнинг эгаси томонидан белгиланган доирада амалга ошириши лозим. Мулквий ҳуқуққа эга бўлмаган тадбиркорга мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари мулкдор томонидан берилади. Шундай экан, тадбиркор унга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда фақат ўзининг эрки ва манфаати эмас, балки мулкдорнинг эрки ва манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор фойда олиш мақсадида турли хўжалик фаолияти билан шуғулланади, бу борада эркин ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилади, ўз фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлари бўйича шахсан ўзи жавобгар бўлади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик, биринчидан, мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этиши, иккинчидан, бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш, яъни ундан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин. Лекин бундан тадбиркорлик фақат мулк эгасининг бевосита меҳнатига ёки фақат бошқа фуқаронинг меҳнатига асосланган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш қонунда назарда тутилган қоидаларга зид бўлар эди. Тадбиркорлик шахсан мулк эгасининг ўзининг меҳнатда қатнашишига ёки ёлланма меҳнат қўллашга ва шунингдек, ўзининг ҳамда ёлланма меҳнатнинг биргаликда қўшиб амалга оширилишига асосланган бўлиши мумкин².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонунчилик талаблари турли ҳил манбаларда ўз аксини топади. Иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш тамойилларини ва моҳиятини белгилаб берувчи Конституцияда ўрнатилган асосий қоидалар юқори мақомга эга бўлган республиканинг қонунларида ўз аксини топди. Мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, кооперативлар, хўжалик ширкатлари ва бирлашмалари, банклар, солиқлар, биржалар, инвестиция, ташки иқтисодий фаолиятга оид ва бошқа фавқулодда муҳим қонунлар фуқароларга, юридик шахсларга жамиятнинг барча аъзоларида тенг ҳуқуқлилик принципи асосида қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай мулквий, хўжалик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликнинг бошқа соҳаларида ташаббускорлик кўрсатиб, эркин иштирок этиш учун кенг имконият яратиб берди.

Қабул қилинган қонунлар ва уларни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган турли тусдаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиши билан бир қаторда жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муайян соҳаларига оид қонун ҳужжатларида ва қонунга тенглаштирилган ҳужжатларда назарда тутилган

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Қонуни 25.04.1996 й. қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т., 1995. –№3–4, 49-модда.

² Ачилов С.С. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва соҳавий прокурорлик назоратининг вазифалари: Илмий-амалий рисола. –Т., 2010.

қоидаларни умумийлаштириб, ягона қонун тизими сифатида ўзига қамраб олади. Шунинг билан Бирга Кодексдаги нормалар амалиёт манфаати учун айрим қонун ёки қонунга тенглаштирилган ҳужжатларни қабул қилиш учун манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

¹ Научно-практический комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР // Под ред. М.К.Треушниковой. – М., 2000. – 524-б.

² Ожегов С.И. Словарь русского языка / Под ред. Н.Ю.Шведовой. – М., 1987. – 27-б.

³ Новичкова З.Т. Обеспечение иска в советском судопроизводстве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1972. – 68-б.

⁴ Скловский К. Залог, арест имущества, иск как способы обеспечения прав кредитора // Российская юстиция. 1997. №2. – 15-б.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 53-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасарруф қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топширишдан иборатдир.

Бироқ, “хатлаш” тушунчасига З.Т.Новичкова ва К.Скловский берган таърифлардан кўриниб турганидек, бу ерда гап мол-мулкни рўйхатга олиш ҳақида бормайди. Рўйхатга олиш – бу ҳисоби юритилаётган ашёлар (мол-мулк, ҳужжатлар) рўйхатини тузишдир. Рўйхатга олиш ўз-ўзича қарздор ва учинчи шахслар учун ҳеч қандай юридик оқибатларга сабаб бўлмайди. Чунки, мол-мулкни хатлашни амалга оширишда рўйхатга олиш ёрдамчи роль ўйнайди ва қарздорнинг мол-мулкни хатлаш чораси қўрилган ҳолларнинг барчасида ҳам қўлланилавермайди. Чунки, жавобгарнинг у яшайдиган жойдаги мол-мулкни хатлаш деярли ҳар доим мазкур мол-мулкни рўйхатга олиш билан бирга амалга оширилади. Жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлашда эса уларни рўйхатга олиш мумкин эмас, чунки мол-мулкни хатлаш чораси қўлланилган пайтда пул маблағлари асл ҳолида (“натурада”) эмас, балки банк ҳисобварақдаги ёзув тарзида мавжуд бўлади.

Дебиторлик қарзини хатлашда эса бошқача, яъни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни рўйхатга олишдан, зарур ҳолда эса – уларни олиб қўйиш, сақлаш учун топшириш ва қарздор унинг дебиторлик қарзи вужудга келишига асос бўлган ҳуқуқий муносабатлар ўзгариши ёки тугатилишига олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришини, шунингдек тегишли талабларни учинчи шахсларга топширишини тақиқлашдан иборатдир.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олганда, табиий бир савол туғилади: жавобгарнинг мулк ҳуқуқини чеклаш (унга мажбурият юклаш) қайси ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади:

- судьянинг даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажримга мувофиқми;
- суд ижрочиси томонидан чиқарилган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорга мувофиқми;
- суд ижрочиси томонидан тузилган мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш ҳужжатига мувофиқми?

Мол-мулкни хатлаш тарзида таъминлаш чорасини кўриш тўғрисида судья ажрим чиқаради ва бу ҳақда дарҳол мол-мулкни рўйхатга олувчи тегишли давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини уларнинг манзилига ушбу ажрим нусхасини юбориш орқали хабардор қилади. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

Жавобгарнинг мол-мулкни хатлаш чораси қўрилганини суд ижрочиси ижро иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорда кўрсатиши ҳам, алоҳида қарор чиқариши ҳам мумкин. Суд ижрочиси, айтилик, суднинг бўлғуси ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш чораси сифатида жавобгарнинг автомобилени хатлаш чорасини кўришга доир ижро варағини олгач, ижро иши қўзғатиш тўғрисида қарор ва жавобгарнинг автомобилени хатлаш тўғрисида қарор чиқаради ва давлат автомобиль назорати органига юборади. Бироқ, бу ерда шуни қайд этиб ўтиш

лозимки, суд ижрочиси қарор билан фақат давлат рўйхатига олиниши шарт бўлган мол-мулк (уй-жой, автомобиль, ер участкаси ва ҳ.к.)ни хатлаши мумкин. Давлат рўйхатига олиниши шарт бўлмаган мол-мулк (уй жиҳозлари, қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари ва ҳ.к.)ни хатлаш эса, мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни хатлаш ҳужжатини тузиш йўли билан амалга оширилади.

Қарор чиқарилганда суд ижрочиси томонидан амалга ошириладиган мол-мулкни хатлашни ўз навбатида мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш ҳужжати тузилганда амалга ошириладиган хатлашдан фарқ қилади.

Биринчидан, суд ижрочиси томонидан чиқарилган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор энг аввало мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олувчи давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек жавобгарнинг мол-мулки турган бошқа ташкилотлар (банклар, реестр сақловчилар ва ҳ.к.)га юборилади. Қарор нусхаси жавобгарга фақат танишиш учун юборилади, мол-мулкни рўйхатга олиш ва сўнгра уни хатлаш амалга оширилганда эса, тегишли далолатнома тузилади ва бевосита жавобгарга юборилади.

Иккинчидан, суд ижрочиси қарор чиқаради ва қарорни чиқариш пайтида ўз қўл остида бўлмаган мол-мулкни хатлайди. Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш ҳужжати тузилганда эса фақат суд ижрочисининг қўл остида бўлган мол-мулкни хатлаш амалга оширилади. Масалан, суд ижрочиси суднинг автомобилни хатлаш тарзида таъминлаш чорасини кўриш тўғрисидаги ажримини ижро этар экан, транспорт воситасини хатлаш тўғрисида қарор чиқаради ва шу куннинг ўзидаёқ уни давлат автомобиль назорати органига жавобгар уни сотиш учун ҳисобдан чиқаришни амалга оширишни тақиқлаш учун юборади¹. Давлат автомобиль назорати органидагилар ҳисоб юритиш ҳужжатларига мазкур автотранспорт воситасини хатлаш амалга оширилгани ҳақидаги маълумотни киритиб қўядилар. Шундан сўнг суд ижрочиси автомобиль турган жой (гараж, автомобилларни қўйиш жойи) аниқланган ҳолда мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш ҳужжатини тузиши лозим. Бироқ, автотранспорт воситаси турган жой маълум бўлмаса, токи у турган жой аниқланмас экан, автомобилни рўйхатга олиш ҳужжатини тузиш мумкин эмас.

Шу ўринда жавобгарнинг кўчар мулки хатланганда, мазкур мулк кимда қолади, деган саволга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бизнинг фикримизча, жавобгарга ўз мол-мулкни тасарруф этишни тақиқлаш билан кифояланмасдан, унинг мазкур мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам чеклаш ёки ҳатто уни олиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, айтайлик, транспорт воситасини хатлаш амалга оширилгандан сўнг жавобгар уни ижарага бериш имкониятига эга бўлмаслиги, шунингдек жавобгар йўл-транспорт ҳодисасига учраши натижасида хатланган мол-мулк бутунлай нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун зарур.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 55-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, рўйхатга олинган ва хатланган мол-мулк аксарият ҳолларда

¹ Могиланский Л.Г. Возмещение ущерба при столкновении автотранспорта. – М., 1988. – 100-б.

сақлаш учун қарздорга мол-мулкни хатлаш далолатномасига имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Агар мол-мулкнинг хоссаларига кўра ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келмаса, сақловчи ундан фойдаланиши мумкин.

Суд ижрочисининг фаоллиги тўғрисидаги масала ҳуқуқшунослик фанида кўп қарра кўтарилган. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, суд ижрочисининг фаоллиги “ундирувчининг фаоллиги билан мувофиқ келиши лозим, зотан, ундирувчи ҳам ташаббускор бўлиши керак, суд ижрочиси эса ўз ишида унинг таклифларидан келиб чиқади”². Бироқ, ушбу ёндашув, бизнингча, тўғри эмас, чунки Қонун суд ижрочилари-приставларига ўзларининг асосий вазифасини бажариш – “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш учун етарли бўлган ваколатларни берган. Бу, ўз навбатида, суд ижрочисига фаол бўлиш, ижро ҳужжатини тез ва тўлиқ ижро этиш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлар ва ЎзР ФПК, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ва амалдаги қонун ҳужжатларининг бошқа нормалари таҳлили даъвои таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажримни ижро этиш пайтида жавобгарнинг мол-мулкни хатлаш турли процессуал ҳужжатлар билан тайинланади ва расмийлаштирилади, деган хулосага келиш имконини беради. Бундай ҳужжатларга судьянинг даъвои таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажрими, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор, зарур ҳолларда эса, суд ижрочиси томонидан тузилган мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси киради. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, даъвои таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажримни суд ҳар доим, жавобгарнинг мол-мулки давлат органларида ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатга олинган ёки рўйхатга олинмагандан қатъи назар чиқаради. Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор эса суд ижрочиси томонидан фақат ижро ҳужжати унинг иш юритувига киритилган ҳолда чиқарилади ва кейинчалик, хатланиши лозим бўлган мол-мулкнинг хусусиятини ҳисобга олиб, суд ижрочиси мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномасини тузади.

Бинобарин, мол-мулкни хатлашда бажарилиши шарт бўлган ҳаракатларга фақат мол-мулкни тасарруф этишни тақиқлаш киради³.

Жавобгарга тегишли бўлган ва унда ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги масалани ўрганиш жараёнида ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар институтининг баъзи бир муаммоларини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Ижро иши юритиш иштирокчилари институти муаммолари сўнги йилларда фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва ижроия ҳуқуқи фанида кўп сонли процессуалчи-олимлар томонидан илмий мақолалар ва диссертация тадқиқотлари даражасида қизғин

² Исаенкова О.В., Шерстюк В.М., Ярков В.В. Концепция Исполнительного кодекса Российской Федерации (краткие тезисы) // Законодательство. 2002. №5. – 5-б.

³ Малешин Д.Я. Суд в процессе исполнения судебных постановлений: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – 149-б.

муҳокама қилинмоқда¹. Шунга қарамай, ушбу диссертация тадқиқоти доирасида таҳлил қилинаётган масалалардан айримлари кўшимча ўрганишни талаб қилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-бобида ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг қуйидаги давраси белгиланган: тарафлар (ундирувчи ва қарздор, 9-модда); тарафларнинг вакиллари (13-модда); таржимон (17-модда); ҳолислар (18-модда); мутахассислар (20-модда).

Қонун чиқарувчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-бобида суд ижрочисини нима учундир киритмаган. Ҳолбуки, у ижро иши юритишнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади².

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун қоидаларининг таҳлили қонун чиқарувчи унда “жавобгар” ва “қарздор” тушунчаларини таққослаганини кўрсатадики, бу жиддий эътирозлар уйғотади, чунки мазкур тушунчалар нисбатдош эмас. Жавобгар – суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс (ЎзР ФПК 39-моддасининг учинчи қисми). “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 9-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ижро ҳужжатида назарда тутилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган бўлса, ўша шахс қарздор ҳисобланади. Жавобгар фуқаролик суд ишларини юритишда тарафлардан бири сифатида иштирок этади, қарздор эса – ижро иши юритишда тарафлардан биридир³.

Шу маънода Е.В.Васьковскийнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: “Одатда ундирувчи сифатида ишни ўз фойдасига ҳал қилган даъвогар, қарздор сифатида эса – жавобгар амал қилади. Бироқ, баъзан бунинг акси кузатилиши ҳам мумкин, масалан, жавобгар қарши даъвони ўз фойдасига ҳал қилган ёки унга суд харажатларини даъвогардан ундириб олиш ҳуқуқи берилган ҳолда”⁴. Шундай қилиб, жавобгарнинг кейинчалик қарздорга айланиш эҳтимоли доим ҳам

мавжуд бўлавермайди, чунки яқуни олдиндан аён бўлган бирин-бир фуқаролик ишининг ўзи йўқ. Судья даъвогарнинг аризасини қаноатлантиришни рад этиши ёки фуқаролик ишини кўриб чиқиш жараёнида даъвогарнинг ўзи даъводан воз кечиши мумкин.

Г.Кулакова ва Я.Орловская фикрига кўра, даъвони таъминлаш чоралари мол-мулкка бўлган мулкдорлик ҳуқуқини рўйхатга олувчи органга эмас, балки жавобгарга қаратилиши лозим. Сўнги зикр этилган органга суд даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни реестрга мол-мулкни хатлаш ҳақида тегишли ёзувни киритиб қўйиш учун юборади. Мол-мулкни хатлаш амалга оширилганини реестрда қайд этиш, ўз навбатида, “белгиланган тақиқлар бажарилиши устидан давлат назорати чораси” ҳисобланади⁵. Номлари зикр этилган муаллифларнинг даъвони таъминлаш чоралари мол-мулкка бўлган мулкдорлик ҳуқуқини рўйхатга олувчи органга эмас, балки жавобгарга қаратилиши лозим, деган фикри, бизнингча, шак-шубҳасиз тўғри.

Айни пайтда, биз О.В.Исаенкова, В.М.Шерстюк ва В.В.Ярковнинг ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ижро иши юритиш жараёни субъектларининг барчасини уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра бир неча гуруҳга ажратиш лозим, деган фикрига ҳам қўшилаемиз. Чунончи, муаллифлар ижро иши юритиш субъектларини қуйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф қиладилар: а) судлар; б) мажбурий ижро этиш органлари; в) тарафлар ва уларнинг вакиллари⁶; г) ўз ваколатларига кўра ижро иши юритишга кўмаклашувчи органлар (банклар, ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳ.к.); д) мутахассислар ва махсус билимларга эга бўлган экспертлар; е) ижро иши юритишга кўмаклашувчи шахслар (ҳолислар, таржимонлар ва ҳ.к.)⁷.

Суднинг бўлғуси ҳал қилув қарори ижросини амалда таъминлаш мақсадида жавобгарнинг мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мазкур мол-мулк қаерда ва кимда тургани ҳақида аниқ ахборотга эга бўлиш муҳимдир. Агар хатланиши лозим бўлган мол-мулк жавобгарнинг қариндошлари, дўстлари ёки танишларида турган бўлса, мол-мулкни хатлаш тартиб-таомилларини бажариш қийинлашиши, санаб ўтилган шахслар мол-мулкни хатлаш ва олишга монелик қилишлари мумкин. Бу ерда учинчи шахс сифатида давлат муассасаси ёки ташкилот (масалан, банк, ломбард, рўйхатга олиш палатаси) амал қилган тақдирда эса, аксинча, суд ижрочисининг ҳаракатлари сезиларли даражада енгиллашади.

Жавобгарга қимматли қоғоз, акциядорлик жамиятидаги улуш, патент ва ҳоказолар тарзида қарашли бўлган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги масала фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида ҳали-ҳануз қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётир.

Шундай қилиб, жавобгарнинг мол-мулкни хатлаш амалга оширилганда, мазкур мол-мулкни тасарруф

¹ Масалан, Викут М.А. Участники исполнительного производства // Система гражданской юрисдикции в канун XXI века: современное состояние и перспективы развития: Межвуз. сб. науч. тр. – Екатеринбург, 2000. – 506-б.; Валеев Д.Х. Процессуальное положение лиц, участвующих в исполнительном производстве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 1999; Гепп Ю.В. Участники исполнительного производства: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2002; Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: Дисс. ...д-ра юрид. наук. – Саратов, 2003; Чекмарева А.В. Защита прав человека в исполнительном производстве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2003.

² Валеев Д.Х. Юридические факты как предпосылки реализации прав граждан и организаций в исполнительном производстве // Российский ежегодник гражданского и арбитражного процесса. №1. (2001 год) / Под ред. В.В.Яркова. – М., 2002. – 14–17-б.

³ Фуқаролик процессида тарафлар ҳақида қаранг: Мамасиддиқов М., Исмоилов О. Фуқаролик процесси унда тарафларнинг иштироки // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – №6.

⁴ Хрестоматия по гражданскому процессу / Под ред. М.К.Треушников. – М., 1996. – 204-б.

⁵ Кулакова Г., Орловская Я. Исполнение гарантируется // Юрист. 2003. №21. –С. – 7.

⁶ Олимова К.К. Фуқаролик суд ишларини юритишда вакилнинг иштирок этиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 30 б.

⁷ Исаенкова О.В., Шерстюк В.М., Ярков В.В. Концепция Исполнительного кодекса Российской Федерации (краткие тезисы) // Законодательство. 2002. №6. – 8-б.

этиш ҳуқуқига чекланади, ундан фойдаланиш ҳуқуқи эса, умумий қоидага мувофиқ, чекланмайди¹.

Келтирилган назарий ва амалий таҳлиллардан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзид а ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш фуқаролик суд ишларини юритишда ҳам, хўжалик процессида ҳам айниқса кўп учрайдиган даъвони таъминлаш чораси ҳисобланади. Ушбу таъминлаш чорасининг моҳияти шу билан белгиланадики, суд жавобгарнинг мол-мулкни хатлайди ва натижада у шахсан ўзига тегишли бўлган мол-мулкни тасарруф эта олмайди. Бунда мол-мулк ва пул суммалари жавобгарнинг ўзид а туриши ҳам, бошқа шахсларда туриши ҳам мумкин – у барибир мазкур мол-мулкни тасарруф эта олмайди, чунки хатланган мол-мулк ҳада қилиниши, айирбошланиши, сотилиши, ижарага берилиши, гаров шартномаси бўйича топширилиши, бошқача йўл билан ўзга шахсларга топширилиши ёки йўқ қилиниши мумкин эмас.

2. Жавобгарнинг кўчар мулки хатланганда, мазкур мулк кимда қолади, деган саволга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Жавобгарга ўз мол-мулкни тасарруф этишни тақиқлаш билан кифояланмасдан, унинг мазкур мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам чеклаш ёки ҳатто уни олиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, айтайлик, транспорт воситасини хатлаш амалга оширилгандан сўнг жавобгар уни ижарага бериш имкониятига эга бўлмаслиги, шунингдек жавобгар йўл-транспорт ҳодисасига учраши натижасида хатланган мол-мулк бутунлай нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун зарур.

3. Агар суднинг даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажрими низо предметида доир муайян ҳаракатларни бажариш тақиқланган шахс томонидан ихтиёрий равишда ижро этилган бўлмаса, у ижро иши юритиш қоидаларига мувофиқ мажбурий тартибда ижро этилиши мумкин.

Мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда ҳам, қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибда низолашаётган бўлса ҳам судья тегишли ижро иши юритишни тўхтатиши шарт, деган хулосага келинди. Ижро иши юритишни тўхтатар экан, судья манфаатдор шахснинг арз қилинган талабларини амалда таъминлайди. Айни шу сабабли, ЎзР ФПК 249-моддаси биринчи қисмининг 4-5-бандларида назарда тутилган даъвони таъминлаш чоралари амалда деярли қўлланилмайди, чунки улар судьянинг ҳаракатларини тақдорлайди. Бундай вазиятда ЎзР ФПК 249-моддаси биринчи қисмининг 4-5-бандларида назарда тутилган даъвони таъминлаш чораларига эҳтиёж йўқлиги аён бўлади. Шу туфайли ҳам, биз ЎзР. ФПК 249-моддасидан мазкур даъвони таъминлаш чоралари чиқариб ташланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Суд ажримида чеклашлар аниқ кўрсатилмаган тақдирда, чеклашлар ҳажми суд ижрочиси-пристави томонидан суд ажримида асосан бериладиган ижро ҳужжатини ижро этиш пайтида аниқланади.

М. Ахмаджонов
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари тингловчиси

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Мамлакатинг молия тизими бозор иқтисодиётининг ва халқаро макроиқтисодиётнинг муҳим бўғинидир. Кўпгина МДҲ мамлакатлари молиявий-ҳуқуқий институтларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун мукамал жиноий-ҳуқуқий таъминотни талаб қилади. Минтақада жорий криминал вазиятни таҳлили бугунги жиноятчиликнинг тобора глбаллашуви ва байналмилаллашуви жараёнларининг авж олишини кўрсатмоқда. Булар ичида фирибгарлик алоҳида хусусият касб этувчи жиноятлар қаторига киради. Чунки у ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам бир қанча мамлакатлар худудида намоён бўлиши билан характерланади.

Бутун дунёда жиноятчиликнинг тобора байналмилаллашув жараёнини иноботга олсак, алоҳида олинган ва фирибгарликка қарши курашишда муайян мувоффақиятларга эришган мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш табиий зарурати вужудга келмоқда. Ушбу жараён мавжуд ижобий тажрибани ўрганиш, хатоликка йўл қўймаслик ва бу борада халқаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўз қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини доимо такомиллаштирувчи Ўзбекистон учун бундай қиёсий таҳлиллар муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тобора жаҳон макроиқтисодиётининг зарур бўғини сифатида намоён бўлиши ва ривожланган мамлакатларга хос бўлган муаммоларни самарали олдини олиш ва бартараф қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ривожланган мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш айнан норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашга қаратилган. Шу билан биргаликда, ушбу тоифадаги таҳлиллар Ўзбекистон қонунчилигига фирибгарликнинг алоҳида кўринишларига самарали курашиш имконини берувчи янгилик – новеллалар киритиш имконини яратади.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина хорижий мамлакатларнинг жиноий-ҳуқуқий тизимида фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи махсус нормалар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

ГФР Жиноят кодексининг жиноий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, барча фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар асосида алдов зарурий белги сифатида ўрнатилган. Айрим ҳолатларда алдов ва фирибгарлик синоним сифатида ишлатилади. Лекин мулкий зарар етказган ишончни суиътемом қилиш мустақил жиноят сифатида белгиланганлиги муҳимдир.

Жорий ГФР жиноят-ҳуқуқий қонунчилигининг таҳлили ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш ва бошқача тарзда ўзгаларга мулкий зарар етказиш жиноятлари учун жавобгарлик масалалари ЖКнинг “Ўғирлик ва ўзгалар мулкни ўзлаштириш”, “Бочқинчилик ва товламачилик” ҳамда “Фирибгарлик ва ишончни суиътемом қилиш” деб номланган

бўлимларда белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Фирибгарликнинг асосий таркиби ЖКнинг 263-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу жиноят ўзига ёки учинчи шахсларга мулккий фойда келтириш мақсадида ўзгаларга алдаш ёки алдовни муқарар таъминлаш, сохта фактларни ҳақиқат сифатида тақдим этиш ёхуд уларни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқий фактларни беркитиш йўли билан мулккий зарар етказиш сифатида таърифланади.

Асосий фирибгарлик жинояти таркиби билан унинг бир қанча турлари: компьютер фирибгарлиги (263а-м.), фирибгарлик йўли билан субсидияларни қўлга келтириш (264-м.), сармоялашдаги фирибгарлик (264а-м.), суғурта суммасини ошириб олиш мақсадида алдаш (265-м.), алдов йўли билан фойда олиш (265а-м.), кредит олиш билан боғлиқ фирибгарлик (265б-м.) белгиланган. Таъкидлаш жоизки, юқорида кўриб чиқилган барча алоҳида турдаги фирибгарлик умумий фирибгарлик таркиби билан тўлиқ қамраб олинади.

ГФР ЖК ишонччи суиcътемомол қилиш ҳаракатини мустақил жиноят таркиби сифатида белгилаб беради (266-м.). Ушбу жиноят таркиби қонун билан, ҳокимий кўрсатма ёки битм бўйича ўзгалар мулкни бошқариш жараёнида ёхуд ушбу мулкни бошқаришда мавжуд мажбуриятларни қасддан бажармаслик йўли билан билдирилган ишонччи суиcътемомол қилиш сифатида мустаҳкамланган. Ушбу жиноят бўйича жавобгарлик манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсга мулккий зарар келтирилгандагина вужудга келади.

Лекин шуниси аҳамиятлики, Германия жиноят қонунчилиги ишонччи суиcътемомол қилиш билан бирга мулкни ноқонуний ўзлаштириш учун ҳам жавобгарликни белгилайди. ГФР ЖКнинг 246-моддасига мувофиқ эгалликка ёки сақлаш учун топширилган кўчар мулкни ноқонуний ўзлаштирган шахслар жинойий жавобгарликка тортилади. Шунингдек, ГФР ЖКнинг “Фирибгарлик ва ишонччи суиcътемомол қилиш” бўлимида маошларни беркитиш ёки растрата қилиш (266а-м.) ҳамда чек ва кредит карталарни суиcътемомол қилиш (266б-м.) жиноятлари белгиланган. Чек ва кредит карталарни суиcътемомол қилиш жинояти ишониб топширилган чек дафтарчаси ёки кредит картасини суиcътемомол қилиш йўли билан ўзгани ушбу қарзларни тўлашга мажбур қилиш билан характерланади.

Европа Иттифоқи давлатлари қонунчилигининг жинойий-ҳуқуқий таҳлили фирибгарлик учун жавобгарлик ва квалификация қилиш масалалари турлича ҳал қилинганлигини кўрсатади. Масалан, Голландия ЖКнинг XXV (“Алдов тўғрисида”ги) ва XXVI (“Кредиторлар ёки ваколатли шахсларга мулккий зарар тўғрисида”ги) бўлари таҳлил қилинганда, айнан фирибгарлик учун жавобгарлик масаласи белгиланмаган. Чунки фирибгарлик алдовнинг бир тури сифатида қабул қилинади. Алдовнинг ҳар қандай кўриниши учун 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва жарима санкциялари белгиланган. Ушбу ҳолат голланд қонунчилигида алдов ва фирибгарлик учун иқтисодий санкцияларнинг устунлигини намойиш қилади. Ушбу ҳолат ўзига хослиги билан ажралиб, алоҳида тадқиқ қилиш объекти сифатида диққатга сазовор.

Жорий ЖК давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш учун алдов (фирибгарлик) учун жинойий жавобгарликни белгилайди. ЖКнинг 332-моддасига мувофиқ ҳарбий флот ва армия эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришда ҳар

қандай алдовга (фирибгарликка) йўл қўйса ва булар уруш ҳолатида давлат ҳавфсизлигига путр етказиш таҳдиди бўлса 6 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 5 тоифадаги жарима билан жазоланиши белгиланган.

Бу борада Франция амалиёти ҳам диққатга сазовор. Франция Жиноят кодексининг 313-1-моддасига мувофиқ фирибгарлик сифатида жисмоний ёки юридик шахсларни ўйдирма исм, лавозим ёки муайян ҳолат ёхуд мавжуд лавозим ёки ҳолатини суиcътемомол қилиш ёки ўзига ёки учинчи шахсларга зарар етказган ҳолда пул, бошқа қимматликлар ва ҳар қандай мулкни, хизмат кўрсатиш ёки муайян мажбуриятни ўзида акс эттирувчи ёхуд ундан озод қилувчи ҳужжатни алдов йўли билан ўз фойдасига ўтказиш ҳаракатлари ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, Франция жиноят қонунчилигида “фирибгарлик билан боғлиқ ҳаракатлар” билан қамраб олинган бир қанча жиноятлар таркиби мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бундай жиноятлар таркибига: 1. Нодонлик ёки заифлик, балоғатга етмаганлик, шахсининг ожизлигини суиcътемомол қилиш йўли билан содир этиладиган фирибгарлик (унда ўзига ёки учинчи шахсларга катта мулккий зарар етказиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини содир қилишга алдов йўли билан давъат қилиш зарурий белги ҳисобланади); 2. Давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилишда турли ҳил фирибгарлик ҳаракатлари билан (совға бериш, ваъда бериш, олдиндан тил бириктириш ва б.) тендерларда ғолиб бўлиш, юқори нафни белгилаш, паст нарҳларни белгилашга тўқинлик қилиш ёки рақибларни йўқотиш жинойий ҳаракатлари киради.

Фирибгарликдан ташқари франциялик қонуншунос ишонччи суиcътемомол қилишни мустақил жиноят сифатида белгилаб берганлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу жиноятнинг асосий таркиби ЖКнинг 314-1-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қайтариб бериш шарти билан ёки аниқ йўналтирилган мақсадларда сарфланиши лозим бўлган ва ўзига ишониб топширилган пул маблағларини, қимматликлар ёки бошқа мулкни ўзлаштириш ишонччи суиcътемомол қилиш жинояти деб топилади.

Фирибгарликни малакалашда зарурий белгилари ҳам қонуний мустаҳқасланган. Ушбу жиноятни квалификация қилишда: 1. Давлат ҳокимий ваколатни амалга оширувчи мансабдор шахс ёки унинг функционал вазифаларни бажариш учун давлат апартининг топшириғини бажараётга шахс томонидан; 2. Ноқонуний равишда давлат ҳокимий ваколатни амалга оширувчи шахс ёки унинг функционал вазифаларни бажариш учун давлат апартининг топшириғини ноқонуний бажараётга шахс томонидан;

3. Аҳолига қимматли қоғозлар эмиссияси ёки маблағ йиғиш ёхуд ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилаётган шахслар томонидан; 4. Вояга етмаганлиги, касаллиги, жисмоний нуқсонлар ёки руҳий дифектга эга бўлган шахсга мулккий зарар етказиш йўли билан содир этилиши; 5. Уюшган жинойий гуруҳ томонида содир қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада АҚШнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти алоҳида диққатга сазовор. Чунки айнан шу мамлакат биринчилар қаторида фирибгарлик билан дуч келганлиги ва фирибгарликка қарши курашиш амалиётига эга бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Америка ҳуқуқи институти томонидан ишлаб чиқилган АҚШ Намунавий Жиноят кодекси барча шатлар учун намунавий норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида шакллантирилган. Унда “Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш ва унга турдош жиноятлар”, “Ҳужжатларни сохталаштириш ва алдов усуллари” каби жиний жавобгарлик масалаларни белгилловчи бўлимлар мавжуд. Қизиғи шуки, Намунавий ЖКда белгиланган “талон-тарож қилиш” тушунчаси йиғма атама бўлиб, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш, мулкни растрата йўли билан талон-тарож қилиш, фирибгарлик, товламачилик, шантаж, ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш, ўғирланган мулкка эга бўлмоқ ва бошқа жиноятлар таркибини ўзида мужассамлаштиради.

АҚШ Намунавий Жиноят кодексининг 223.3-моддаси ўзгалар мулкни алдов йўли билан талон-тарож қилиш белгиланган. Унда айбдор шахс ҳар қандай алдов йўли билан бошқа юридик ёки жимоний шахсларга тегишли бўлган мулкни ўзлаштириш ҳаракатлари учун жавобгарлик масалалари белгиланган. Юқорида кўрсатилган алдов куйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўз ичига қонунга, қимматлиликка, ниятга нисбатан нотўғри тасаввур уйғотиш ёки муқарарлигини таъминлаш;

2. Ўзга шахс томонидан ҳақиқий маълумотга эга бўлишга тўсқинлик қилиш;

3. Ўзга шахсга зарар келтирувчи хато тасаввурни фарз ниятда ўзгартирмаслик;

4. Мулккий муносабат объекти ҳисобланган мулк гаров сифатида ёки учинчи шахслар манфаатида бўлиши ёҳуд ўзгача тарзда ҳуқуқий тўсиқлар мавжуд эканлиги ҳақида хабар бермаслик.

Фирибгарликнинг муайян белгилари ЖКнинг 223.7-моддасида ифодаланган “Хизматларни талон-тарож қилиш” жиноятларда ҳам кўриш мумкин. Унга кўра айбдор шахс томонида фақат пуллик асосда тақдим қилиниши мумкин бўлган хизматлардан алдов ва кўрқитиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва б. йўллар билан фойдаланиши тушунилади.

Шуни гувоҳи бўламизки, АҚШ Намунавий ЖК моддаларида ишонччи суиътемом қилиш мустақил жиноят сифатида белгиланмаган. Ушбу жиноят таркибини қамраб олувчи ишониб топширилган мулкни лозим даражада тасарруф этмаслик (223.8-м.)¹ ва ишониб топширилган ёки давлат ёҳуд молиявий ташкилотга тегишли бўлган мулкни суиътемом қилиш (224.13-м.)² жиноятлар таркиби мавжудлигини кўришимиз мумкин.

“Ҳужжатларни сохталаштириш ва алдов усуллари” номли бўлимда куйидаги “алдов усуллар”ни алоҳида кўрсатиш мумкин: траст тўлови амалга оширилмаслигини била туриб чек ёки шунга ўхшаш ҳужжатни тақдим қилиш (224.5-м.), мулкни олиш мақсадида ўғирланган, қалбакилаштирилган, чақириб олинган ёки ҳақиқийлигини йўқотган кредит карточасидан фойдаланиш (224.6-м.), тижорат

фаолиятининг турли алдов усуллари (224.7-м.). Ушбу бўлимда кредиторларни алдаш йўли билан содир қилинган жиноятлар таркиби ҳам кўрсатилаган. Уларга: қарзни таъминлашда кредиторларни алдаш (224.10-м.), тўловга қобилиятсизликда алдов (224.11-м.) ва тўловга қобилиятсиз бўлган молия ташкилоти томонидан депозитларни қабул қилиш (224.12-м.) кабилар қиради.

АҚШ федерал қонунчилиги амалдорлар, мансабдор шахслар ва Конгресс вакилларининг юқоридаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ҳам белгиланган. Ушбу нормалар барча тоифадаги мансабдор шахслар томонидан фирибгарлик ва коррупцион ҳаракатларни олди олишга қаратилган механизмлар ҳисобланади.

Мамлакат ҳуқуқни қўллаш амалиёти фирибгарлик жинояти давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилишга қаратилган узоқ муддатли контрактлар тузиш, тиббий, озиқ-овқат ва бошқа соҳадаги моддий ёрдамларда кўп учраб туради. Шунингдек, ишсизлик нафақалари ва хайрияга йўналтирилган маблағлар ҳам кўпгина ҳолатларда фирибгарларнинг объектига айланаётганлигини кузатишимиз мумкин.

ЖКнинг 395-бобида эса “нархларга таъсир кўрсатиш мақсадида ёлғон маълумотлар тарқатиш” учун жавобгарлик масалалари акс эттирган. Унга кўра мулкнинг ҳар қандай кўриниши учун белгиланган эркин бозор нархларга ёлғон маълумотларни нашр қилиш, тарқатиш ёки бошқа турдаги фирибгарлик ва алдов усуллари билан таъсир кўрсатиш ҳаракатлари жиний жавобгарликни вужудга келтиради. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида бундай нормаларнинг аҳамияти юқори. Чунки бу тоифадаги фирибгарлик усуллари бевосита биржа савдоларига, аукционларга ва шунга ўхшаш бозор иқтисодиёти институтларига таъсир этиш воситасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказишни олдини олиш имконини беради.

Шарқ мамлакатлари тажрибасига ҳам назар ташласак. Жанубий Корея ЖКнинг “Фирибгарлик ва товламачилик билан боғлиқ жинотлар” деб номланган XXXIX боби фирибгарлик ва унинг айрим алоҳида турлари учун жиний жавобгарлик масалаларини белгилаб беради.

Жанубий Корея ЖКнинг 347-моддасида фирибгарлик жиноятининг умумий таърифи берилган бўлиб, унга кўра фирибгарлик усуллари билан ўзгача мулк ёки моддий манфаатга эга бўлиш мақсадида фирибгарлик ҳаракатларини содир этаётган шахс 10 йилгача каторга ишлари ёки жарима жазосига тортилиши мумкин. Айнан шу ҳаракатлар учинчи шахслар манфаатлари йўлида амалга оширилса ҳам жавобгарлик масаласи белгиланган.

Шу билан бирга, Жанубий Корея ЖК моддаларида компьютердан фойдаланган ҳолда фирибгарлик (347-2-м.), малакавий фирибгарлик (348-м.), имтиёзли маблағларни ноқонуний ишлатиш (348-2-м.) ва ғайриҳуқуқий даромад олиш (349-м.) каби фирибгарликнинг алоҳида таркиблари ҳам мустаҳкамланган.

Япония Жиноят кодекси 37-бўлимида эса фирибгарлик ва товламачилик жиноятлари учун жиний жавобгарликни белгилаб беради. Япония ЖКнинг 246-моддаси фирибгарлик жиноятларининг умумий таркиби белгиланган. Унга мувофиқ ўзи ёки учинчи шахслардан алдов йўли билан мулкни ёки

¹ Ушбу жиноят бўйича айбдор шахс аниқ мақсадларга йўналтирилган ва унга топширилган мулкни ўз бошимчаллик тасарруф қилиши ҳамда шу ҳаракатлари билан ўзгаларга мулккий зарар етказиши муҳим квалификация белги сифатида намоён бўлади.

² Ушбу жиноят таркиби бўйича муҳим малакаловчи белги сифатида ишониб топширилган мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс (давлат хизматчиси, юридик шахс вакили, ташқи бошқаруви ва б.) мавжуд бўлишидир.

моддий нафни ўзлаштириш фирибгарлик деб топилади.

Япония жиноят қонунчилиги ишончни суиътемом қилиш мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланган. ЖКнинг 247-моддасига биноан ишониб топширилган мулкни бошқариш ва тасаруф қилиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни лозим даражада бажармаслиги ва шу билан ишониб топширган шахсга мулккий зарар еткзган тақдирда ишончни суиътемом қилиш жинояти сифатида баҳоланади.

ЖКнинг 248-моддада эса фирибгарликка тенгалштирилган жиноий хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра бошқа шахснинг балоғатга етмаганлиги ёки руҳий нуқсонларнинг мавжудлиги туфайли уларнинг малакасмзлмгидан фойдаланиб, мулкни ўзлаштирган ёки ўзига ёҳуд 3-шахсларга ғайриқонуний моддий наф келтирган шахс 10-йилгача мажбурий меҳнат қилиш шarti билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилади.

Хитой Жиноят кодексининг 5-праграфи молиявий фирибгарлик учун жавобгарликни белгилайди. ЖКнинг 192-моддасига мувофиқ фирибгарлик усуллар билан маблағларни ғайриқонуний ўзлаштириш фирибгарлик сифатида баҳоланади. Шунингдек, ЖКда алдов йўли билан кредитларга эга бўлиш (193-м.), молиявий векселлар билан фирибгарлик қилиш (194-м.), акредитивлар билан фирибгарлик қилиш (195-м.), кредит карталар билан фирибгарлик қилиш (196-м.), қимматли қоғозлардан фойланган ҳолда фирибгарлик фаолияти билан шуғулланиш (197-м.), суғурта соҳасида фирибгарлик фаолияти билан шуғулланиш (198-м.) каби жиноят таркиблари ҳам мавжуд. Барча турдаги молиявий фирибгарликни квалификация қилиш қилиш қуйидаги ўзига хос белгилар билан изоҳланади:

1. Қалбаки ҳужжатлар ва битимлардан фойдаланиш ҳолати;
2. Қалбаки гаров воситалардан фойдаланиш ҳолати;
3. Ўзгалар мулкни сарф қилиш ҳолати;
4. Бузилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжатларни ишлатиш ҳолатлари;
5. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
6. Етказилган зарар миқдори ва х.к.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, юқорида амалга оширилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлил кўрсатишича, фирибгарлик ва ишончни суиътемом қилиш жиноятларининг юридик табиати кўпгина хорижий мамлакатларда ўхшашлиги билан изоҳланади.

Фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни белгилловчи миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусияти сифатида шу тоифадаги жиноятларга қарши курашишнинг махсус нормалари мавжуд эмаслигини кўрсатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам, ушбу ҳолатлар фирибгарлик жиноятларини фош этииш, олдини олиш, тергов қилиш ва судларда кўриб чиқиш жараёнларида муайян қийинчиликлар келтириб чиқради.

Бундан келиб чиқиб, фирибгарлик жиноятларининг алоҳида турларини мустаҳкамлаш бўйича хориж амалиёти алоҳида қизиқиш уйғотади. Турли хил фирибгарлик турлари турлича ижтимоий хавфлилик даражасига эга. Шу тоифадаги жиноятлар учун жазолани индивидуаллаштириш ва содир қилинган қилмиш учун муносиб жазо белгилаш мақсадида уларни алоҳидалаш муҳимлиги ривожланган

мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Франция, Япония, Хитой ва б.) мисолида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, фирибгарликнинг алоҳида тоифаларни дифференциация-лаш бугунги кунда мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланаётган юқори телекоммуникацион технологиялар, суғурта, банк-кредит, қимматли қоғозларга оид муносабатларни самарали ҳимоя қилиш ва ушбу соҳаларда фирибгарлик ва суиътемомликларга самарали қарши курашиш имконини яратади.

Х.Каримов
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси

ҚИЙНОҚНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида жиноятчилик ва унга қарши курашиш муаммоси энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жамият билан бир пайтда вужудга келган жиноятчилик барча замонларда ҳам мавжуд бўлган. Шу тўғрисида ҳам у ижтимоий хусусият касб этади, жиноятчилик ва жамиятнинг ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирига таъсири айни шу омиллар билан белгиланади.

Техника тараққиёти, эволюция жараёнида ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига кўтарилиш шак-шубҳасиз ижобий хусусиятга эга бўлса-да, бу жараёнлар жиноятчиликнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган, боз устига унинг асослари ва ҳатто маълум даражада унинг сабаблари сифатида амал қилган. Бу гап бошқаларга нисбатан шафқатсизлик, шу жумладан қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятларга ҳам тегишлидир. Бу ерда масаланинг цивилизация ва техник жиҳатларини ажратиш мумкин. Биринчи жиҳат шу билан тавсифланадиги, инсон цивилизациясининг мавжудлиги ва ривожланиши ғносеологик контекстда юз берган, яъни билиш имкониятига, билим (сезгилар, тасаввурлар, тушунчалар)нинг объектив воқелик билан ўзаро нисбатига асосланган. Шу тўғрисида ҳам билимнинг ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини яратиш муҳим вазифалардан бирига айланган. Қийноққа солиш қадим замонлардан бошлаб айнан далиллар олиш усули сифатида қаралган. Фақат XX асрга келиб процессуал фаолиятда қийноқлар қўллашдан *расмий даражада* воз кечилди. Бироқ ўрта асрлар психологияси ва анъаналари ҳанузгача сақланиб қолган. Буни қийноқлар қўллаш фактларининг ўзиёқ тасдиқлайди.

Маълумки, ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш муаммосини ечиш биринчи навбатда жиноятчиликнинг ривожланишига кўмаклашувчи омилларни бартараф этиш ёки ҳеч бўлмаса уларнинг таъсирини пасайтиришга қаратилган превентив чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, шундан кейингина мазкур омиллар таъсирининг оқибатларига қарши курашишни назарда тутати. Шу муносабат билан кўриб чиқилаётган муаммога татбиқан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига доир ижтимоий сиёсатни ва кадрлар малакасини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни назарда тутати.

Жиноят процесси соҳасида содир этиладиган қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятлар одил судловни амалга оширишга монелик қилиш тарзида салбий оқибатларга сабаб бўлади. И.В.Дворянскоенинг таъкидлашича, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ишончли бўлмаган далиллар асосида ҳукм қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш тартиқсида жазо тайинлаш фоизининг баландлиги исбот қилиш жараёнида процессуал қоидаларнинг бузилиши жамият учун ўта хавфли эканлигидан далолат беради. Айни пайтда кўрсатувлар беришга мажбурлаш билан боғлиқ қайд этилган жиноятлар фоизининг пастлиги улар кам содир этилишидан эмас, балки уларнинг ўта латентлигидан

далолат бериши мумкин. Бу суд ва дастлабки тергов органларидан кўрсатувлар беришдан бош тортиш, била туриб ёлғон кўрсатув бериш каби жиноятларнинг сабаблари ва мотивларини ўрганишга ўта масъулият ва синчковлик билан ёндашишни талаб қилади¹.

Қийноқлар қўллашнинг самарали профилактикаси энг аввало уларнинг сабаблари ва шароитларини нейтраллаштиришни назарда тутати. Шу муносабат билан мазкур омиллар алоҳида ўрганишни талаб этади.

Жиноятчиликнинг сабаблари деганда ижтимоий ҳаётнинг жиноятчилик вужудга келиши ва ривожланишига замин яратувчи, унинг мавжудлиги ва кенг тарқалишини қўллаб-қувватловчи ҳодисалари ва жараёнлари тушунилади.

Сабабият ҳодисалар – сабаб ва оқибат ўртасидаги объектив, умумий генетик (яратувчи, вужудга келтирувчи) алоқани ўзида ифодалайди.

Сабабият жараёни вақтда изчил ривожланади ва сабаб ҳар доим оқибатдан олдин келади. Ахборот ва психозинергияни ўзлаштириш учун имконият яратиш ижтимоий муносабатлар соҳасида сабабиятга хос бўлган хусусиятдир. Хулқ-атвор нормалари, қадриятлар тизими, жорий воқелик ҳақидаги маълумотларни одамлар турли ахборот манбалари ва каналлари орқали ўзлаштирадиган. Жамият, жамоалар ва шахс дунёқараши ва руҳияти шу тариқа шаклланади. “Сабаб-оқибат” боғланиши *шароитга*, яъни унинг муҳитини ҳосил қиладиган, унга йўлдош бўлган ва унинг муайян даражада ривожланишини таъминлайдиган ҳодисалар ва ҳолатлар йиғиндисига боғлиқ бўлади. Мазкур боғланиш зарурий шароитлар мажмуи лозим даражада бўлган ҳолда амалга ошади. Жиноятчиликнинг сабабият механизмида сабаб оқибатни пайдо қилади, шароит эса бунга имконият яратади. Бироқ гап ҳар доим уларнинг биргаликдаги ҳаракати ҳақида, ягона фаол тизим элементларининг зарурий алоқаси тўғрисида боради. Биргаликдаги ҳаракати оқибатлар – жиноятчилик ва жиноятга олиб келувчи сабаблар ва шароитларнинг комплекслари *криминоген омиллар* деб аталади.

Шафқатсизлик, агрессия ва агрессивлик қийноқ қўллайдиган шахсларнинг хулқ-атворини белгиловчи асосий омиллар ҳисобланади.

Ю.М.Антонян агрессивлик деганда шахснинг хусусиятлари (жиҳатлари)ни, агрессия деганда эса – куч ишлатиш, куч ишлатиш билан кўрқитиш ёки айрим шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан кучдан фойдаланишдан иборат бўлган тегишли хулқ-атворини тушунишни таклиф қилади².

Шунга ўхшаш фикрни Н.В.Борисенкова ҳам илгари суради. Унинг қайд этишича, “агрессия” атамаси асосан баъзи бир ҳаракатларни ифодалаш учун, “агрессивлик” атамаси эса – инсон шахсиятининг муайян хоссаларини тавсифлаш учун ишлатилади³.

Немис психологи Х.Хекхаузен агрессияга зарар етказиш мақсадида қасддан содир этиладиган ҳаракатлар сифатида қарайди. Баъзан агрессив ҳаракатлар бирор кимга қаршилик кўрсатиш, унинг зиёнига иш кўриш, бирор

¹ Қаранг: Дворянское И.В. Уголовно-правовая охрана процессуального порядка получения доказательств. – Ульяновск, 2001. – 73–76-с.

² Қаранг: Антонян Ю.М. Общий очерк о преступном насилии // Человек против человека. Преступное насилие / Под общ. ред. Ю.М. Антоняна, С.Ф. Миллюкова. – СПб., 1994. – 11-б.

³ Қаранг: Борисенкова Н.В. Уголовно-правовая оценка жестокости. – 16-с.

кимга адолатсизлик қилиш, уни таҳқирлаш нияти таъсирида, “Ўз-ўзидан” юз беради¹.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ва психология масалаларига бағишланган адабиётларда агрессив хулқ-атвор энг аввало бошқа индивидларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар сифатида ёки зарар етказиш билан кўрқитиш сифатида қаралади.

Шафқатсизлик тушунчасининг илмий мазмуни агрессивлик тушунчасининг мазмунидан фарқ қилади.

О.Ю.Михайлова фикрига кўра, шафқатсизлик зўрлик ишлатиш йўли билан жиноятлар содир этувчи шахснинг конкрет хусусияти ҳисобланади. Бу хусусият бошқаларни азоблашга қаратилган ғайриижтимоий хулқ-атворда намоён бўлади. Шафқатсизлик замирида инсон қадриятлари ва меъёрлари соҳасидаги нуқсонлар, аниқроқ айтганда бошқа одам қимматининг бузилиши ётади².

Шафқатсизлик каби, агрессивлик ҳам ижтимоий мавжудот сифатидаги шахснинг хусусияти ҳисобланади, чунки шахс жамиятда шаклланади. Агрессив шахс ўз мақсадларига куч ишлатиш йўли билан эришишни маъқул кўради, куч ишлатишга асосланган ҳаракатлар натижаси ўлароқ одамларга зиён етади. Бироқ “агрессивлик” тушунчаси мазмун жиҳатидан “шафқатсизлик” тушунчасидан кенгроқ. Бизнинг фикримизча, агрессивлик шахснинг бошқа одамларга зиён етказиш потенциал қобилиятида ифодаланадиган хусусияти сифатида, шафқатсизлик эса – шахснинг бошқа индивидларга уларни азоблаш йўли билан онгли равишда зарар етказишда ифодаланувчи хусусияти сифатида қаралади. Демак, ўзгаларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлаётган шахс меҳр-шафқат туйғусининг йўқлиги билан тавсифланади. Агрессивлик билан таққослаганда, шафқатсизлик ва ўта шафқатсизликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси кучлироқ бўлади, ҳар доим бошқаларни азобловчи қилмишларни онгли равишда содир этиш йўли билан амалга оширилади. Агрессивлик эса фақат хулқ-атворда, гап-сўзларда ёки ҳатто қонуний ҳаракатлар мотивациясида (масалан, бизнесни агрессивлик, қатъият ва шижоаткорлик билан олиб боришда) ифодаланиши мумкин. Айни пайтда шафқатсизлик агрессивлик билан узвий боғлиқ бўлади, унинг таъсирида вужудга келади, уни амалда гавдалантириш шакллари билан бири ҳисобланади.

Айни пайтда ижтимоий омилларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бундан ташқари, маънавий онгнинг структуравий тузилишини инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий шароитларидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас³.

Шахсда шафқатсиз ва агрессив хулқ-атворнинг шаклланиши, албатта, унинг ижтимоийлашуви жараёнида юз беради. Бу жараёнга ҳам турли ижтимоий ҳодисалар, шахснинг психофизик хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки шафқатсизлик ва зўравонлик каби хулқ атворга ижтимоий омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, зўравонлик, шафқатсизлик ва агрессивликни кинофильмларда, телевидение орқали,

адабиётларда тарғиб қилиниши одамлар хулқ-атворига, энг аввало вояга етмаганларга ўта салбий таъсир кўрсатади, натижада мазкур таъсирнинг оқибатлари шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларда намоён бўлади.

Агрессивлик ва шафқатсизлик инсон шахсиятининг хусусиятлари сифатида асосан илк ижтимоийлашув жараёнида (болалик ва ўсмирлик даврида) шаклланади. Беқарор оила шахснинг нормал шаклланишини таъминлай олмайди. Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар – буларнинг барчаси болаларнинг ўз тенгдошларига нисбатан агрессив хулқ-атворини рағбатлантиради.

Мазкур бўшлиқни энг яқин муҳитнинг салбий таъсири тўлдирди. Сохта ўртоқчилик ҳисси, ўз даврасидаги обрўлироқ тенгдошларга қарамлик вояга етмаган шахснинг агрессив, шафқатсиз ҳаракатларига туртки беради. Яъни шундай хулқ атворга эга шахсларда жиноят жумладан қийноқ ҳаракатини содир этишга мойиллик кучли бўлади.

Қийноқлар муаммосига татбиқан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг агрессияси ва шафқатсизлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу хусусиятлар генезиси, бир томондан, оғир ва ўта қизғин иш шароитлари, жиноятчиликнинг шафқатсизлигига жавоб реакция билан, бошқа томондан эса – улар жиноятчилар оламининг принциплари ва меъёрларини ўзлаштиришлари (психологлар таъбири билан айтганда “профессионал деформация”) билан белгиланади. Илмий адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан процессуал қоидаларнинг бузилиши ҳуқуқий ондаги нуқсонлар билан ҳам боғланади. Масалан, процессуал қоидалар бузилишининг асосий сабаблари қаторида Н.Заикин сўнги йилларда тижорат асосида ташкил этилаётган олий ўқув юртларида юристларни тайёрлаш даражасининг пастлигини қайд этади⁴.

Инсон ҳуқуқларига дахл этувчи процессуал қоидалар бузилишининг сабаблари орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий ва маънавий даражасининг пасайиши ҳам кўрсатиб ўтилади⁵.

Демак, бундай ҳолатда шахс ҳуқуқларини бузулишида ходимларда касбий билим ҳамда маънавий даражанинг етарли эмаслиги ҳам сабаб бўлишини айтиш мумкин.

Қийноқлар қўлланишини белгиловчи сабаблар ва шароитлар таҳлилига яқун ясар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтишни истар эдикки, инсон ҳуқуқларига ҳурмат аънавалари тарихан шаклланмаган, давлат манфаатлари ҳар доим шахсий манфаатларда устун қўйилмаган жамиятда ўз-ўзидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи зўравонлик, шу жумладан қийноқлар қўллаш даражаси ҳам юқори бўлади.

Юқоридаги омилларни бартараф этиш қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим ҳисобланади.

¹ Қаранг: Хекхаузен Х. Мотивации и деятельность. – М., 1988. Т. 1. – 365–367-с.

² Қаранг: Михайлова О.Ю. Изучение психологических мотивов преступлений, сопряженных с особой жестокостью // Юридическая психология. Материалы симпозиума на 6-м Всесоюзном съезде общества психологов. – М., 1983. – 53-б.

³ Қаранг: Катанов Г.Б. Становление и развитие философско-методологических взглядов в криминологии агрессивного-насильственного поведения // История органов внутренних дел России. Вып. 6. – М., 2002. – 88-б.

⁴ Қаранг: Заикин Н. Общероссийский правовой конгресс // Законность. 1996. № 5. – 20–22-б.

⁵ Қаранг: Ветрова Г.П. Закон и нравственность в уголовном судопроизводстве // Вестник Моск. ун-та. Сер. 11. Право. 1996. № 1. – 51–58-б.

Ж. Ибрагимов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ВОЯГА ЕТМАГАН АЙБЛАНУВЧИЛАРНИНГ МОСЛАШУВИ КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Жиноят-ижроия тизими муассасаларида ўсмирлар жиноятчилиги даражасини паситириш вазифаси жиноятларнинг олдини олишга таъсир кўрсатиши лозим бўлган шакллар, усуллар ва воситаларни ўрганишга нисбатан комплекс ёндашишни тақазо этади. Бу муаммони ечишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаган айбланувчиларнинг мослашуви муҳим ўрин тутди. Мослашув муаммосининг назарий негизини ташкил этувчи умумий қоидалар кўпгина асарларда таклиф қилинган¹. Бироқ мазкур тушунча мазмунининг талқинига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Шунингдек, тергов ҳибсхоналаридаги ҳаёт фаолияти шароитларига ўсмирлар мослашуви тузилмасига бағишланган комплекс тадқиқотлар ҳам ҳозирча ўтказилгани йўқ. Вахोलанки, мослашув хоссалари ва шарт-шароитларини ўрганмай туриб уни амалга оширишнинг илмий асосланган ва таъсирчан механизмини яратиш мумкин эмас.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш нафақат фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартиришни назарда тутди, балки унинг турмуш шароити ҳам сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлади. Мазкур эҳтиёт чораси биринчи марта қўлланилган ўсмирларнинг деярли барчасида тергов ҳибсхонаси шок ҳолатини юзага келтиради. Бу ерда қандай яшайман, атрофимдаги муҳит қандай бўлади, бу ерда кимнинг ёрдами ва мададига умид қилишим мумкин каби саволлар уларнинг барчасида тугилади. Уларнинг аксарияти берган гувоҳликларга қараганда, тергов ҳибсхонасидаги ҳаётнинг дастлабки уч -олти ойи энг ёрқин ва энг оғир давр ҳисобланади, кейинчалик ўсмирлар қамоқ шароитига аста -секин кўникади ва энг дахшатлиси, “улар “турма” ҳаётида қандайдир ижобий жиҳатларни топиб, “турма”ни “ўз уйи”дек ҳис эта бошлайди”².

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, диссертация тадқиқотимизнинг предметларидан бирини тергов ҳибсхонасида сақланаётган вояга етмаган айбланувчининг шахси ташкил этади.

Шу боис бизнинг тадқиқотимиз жиноят содир этишда айбланиб қамоққа сақланаётган вояга етмаган шахслар тоифаси (жиноят-процессуал маънодаги) вояга етмаган айбланувчилардан ташқари вояга етмаган судланувчиларни ҳам, айблов ҳукми қонуний кучга кирмаган вояга етмаган маҳкумларни ҳам ўз ичига олади.

Бу ерда яна ўрганилаётган шахслар доираси нима учун торайтирилган ва унга жиноят содир этишда гумон қилиниб қамоққа олинган ўсмир шахси киритилмаган,

¹ Масалан, қаранг: Трубников В.М. Социальная адаптация освобожденных от наказания. - Харьков, 1990; Щербаков Г.В. Мотивационная сфера осужденных молодежного возраста и ее влияние на адаптацию в исправительном учреждении: Дис. ...канд. психол. наук. - Рязань, 2002; Адаптация осужденных к среде ИТУ: Учебное пособие / Под ред. В.И.Селиванова. - Рязань, 1981.

² Олешкевич В., Александров Ю. Несовершеннолетние: тюрьма и воля // Актуальные проблемы исполнения уголовных наказаний в отношении несовершеннолетних. - М., 2000. - 124-125-б.

деган савол туғилади. Бу ҳолат шу билан белгиладаники, гумон қилинувчи жиноят процессида кўп иштирок этмайдиган шахс, тергов ҳибсхоналарида сақланувчилар орасида уларнинг улуши унча кўп эмас, чунки ЎзР ЖПКнинг 100-моддасига мувофиқ терговчи (суриштирувчи) гумон қилинувчига у ушланган кундан (агар у ушланган бўлса) ёки унга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиши лозим бўлиб, бунинг натижасида гумон қилинувчи айбланувчига айланади; акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилиниши лозим. Шуни ҳисобга олиб, ўрганилаётган мавзу доирасида вояга етмаган гумон қилинувчи шахсини алоҳида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бериши, шахснинг жамиятдан ажратилиши муқаррар тарзда умумий ва ҳуқуқий маданият, интизомлилик, феъл-атворнинг қатъийлиги каби шахсий белгилар ролининг кучайишига сабаб бўлади. Ўсмир кўп сонли ички (субъектив) ва ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи (объектив) тўсиқларни енгишга тўғри келади. Улар тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаганларнинг мослашуви муаммосини ташкил этади³. Буларнинг барчаси қамоққа олинган ўсмирларнинг мослашув жараёнини илмий асослаш масаласини кўндаланг қилиб қўяди.

Ҳар қандай одамни жамиятдан мажбурий ажратиш у ўзининг ижтимоий муҳитдаги ўрнини белгиловчи ижтимоий роллар ва функцияларни бажаришдан четлашишига сабаб бўлади. Вояга етмаганларни жамиятдан ажратиш мазкур шахслар учун муҳим ва мураккаб ижтимоийлашув даврида (14-18 ёш) юз беради. Бу ёшда шахснинг фаол ривожланиши доимий изланиш(касб-кор, қадриятлар тизими, турмуш ўртоғи ва ҳоказоларни танлаш)ни амалга ошириш билан тавсифланади⁴. Бу даврда ўсмирда идеаллар, қизиқишлар, интилишлар шаклланади, М.М.Бабаев ўз асарларида жуда тўғри таъкидлаганидек, шахсда “дунёқараш, ижтимоий борлиқ, ҳаёт ва фаолиятнинг асосий масалаларига нисбатан ёндашувлар тизими”⁵ айниқса муҳимдир, у шахснинг хулқ-атворида бевосита акс этади.

Қамоққа олиш шахснинг табиий ижтимоийлашув жараёнини тўхтатади, чунки бундай шароитда ўсмирнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва рўёбга чиқариш имкониятлари чекланади. Вояга етмаганларга нисбатан амалда зиддиятли вазият юзага келади: ўсмир ғайриқонуний қилмиш содир этишининг сабабларидан бири унинг ижтимоий лаёқатсизлиги, ижтимоийлашув жараёнининг тугалланмаганлиги ҳисобланади, айти вақтда унга нисбатан қўлланилган жамиятдан ажратиш чораси шахснинг ижтимоийлашув жараёнини тўхтатади ва ижтимоий норасоликни оширади, шу сабабли тергов ҳибсхонаси ва тарбия колониясида ўтказилган вақт беҳуда совурилмаслиги муҳимдир⁶. Бироқ вояга етмаган айбланувчилар ва маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашуви борасидаги ишларни фақат улар

³ Қаранг: Трубников В.М. Социальная адаптация освобожденных от наказания. - Харьков, 1990. -29-б.

⁴ Қаранг: Кон И.С. Социология личности. - М., 1967. - 166-б.

⁵ Бабаев М.М. Социально-психологические компоненты детерминации преступного поведения молодежи // Российский криминологический взгляд. - Ставрополь, 2005. №1 (6). - 70-б.

⁶ Тищенко Е.Я. Попечительский совет и реабилитация осужденных: Учебное пособие. - Екатеринбург, 2000. - 63-64-б.

жамиятдан ажратиш шароитига мослашган ҳолдагина муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Мослашув даври (жиноят-ижроия муассасасидаги муҳитга янги келган шахснинг қўшилиши) индивидда шаклланган мойилликнинг унга муассаса муҳити қўйган талабларга мувофиқлиги нуктаи назардан энг қизғин давр, деган фикрга аксарият муаллифлар қўшилади¹. Бизнинг фикримизча, вояга етмаган шахс онги у ёки бу томонга ўзгариши айна шу даврда юз беради. А.И.Мокрецов ва И.В.Шмаров жуда тўғри таъкидлаганидек, шу даврда шахс фаолиятида кечаётган муносабатлар тизимига (маъмурият ўтказаетган тадбирларга, меҳнатга, режимга, ўқишга, бошқа айбланувчилар сафига) унинг қўшилиш даражаси мослашув натижаси ҳисобланади².

Давлат вояга етмаган айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сиймосида ўсмирни юридик жиҳатдан мазкур жиноят-процессуал чорасидан келиб чиқмайдиган азоб-укубатларга дучор этади.

Ёпиқ хонада сақланиш - ички безовталик, атрофдагиларга ишончсизликнинг асосий сабабларидан бири. Бунинг натижасида ўсмирлар одамови бўлиб қолади, шахснинг шаклланган хусусиятлари салбий йўналишда аста-секин ривожланади, руҳий ожизлик ҳисси кучаяди, шу тариқа вояга етмаганлар ўртасида жанжаллар учун замин яратилади.

Ўсмирлар эркин ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум бўлиш ва яшаш муҳитининг чекланишини оғир қабул қилиши уларнинг жисмоний фаоллиги сезиларли даражада сусайиши билан ҳам белгиланади. Натижада уларнинг "ишлатилмаган" куч-ғайрати кўпинча ўз камерадошларига зўрлик ишлатиш, уларни хўрлаш ва таҳқирлаш тарзида намоён бўлади.

Бошқа маиший-яшаш шароитларига келсак, тергов ҳибсхоналарида улар жуда примитив ва ҳаддан ташқари чекланган. Бу овқатланиш, даволаш, дам олиш ва шу кабиларга тегишли.

Ҳаёт фаолияти шароитларидаги нуқорида қайд этиб ўтилган ўзгаришлар ўсмирга таъсир кўрсатмай қолмайди. Янги жойда у моддий яшаш шароитларига мослашиш мақсадида ўзининг бор куч-ғайрати ва шахсий хусусиятларини ишга солишига тўғри келади. Айрим ўсмирлар зўрлик ишлатиш йўли билан камерадошларини ўзига бўйсундириб, ўзи учун қўлай шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади, айрим ўсмирлар эса, ўз навбатида, уларнинг ҳар қандай талабларини бажаришга тайёр бўлади. Бу ҳолда режимнинг сурункали бузилиши кўпинча ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишига сабаб бўлади ва ўсмирлар зўрлик ишлатиш йўли билан кўп муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиладилар. Шундай ишонч билан улар кейинчалик жазони ўташ учун тарбия колониясига ўтказиладилар ёки тергов ҳибсхонасидан озод қилинадилар.

Келтирилган фактлар вояга етмаганларга мослашишда ёрдам кўрсатиши лозим, ҳуқуққа хилоф ҳолатлар юз бермаслиги учун мазкур жараён тизимга

солиниши ва муассаса маъмуриятининг доимий назорати остида кечмиш даркор, деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди.

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаган айбланувчиларнинг мослашуви вазифаларини ечишда уларнинг сифат таркибида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Сўнги йилларда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тартибини ўзгартирувчи бир қанча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг натижасида тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаганлар сони 2004 йилда 2000 йилдагига нисбатан 2,5 баравар камайди³.

Айни вақтда статистика қамоқда сақланаётган ўсмирларнинг криминоген таркиби ёмонлашганидан далолат беради. Оғир ва ўта оғир жиноятлар, пугнингдек шахсга қарши содир этилган жиноятлар учун жинойий жавобгарликка тортилган шахслар сони кўпайди. Бундан ташқари, тергов ҳибсхоналарида махсус иш олиб бориш ва даволашни талаб қилувчи шахслар (руҳий ҳолати бузилган, сил касаллигига чалинган, ОИВни юқтирган, шунингдек муайян яшаш жойи, маълумот ва меҳнат кўникмаларига эга бўлмаган) сони ҳам кўпайиб бораётир. Санаб ўтилган фактлар вояга етмаганларнинг мослашуви дастурига мунтазам равишда тегишли тузатишлар киритиш лозимлигини кўрсатади.

Қамоқ шароитида сақланаётган ўсмирларга жиноят-ижроия тизими муассасаларида мавжуд жинойий маданият элементлари катталарга қараганда кучлироқ таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, қамоқхона маданияти (жинойий маданият) ўз қонунларига биноан яшовчи жиноятчилар дунёси мавжудлиги ва фаолиятининг маънавий ва моддий негизини ташкил этади. Жинойий маданият қадриятлари амалда шахс ва гуруҳ ҳулқ-атворини рағбатлантирувчи омил ҳисобланади⁴. Биз таниқли криминолог ва жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳасидаги олимлар (Н.А. Стручков, Г.Ф. Хоҳряков, И.В. Шмаров, К.А. Сич)нинг жинойий маданият жиноят-ижроия тизими муассасалари самарали фаолият олиб боришига тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир, чунки у асосан мазкур муассасаларнинг мақсадларига қарши қаратилган, деган фикрига қўшилишимиз. Норасмий меъёрлар тергов ҳибсхонаси, тарбия колонияси, жазони ижро этиш колонияси имкониятларини сезиларли даражада чекловчи омил ҳисобланади, чунки бу ҳодиса негизини ташкил этувчи одатлар ва анъаналар ҳуқуқ нормаларининг акси сифатида амал қилади⁵.

Жиноят-ижроия тизими муассасаларида амалда мавжуд жинойий маданият, жамиятдан ажратилган шахслар ҳулқ-атворини тартибга солувчи ички дастаклар вазифасини бажарувчи уз маънавий ва ахлоқий қадриятларини белгилайди. Жиноятчининг норасмий "шаън кодекси" мазкур тоифага мансуб шахсларнинг атрофдагиларга ва ўзига нисбатан муносабатини шакллантириш имконини беради, улар ўз индивидуаллигини, бошқаларга ўхшамаслигини англай

¹ Перегудов А.Г. Социально-психологическая адаптация // Исправительно-трудовые учреждения. - М., 1982. №19. - 45-6.; Щербаков Г.В. Мотивационная сфера осужденных молодежного возраста и ее влияние на адаптацию в исправительном учреждении: Дис. ...канд. психол. наук. - Рязань, 2002. - 46-6.

² Қаранг: Шмаров И.В., Мокрецов А.И. Микросреда осужденных в ИТУ. - М., 1979.

³ Жазони ижро этиш муассасалари фаолияти тўғрисида маълумот

⁴ Ушатиков А.И., Казак Б.Б. Пенитенциарная психология (психология тюремной среды): Учебное пособие. - Рязань, 1998. - 27-6.

⁵ Пенитенциарная криминология: Учебник / Под общ. ред. Ю.И.Калинина. Науч. ред. .М.Антонян, А.Я.Гришко. - Рязань, 2004. - 167-6.

бошлайдилар. Ўзи ва атроф муҳит ҳақидаги бундай тасаввур нафақат сиртда (хулқ-атворда) намоён бўлади, балки инсоннинг ички мазмунига (унинг онгига) ҳам таъсир кўрсатади ва жинсий дунёқарашнинг шаклланишига кўмаклашади¹.

Бундан, жиноятчилар қадриятларини ўзлаштириш жараёни қамоққа олинган вояга етмаган айбланувчиларда айниқса тез юз беради, чунки улар ижтимоийлашув жараёни ниҳоясига етмаганлиги туфайли умум эътироф этилган ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларни лозим даражада идрок эта олмайдилар ва бир андозадаги қонунга бўйсунувчи “оломон”дан ажралиб туришга ҳаракат қиладилар, деган фикр ўз ўзидан келиб чиқади. Бироқ жинсий маданият қадриятлари ва қоидалари вояга етмаганлар томонидан ўзлаштирилиши фақат шахснинг янада тубанлашувига ва хусусан тақорий жиноят содир этилишига сабаб бўлади. “Одатлар ва анъаналар”ни бузганлик учун норасмий жазо сифатида одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, зўрлик ишлатиб жинсий хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш амал қилади.

Бироқ бу ерда шуни унутмаслик керакки, жиноят-ижроия тизими муассасаларида жиноятлар содир этилишининг бош омили ҳисобланувчи қамоқхона маданиятининг ўсмирлар томонидан ўзлаштирилиши айнан тергов ҳибсхонасида юз беради ва ўсмирни муассасага қабул қилиш нотўғри ташкил этилганлиги, у билан тарбия ишлари лозим даражада олиб борилмаганлиги, унинг бўш вақти банд этилмаганлигининг оқибати ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, бу ерда вояга етмаган айбланувчилар ҳаётининг яна бир жиҳати — *бир ўсмирнинг бошқа ўсмирга ғайриижтимоий, бузғунчи сифатида таъсир этилиши*. ҳам эътиборга олиш лозим. Ушбу тадқиқотни ўтказиш жараёнида ўтказилган сўровда иштирок этган ўсмирларнинг 13% жамиятдан ажратиш шароитидаги энг кўнгилсиз ҳолат сифатида ёқимсиз одамлар билан мулоқот қилишга мажбурликни кўрсатдилар. Бизнинг тергов ҳибсхонасидаги иш тажрибамиз вояга етмаганлар, айниқса, муассасага биринчи марта тушган ўсмирларнинг аксарияти бўлажак “камерадошлари”дан ҳайиқилини кўрсатади. Бу даврда улар суд бўлиши ва жинсий жавобгарлик ҳақида ўйламайдилар, балки бир камерада яшашларига тўғри келадиган тенгдошларидан кўпроқ ҳайиқадилар². Шуни таъкидлаш лозимки, бу кўрқув асосиз эмас, чунки қамоққа олинганлар даврасидан таҳқирлаш, уриш-дўппослаш, жинсий хусусиятга эга ҳаракатларни зўрлик ишлатиб содир этиш йўли билан қувғин қилинган ўсмирлар доимо топилади³.

Бундай муносабатдан кўпинча жисмоний заиф ёки табиатан юмшоқлиги туфайли зўравонликка қаршилик кўрсата олмайдиган, санитария ва гигиена талабларига риоя қилмайдиган, руҳий ва жисмоний ҳолати бузилган, камерадошларининг буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаш устида ушланган ўсмирлар

жабр кўрадилар. Бундай вояга етмаган айбланувчилар “қувғин қилинганлар” гуруҳини ташкил этади ва бизнинг кузатишларимизга кўра жами ўсмирлар сонининг 5-10% ни ташкил қилади.

Қамоқда сақланаётган бошқа айбланувчиларга таққослаганда, “қувғин қилинганлар” қамоқхона иерархиясининг энг паст поғонасини эгаллайди⁴. Мазкур тоифага мансуб шахслар гуруҳи умумий даврага қўшилмаслиги, кўпинча бошқа ўсмирлар томонидан масхара қилиниши ва таҳқирлиниши билан ажралиб туради. Уларга нисбатан бундай муносабат тарбия колониясида ҳам давом этади. Баъзи бир “қувғин қилинганлар” бу аҳволдан кутулишнинг иложи йўқлигини англаб, ўзига озор берган шахсни ўлдириши ёки баданига шикаст етказиши ёхуд муассасадан қочиши тасодифий бир ҳол эмас⁵.

Ўз-ўзидан равшанки, тергов ҳибсхоналари маъмурияти мазкур салбий ҳодисага бефарқ қараб турмайди. Режим, тарбия, педагогик, психологик йўсиндаги ҳар хил чораларнинг кўрилиши, шу жумладан вояга етмаганларнинг мослашувига раҳбарлик кўрсатилган салбий жараёнларнинг кўринишларини чеклаш имконини беради.

Бироқ тергов ҳибсхонаси янги келган ўсмирлар фақат бўлажак камерадошлари билан учрашувдангина ҳайиқмайдилар. *Тергов ҳибсхонаси маъмурияти билан учрашув* ўсмирлар учун асосий “кўнгилсиз” воқеалардан бирига айланади.

Қамоққа олинганнинг дастлабки соатлариданоқ айбланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига нисбатан салбий туйғуларни ҳис этади, чунки уларнинг иши фақат уни мумкин қадар кўпроқ жиноятлар учун жавобгарликка тортишга қаратилади ва бу мақсадларга эришиш учун чидаб бўлмайдиган яшаш шароитлари яратилади, деб ҳисоблайди⁶. Шу сабабли у ўзининг барча ички имкониятларини “айлана мудофаа”ни ташкил этишга қаратади. Бундай ёндашув, профессор В.Е.Южанин фикрига кура, айбланувчилар маъмуриятга нисбатан салбий кайфиятдаги шахслар гуруҳи билан ҳамкорлик қилишига туртки беради, улар мазкур шахслар билан тил топиб, тергов ҳибсхонаси ходимлари билан алоқалардан янада узоқлашади⁷.

Кези келганда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, жамиятдан ажратиш жойларидаги ҳаёт муфассал ва катъий тартибга солинади ва муттасил назорат остида кечади. Шу сабабли ўсмир ўзини “бўйин товлашининг иложи бўлмаган ташқи таъсирларнинг ҳақ-ҳуқуқсиз объекти”⁸ деб ҳисоблайди. У маъмуриятнинг ҳар қандай вакилига чекловлар манбаи сифатида ёндашади⁹.

Биз профессор В.Е.Южаниннинг муассаса ходимларининг вазифаси янги келган ўсмир тергов остидагилар муҳитида тўғри ориентир олиши, жамиятдан

¹ Қаранг: Мокрецов А.И. Психология личных взаимоотношений осужденных в ИТУ // Социологические социально-правовые проблемы отбывания наказания. - М., 1982. - 77-6.

² Қаранг: Антонян Ю.М. Что же такое лишение свободы? // Личность преступника и исполнение уголовных наказаний: Сборник научных трудов. - М., 1991. - 4-6.

³ Қаранг: Шахманов Р.А. Предупреждение самоубийств среди осужденных к лишению свободы (правовые и криминологические аспекты): Дис. ...канд. юрид. наук. - Рязань, 2004. - 51-6.

⁴ Қаранг: Наказание и исправление преступников / Под ред. Ю.М.Антонян: Пособие. -М., 1992. -273-6.

⁵ Қаранг: Артемьев Н.С. Организация борьбы с рецидивной преступностью: Учебное пособие. - М., 1997. - 30-6.

⁶ Қаранг: Ушатиков А.И., Казак Б.Б. Пенитенциарная психология: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. - Рязань, 2003. - 427-6.

⁷ Қаранг: Южанин В.Е. Методические рекомендации по работе с вновь прибывшими осужденными в исправительные учреждения. - Рязань, 1996. - 4-6.

⁸ Хохряков Г.Ф. Парадоксы тюрьмы. - М., 1991. - 10-6.

⁹ Қаранг: Дибиров М.Г. Проблемы социальной адаптации лиц, освобожденных из исправительных учреждений (по материалам Республики Дагестан): Дисс. ...канд. юрид. наук. - Рязань, 2006. - 30-6.

ажратиш жойи шароитида яшашга рухан тайёрланишига кўмаклашиш, унга истиқболларни тушунтириш, ўзини ўзи тарбиялашга йўналтиришдан иборат¹, деган фикрига қўшилаемиз. Ўсмир келган захоти тергов ҳибсхонаси маъмуриятининг ўзига нисбатан ижобий муносабати ва ғамхўрлигини ҳис қилиши лозим.

Одатдаги муносабатлар даврсидан мажбурий ажратилган ўсмирлар янги муҳитда яқин одамларининг ўрнини босишга қодир кишиларни излашга мажбур бўладилар ва кўпинча бу бўшлиқни ғайриижтимоий кайфиятдаги шахслар тўлдирди. Умум эътироф этилган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари ўрнига ўсмирлар “жиноятчиларнинг хулқ-атвор кодекси”ни ўзлаштирадилар, чунки уларнинг кўпчилиги қамоққа олинган бошқа ўсмирлар билан узоқ вақт яшашларига тўғри келишини яхши тушунадилар. Бу ерда тадқиқот чоғида аниқланган муҳим фактни қайд этиб ўтиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Қамоқдаги ҳаётга вояга етмаганларнинг мослашув даври кўпинча уларнинг ҳаётида бурилиш ясади ва “одатдаги муносабатлар тизимидан чиқиш, ижтимоий ориентирлар ўзгариши”² билан тавсифланади. Нотаниш муҳитга тушгач, ўсмир кўпинча руҳий тушкунлик, ёлғизлик туйғуларини ҳис этади. Шу сабабли кўриб чиқилаётган даврда ўсмирнинг ўзи ва ходимлар аввалги ижтимоий алоқалар ва мўлжалларнинг бузилиши қонуниятларини ҳамда мослашув жараёни муваффақиятли кечиши учун янги ижтимоий алоқалар ва мўлжалларни яратиш лозимлигини ҳисобга олишлари муҳим.

Маъмурият муассасаси юқорида айтилганлардан келиб чиқиб ўсмирлар ҳаёт фаолиятининг янги жаҳасига мослашиши, тергов ҳибсхонасида сақлаш шарт-шароитларига кўникишига ёрдам бериши лозим.

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаган айбланувчиларнинг мослашуви масалаларини ўрганишда ўсмирларнинг психо-физиологик хусусиятларига ҳам эътибор бериш лозим, чунки улар вояга етмаган шахсларнинг руҳиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. 14-17 яшар ўсмирнинг асаб системаси эндигина шаклланаётган бўлади. Маълумки, бу даврда ўсмирнинг ўзини қуршаган муҳитга муносабати фаоллик даражасининг юқорилиги, ҳамма нарсани билишга интилиш, ўз дунёқарашини шакллантириш билан тавсифланади³. Бироқ ўсмир ўз дунёқарашини қайта қуришида болаларга хос қарашлар ва тасавурларнинг тубдан ўзгариши муҳим роль ўйнайди. Бу даврда инсоннинг тафаккурида тадрижий ривожланиш жараёни юз беради, болаларга хос қарашлар ва тасавурлар ўрнини етукроқ мушоҳадалар, атроф муҳитга янги муносабат эгаллайди. Қамоққа олиш айна шу даврга тўғри келади.

Қамоққа олиш натижасида юзага келган фавқулдда вазият мустақил шахсга айланиш жараёнини бошдан кечираётган ўсмирларда шахсий фаолликнинг сусайишига сабаб бўлади. Асаб системасининг

ривожланиш хусусияти, сезгилар (қувонч, ташвиш, дарғазаблик ва ш.к.)ни фаол намоён этиш одати ўрнини тушкунлик ва лоқайдлик эгаллашида ифодаланади⁴. Шуусиз тергов ҳибсхонаси шароитида кечаётган ҳаёт айбланувчиларни салбий руҳий ҳолатларга солиб қўяди, ички зиддиятларни келтириб чиқаради.

“Ўзликни йуқотиш қайғуси”⁵ қамоқдаги ҳаётнинг дастлабки ҳафталари ва ойларида айниқса кучли таъсир кўрсатади. Бу даврда ўсмирлар ўзини ўзи майиб қилиш ҳоллари кўп учрайди. Амалиёт вояга етмаган айбланувчилар қамоқдаги ҳаётнинг дастлабки ойларида содир этган аутоагрессия ҳаракатларининг ярмидан кўпроғи “руҳий қарахтлик” билан боғлиқлигини кўрсатади⁶. Ўсмир ўз тақдири ҳал қилинишини кутиб гўё қарахт бўлиб қолади. Кўпгина руҳий-асабий жараёнларнинг сусайиши унинг хулқ-атворини беқарор қилиб қўяди, агрессия хуружлари қачон юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди. Атрофдагиларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари кўп учрайди, бу ғайриқонуний ҳаракатлар, шу жумладан жиноятлар содир этишда ифодаланади.

Бу даврда ўсмирни унинг муаммолари ва изтироблари билан ёлғиз қолдирмаслик, унга янги, оғир яшаш шароитига мослашишда ёрдам бериш муҳимдир. Айбланувчининг тақдирида тергов ҳибсхонаси бундай иштирок этиши салбий руҳий ҳолатлар юз беришининг олдини олиш ва муассасадаги криминоген вазиятнинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Шундай қилиб, янги ижтимоий муҳитда шундай бир шароит юзага келадиги, вояга етмаган айбланувчи унда психологик йўсиндаги кўп сонли қийинчиликларни енгиши, ўсмирлар даврасида ўз ўрнини қидириши, маъмурият муассасаси билан алоқа ўрнатишига тўғри келади.

Қамоққа олинган шахсларни жамиятдан мажбурий ажратиш давлат томонидан қонун билан тартибга солинади. Қонуннинг вазифаси шахснинг камситилиши ва унга нисбатан зўрлик ишлатилишига йўл қўймасликдан иборат. Бироқ тергов ҳибсхонасига тушиш ва унинг (моддий ва психологик) шарт-шароитларига мослашиш зарурияти ўсмирда қарахтлик ва қўрқув туйғуларини уйғотади. Бинобарин, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган вояга етмаган айбланувчиларнинг мослашуви муаммоси жазони ижро этиш муассасасидаги ҳаётга мослашмаганлик, унга стихияли тарзда мослашиш вояга етмаган шахснинг манфаатларига ҳам, муассасанинг манфаатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

¹ Қаранг: Южанин В.Е. Методические рекомендации по работе с вновь прибывшими осужденными в исправительные учреждения. – Рязань, 1996. –Б. 4-5.

² Қаранг: Кузнецов М.И. Адаптация выпускников вузов пенитенциарного профиля к воспитательной деятельности в колонии: Учебное пособие. – Рязань, 1999. –Б.5-6.

³ Қаранг: Казакова Е.Н. Психолого-педагогическое обеспечение социальной работы с несовершеннолетними, отбывающими лишение свободы // Уголовное наказание: правовая идеология, законоотворчество и пенитенциарная практика: Материалы международной научно-практической конференции: В 2-х ч. – Вологда. Ч. 2. –Б.4-5.

⁴ Қаранг: Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. – М., 1976. –Б.17.

⁵ Қаранг: Хохряков Г.Ф. Парадоксы тюрьмы. – М., 1991. – Б.13.

⁶ Қаранг: Холыст Б. Криминология. Основные проблемы / Пер. с польского. Под ред. Н.Н.Стручкова. – М., 1980. – Б.206.

Л.Г. Тон
Соискатель ТГЮИ

УЧАСТИЕ ЗАЩИТНИКА В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ДОКАЗЫВАНИИ В КАЧЕСТВЕ ЕЕ СУБЪЕКТА – РЕАЛЬНАЯ ГАРАНТИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНСТИТУЦИОННОГО ПРАВА ОБВИНЯЕМОГО НА ЗАЩИТУ

С обретением Узбекистаном государственной независимости и принятием основного закона нашей страны – Конституции право на профессиональную юридическую помощь гарантируется на любой стадии судопроизводства. Данное право закреплено в ст. 116 Основного закона нашей страны в целях обеспечения каждого из нас правом на профессиональную юридическую помощь со стороны адвоката. Особый смысл эта норма приобретает для лица, вовлеченного в уголовный процесс в качестве подозреваемого или обвиняемого. Ведь именно его права и свободы могут быть нарушены со стороны должностных лиц, ответственных за производство по уголовному делу на любой стадии уголовного процесса, в чьих руках находится судьба человека. Для обеспечения защиты прав и свобод подозреваемого или обвиняемого требуется лицо, которое занимается данным вопросом на профессиональной основе. И этим лицом, исходя из анализа норм Конституции, является адвокат, выступающий в качестве защитника в уголовном процессе, который призван оказывать юридическую помощь на профессиональной основе.

Именно поэтому одним из важнейших конституционных принципов уголовного процесса является гарантированное право на защиту, позволяющее обвиняемому как самому лично, так и с помощью защитника, активно доказывать свою невиновность и опровергать обвинительные версии стороны уголовного преследования, либо приводить смягчающие вину обстоятельства. Обеспеченное государством право обвиняемого на защиту служит не только охране его законных интересов, оно также позволяет успешно решать задачи правосудия в целом, в том числе правильно проводить предварительное расследование преступлений, добиваясь объективных результатов и преследующих своей целью принятие справедливого и законного решения по уголовному делу.

Данный постулат закреплен и в уголовно-процессуальном законе нашей страны, который является специальным для должностных лиц, ответственных за производство по уголовному делу.

Так, согласно ст. 24 УПК подозреваемый, обвиняемый и подсудимый имеют право на защиту.

Право на защиту обеспечивается обязанностью дознавателя, следователя, прокурора, суда разъяснить подозреваемому, обвиняемому и подсудимому предоставленные ему права и принять меры к тому, чтобы он имел фактическую возможность использовать все предусмотренные законом средства и способы для защиты от предъявленного ему обвинения¹.

Актуальности данному вопросу придает Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стра-

не, представленная Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым 12 ноября 2010 г. на совместном заседании палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. В ней Президентом нашей страны указывается на то, что «Последовательно реализуется комплекс мер, направленных на обеспечение равенства прокурора и адвоката, состязательности на всех стадиях уголовного и гражданского судопроизводства, повышение качества и оперативности осуществления правосудия.

Важное значение в этой связи имело принятие в 2008 году Закона «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института адвокатуры». В действующее законодательство внесен целый ряд изменений и дополнений, направленных на дальнейшее укрепление самостоятельности, независимости адвокатуры как важнейшей составляющей процесса либерализации судебно-правовой системы, обеспечения защиты прав человека.

В соответствии с законом защитнику предоставляется право оказывать квалифицированную юридическую помощь на любой стадии уголовного процесса независимо от государственных органов и должностных лиц, ответственных за производство по уголовному делу»².

Проанализировав вышеуказанный закон, становится понятным, что коренным образом расширены права защитника в уголовном процессе, указанные в ст. 53 УПК РУз.

Среди них следует особо выделить такие права защитника, как право на участие в деле по предъявлении им удостоверения адвоката и представлении ордера, удостоверяющего его полномочие на ведение конкретного дела; право участвовать в допросах подозреваемого, присутствовать при предъявлении лицу обвинения и участвовать в допросах обвиняемого, а также в других следственных действиях, проводимых с их участием, и задавать вопросы подозреваемым, обвиняемым, свидетелям, экспертам, специалистам; право знакомиться с документами процессуальных действий, проведенных с участием подозреваемого или обвиняемого, а по окончании предварительного следствия - со всеми материалами дела и выписывать из него необходимые сведения, снимать за свой счет копии материалов и документов или фиксировать в иной форме информацию, содержащуюся в них, с помощью технических средств; право иметь с подозреваемым или обвиняемым свидания наедине без ограничения числа и продолжительности свиданий без разрешения государственных органов и должностных лиц, ответственных за производство по уголовному делу.

Вместе с тем, следует обратить внимание на ст. 53 УПК, которая устанавливает право защитника «...собирать и представлять сведения, которые могут быть использованы в качестве доказательств, в соот-

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями на 1 августа 2009 года). Официальное издание. – Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент: Адолат, 2009 г. – с. 15

² Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – Народное слово. – 13 ноября 2010 года.

ветствии с частью второй статьи 87 настоящего Кодекса»¹.

В части второй статьи 87 УПК РУз. установлено, что «защитник вправе собирать сведения, которые могут быть использованы в качестве доказательств, путем: проведения опроса лиц, владеющих относящейся к делу информацией, и получения письменных объяснений с их согласия; направления запроса и получения справок, характеристик, разъяснений и других документов из государственных и иных органов, а также предприятий, учреждений и организаций»².

Проанализировав действующий Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, следует прийти к выводу о том, что защитник не является субъектом уголовно-процессуального доказывания по следующим причинам.

1. Как известно, процесс доказывания состоит из трех этапов: 1) сбор доказательств; 2) проверка собранных доказательств; 3) оценка имеющихся доказательств.

Все виды доказательств перечислены в ч. 2 ст. 81 УПК РУз. и фактически этот перечень является исчерпывающим. В главах 10-25 УПК РУз. перечислены следственные действия, посредством которых возможно получение доказательств по уголовному делу на досудебных стадиях уголовного процесса. Ни в одной из норм уголовно-процессуального закона, регулирующих деятельность по сбору доказательств о защитнике, как лице, имеющем право осуществлять производство следственных действий, не упоминается. Любое отдельное следственное действие, как и производство по уголовному делу вообще, имеет особую процессуальную форму, которая является одним из видов правовой формы государственной деятельности и направлена, в первую очередь, на обеспечение режима законности при производстве по делу. Исходя из того, что защитник не упоминается в Кодексе как лицо, имеющее право производить следственные действия по уголовному делу, следовательно, он, невзирая на положения ч.2 ст. 87 УПК, субъектом уголовно-процессуального доказывания не является в связи с тем, что защитник фактически лишен возможности участвовать в деятельности по сбору доказательств по уголовному делу, подтверждением чему являются ст. ст.53 и 87 УПК РУз.

2. Рассматривая второй этап доказывания, т.е. проверку собранных доказательств, мы сразу исключаем из числа субъектов осуществления проверки защитника. Данное решение полностью и однозначно подтверждается ст.86 УПК РУз., где содержится исчерпывающий перечень субъектов проверки доказательств, среди которых дознаватель, следователь, прокурор и суд, однако фигура защитника там не упоминается, следовательно, осуществлять проверку доказательств имеющихся по уголовному делу защитник не имеет права. Таким образом, мы приходим к выводу, что защитник не участвует также и на втором этапе доказывания.

3. Остается третий этап, т.е. оценка доказательств. Обратившись к ст. 95 УПК РУз. также приходим к выводу, что защитник из числа субъектов оценки доказательств законодателем исключен.

Исходя из вышеизложенного, приходим к выводу, что в настоящее время в уголовном процессе Республики Узбекистан, невзирая на закрепление в уголовно-процессуальном законе принципа состязательности сторон, по прежнему происходит неравная борьба стороны обвинения и стороны защиты, одна из которых наделена властными полномочиями, осуществлять которые предназначена целая система государственных органов, другая же по прежнему не имеет каких-либо реальных прав и возможностей активно участвовать в процессе доказывания по уголовному делу, защищая интересы своего подзащитного, тем самым не реализуя конституционное право обвиняемого на защиту.

По нашему мнению совершенно справедливо, что принцип состязательности относится к числу гарантий правосудия, который одновременно является гарантией обеспечения обвиняемому права на защиту. Являясь очень емким принципом судопроизводства, состязательность одновременно есть способ исследования и оценки доказательств, способ отстаивания участниками процесса своих или представляемых интересов и способ реализации трех самостоятельных процессуальных функций: обвинения, защиты, разрешения дела³.

Доказательственная деятельность осуществляется непрерывно на протяжении всего предварительного расследования и как из кирпичиков складывается из отдельных элементов доказывания, т.е. следственных действий. Защитник же, не имея фактической возможности участвовать в этой деятельности, остается сторонним наблюдателем, следовательно, отсюда следует вывод о том, что обеспечение обвиняемому права на защиту носит формальный характер.

Исходя из этого, представляется правильным и верным включить защитника в круг субъектов уголовно-процессуального доказывания для обеспечения конституционного права обвиняемого на защиту, для начала наделив его правом собирать и представлять все же доказательства, а не сведения, которые могут быть использованы в качестве доказательств для обеспечения состязательности сторон.

Данной точки зрения придерживается И.А.Пикалов, который предлагает внести в Уголовно-процессуальный кодекс изменение и ввести защитника в перечень субъектов доказывания по уголовному делу⁴.

Думается, это будет правильным и единственно верным решением по ряду объективных причин.

Следует основываться на базовом положении, а именно: уголовно-процессуальное доказывание - деятельность, предусмотренная исключительно уголовно-процессуальным законом, по сбору, проверке и оценке доказательств. Совершение каких бы то ни было иных, непроцессуальных дейст-

¹ Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-198 от 31.12.2008 г. «О внесении изменений и дополнений в некоторые акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института адвокатуры» // «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2008 г., № 52, ст. 514; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2008, № 12, ст. 641

² Там же.

³ Состязательность и равноправие сторон в уголовном судопроизводстве: Учебное пособие. – М.: «Приор-издат», 2003. С. 16-17.

⁴ Пикалов И.А. Состязательность в системе принципов уголовного процесса и ее реализация стороной защиты на досудебных стадиях: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. – Екатеринбург, 2006. // (<http://www.dslib.net/kriminal-process>).

вий, направленных на познание обстоятельств, хотя бы и имеющих значение для дела, доказыванием не является. Исходя из действующего УПК РУз. и этого положения становится понятным и однозначным, что защитник не собирает доказательства, однако он может проверять имеющиеся в деле доказательства посредством сопоставления их с уже имеющимися в деле путем реализации части второй статьи 87 УПК РУз, согласно которой защитник вправе собирать сведения, которые могут быть использованы в качестве доказательств, путем: проведения опроса лиц, владеющих относящейся к делу информацией, и получения письменных объяснений с их согласия; направления запроса и получения справок, характеристик, разъяснений и других документов из государственных и иных органов, а также предприятий, учреждений и организаций.

Не может отрицаться право защитника оценивать доказательства по своему внутреннему убеждению, хотя в ст. 95 УПК РУз. среди лиц, уполномоченных оценивать доказательства не указан защитник.

По своей сути защитник, как и дознаватель, следователь, прокурор или судья являются юристами, так или иначе защитник также оценивает доказательства по своему внутреннему убеждению, основанному на тщательном, всестороннем, полном и объективном исследовании всех обстоятельств дела, руководясь законом и правосознанием, подтверждением чему являются своевременно поданные жалобы на соответствующих должностных лиц при нарушении закона, в том числе поданные в дальнейшем апелляционные, кассационные и надзорные жалобы, в которых конкретно указываются нарушения закона со стороны соответствующих лиц, уполномоченных принимать решение.

И никто не имеет право защитнику запретить проверять и оценивать доказательства в связи с отсутствием в уголовно-процессуальном законе защитника в качестве субъекта проверки и оценки доказательств, в противном случае у защитника следовало бы упразднить право подавать жалобы, в том числе в суд, что противоречит основным принципам уголовного судопроизводства и рушит всю его систему.

Необходимость активного участия стороны защиты в процессе доказывания подтверждается выводами А.Б. Соловьева, по мнению которого, неполнота и односторонность расследования, как правило, бывает обусловлена несвоевременным и неквалифицированным производством отдельных следственных действий, а также неиспользованием в процессе доказывания по делу всех необходимых следственных действий¹.

Думается, вопрос наделения защитника правом собирать доказательства будет решен при создании механизма по сборанию и представлению доказательств защитником и внесению соответствующих изменений в действующий УПК РУз., а действующая редакция ч. 1 ст. 53 и ч. 2 ст. 87 УПК РУз. будет изменена в связи с тем, что в уголовно-процессуальном законе предусмотрено право подозреваемого, обви-

няемого, потерпевшего, гражданского истца, гражданского ответчика, общественного обвинителя и общественного защитника представлять доказательства, следовательно и собирать доказательства, а вот право самого защитника на сбор и представление доказательств умаляется.

Возможно, законодатель имел ввиду другой смысл, направленный на расширение прав защитника в плане включения его в процесс доказывания и это всего лишь стилистическая ошибка, которая не была учтена при принятии Закона «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института адвокатуры», в результате чего у защитника было упразднено право собирать доказательства.

Таким образом, представляется, что включение защитника в круг субъектов доказывания по уголовному делу путем внесения в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан соответствующих изменений послужит реальной гарантией обеспечения конституционного права обвиняемого на защиту.

¹ Соловьев А.Б. Доказывание по Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (досудебные стадии). Научно-практическое пособие. М.: Издательство «Юрлитинформ», 2003. С. 191.

Ш.Исматуллаева
ТДЮИ тадқиқотчиси

ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ЖК сининг 54-моддаси талабларига мувофиқ, суд айбдорга жазо тайинлашда унинг жинояти квалификация қилинган ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида белгиланган доирада жазо тайинлайди. Қонунда бу умумий қоидадан четга чиқиб, ҳуқуқий норманинг санкциясида кўрсатилган жазо тури ва муддатидан оғирроқ бўлган жазо тайинланишига йўл қўйилмайди. Аммо жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда, агар бунга асослар мавжуд бўлса, суд ҳуқуқий норма санкциясида кўрсатилган жазодан ҳам енгилроқ жазони тайинлаши мумкин. Бундай қоида Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаш мумкин”.

Қонун чиқарувчи орган шундай турдаги жиноят учун жазо белгилар экан, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олади, аммо жиноятнинг қандай содир этилганлигини эътиборга ололмайди.

Суд ҳам бундай ҳолатларни айбдорга жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиши керак¹.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳаётий вазият тури туман бўлиб, ҳар хил енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай ҳолатлар қилмишнинг хавфлилик даражасини жиддий камайтириб юборади, ҳатто шунчалик даражада камайтириши ҳам мумкинки, суд санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисмини тайинлаганда ҳам адолатсизлик бўлади, инсонпарварлик принципи амалга оширилмайди ва жазо 54-моддада айтилган мақсадга мос келмайди, деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Қонунда қандай ҳолатлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бизнинг назаримизда енгиллаштирувчи ҳолатларнинг бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бизнинг назаримизда енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзигина (55-модда) назарда тутилмасдан қонунда улар билан бирга янада енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Чунки жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисмига яқинроқ бўлган жазо тайинлашга асос бўлса, ЖК 57-моддасида ҳуқуқий нормаларнинг санкциясидаги жазодан ҳам енгилроқ жазо тайинланиш мумкинлиги ҳақида айтилади.

Юридик адабиётларда бундай ҳолатлар ҳақида ҳар хил фикрлар баён қилинган. Жумладан, Я. М. Браинин жиноий қилмиш квалификация қилинган ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган жазонинг энг оз

¹ Кастарева Т. А. Практика назначения более мягкого наказания, чем предусмотрено уголовным законом.

қисмини суд томонидан тайинлаш учун асос бўладиган, Жиноят Кодексида назарда тутилган ва назарда тутилмаган ўзга ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин¹, деб ёзади.

Шунингдек, юридик адабиётлардан енгилроқ жазо тайинлаш учун айбдор содир қилган жиноятда алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлиб, бу ҳолатлар кенгроқ маънога эга бўлиши қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлашга асос бўлиши керак, деган фикрлар айтилган. Жумладан, Б. С. Орлов шундай деб ёзади: “жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи “алоҳида ҳолатлар” тушунчаси билан “жиддий камайтирувчи” ҳолатлар ўртасига айнан ўхшашлик белгисини қўймаслик керак. Бу тушунчалар бир-бирига айнан мос тушиши шарт эмас, ваҳоланки, улар ўртасидаги назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам муайян чегара қўйиш кийин”. Бизнинг назаримизда “алоҳида” ҳолатлар тушунчаси анча кенг тушунча бўлиб, у ўзида бутун бир белгилар ва ҳолатлар тизимини мужассамлаштирадики, уларни фақат енгиллаштирувчи ҳолатларга тўла киритиш тўғри бўлмайди. Суд амалиётида шундай ҳолатлар учрайдики, узлар қонунда енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатига киритилмаган бўлсада иш ҳолатларига қараб эътиборга олиниши зарур бўлиб қолади. Буларга масалан, касаллик ҳолати, қарамоғида вояга етмаган болалари, қари, ногирон ота-онасининг бўлиши ёки, оила аъзоларининг оғир касаллиги, ишлаб чиқаришдаги яхши хизматлари, Улуғ Ватан Уруши қатнашчиси эканлиги, Давлат мукофотида сазовор бўлганлиги, урушда жароҳат олганлиги ва ҳоказолар² кириши мумкин.

кенгроқ мутлақ ваколатлар берилган. Сенат давлатнинг ташқи сиёсати масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлиш билан бир қаторда (80-модданинг 14-банди) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади (8-банд). Аввалроқ фаолият кўрсатган бир палатали парламентда бундай ваколат йўқ эди. Бу давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш жараёнининг натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери (85-модданинг 5- ва 6-бандлари) ҳамда Сенати Раиси (86-модданинг 5 ва 6-бандлари) палаталарнинг халқаро парламент ташкилотлари билан иш олиб борадиган гуруҳининг фаолияти ва уларнинг парламентлараро алоқаларни амалга ошириш бўйича олиб борадиган ишларига раҳбарлик қиладилар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда палаталар номидан иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти: Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 2-банди); халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради (3-банд); музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тuzилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди (4-банд); ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакиллари ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қиладди (5-банд); Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади (6-банд); Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади (7-банд); Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажоввудан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тuzилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қиладди ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади (18-банд); Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондонини ҳисобланади (20-банд); Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиғига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади (22-банд).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради (98-модданинг 5-қисми).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий соҳадаги фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятини 1994 йил 16 мартдаги 140-сонли қарор билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тизимиға кирувчи ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек халқаро-ҳуқуқий меъёрларда белгиланган принциплардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи давлат бошқарув органидир.

Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлиғида амалга оширади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда юқорида айтиб ўтилган Низомга амал қиладди. Вазирлик ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тuzган шартномалар ва битимларга мувофиқ куради.

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети принципларини ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи сиёсий йўлини амалда рўёбга чиқариш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташқи ишлар вазирлиги органларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ташқи ишлар вазирлиги ўзига юклатилган вазифалар бўйича қуйидаги йўналишларда ишларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, шунингдек давлатнинг халқаро фаолияти умумий муаммоларга доир масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президентини халқаро сиёсат масалалари бўйича зарур ахборот билан таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, идоралар, муассасаларнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш бўйича ишни мувофиқлаштиради;

иқтисодиёт, маданият, фан-техникани айирбошлаш ва савдо соҳасида Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг халқаро алоқалари ривожланишиға кўмаклашади ва қонунда белгиланган бошқа йўналишлар доирасида Ўзбекистонни ривожланишида халқаро муносабатларни такомиллаштириб беради;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), Давлат матбуот қўмитаси билан биргалиқда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги ахборотнинг Интернет тармоғида тарқатилишини мувофиқлаштиради;

Халқаро-ҳуқуқий соҳада қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ташқи ишлар вазирлигини юқоридаги фаолият йўналишларидаги тадбирларнинг қонуний ва самарали ўтказилишиға алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, БМТ, Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ каби халқаро

ташкilotларнинг аъзоси. Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик соҳасида мамлакатимиз 180 дан ортиқ икки томонлама ва кўп томонлама конвенция ва шартномаларни имзолаган. Жумладан, Бош прокуратура – МДХ давлатлари ўртасидаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск 1993 йил 22 январь), 2000 йил 15 декабрдаги БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчилик қарши” Нью Йорк конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда шартномалар ижросига масъул марказий орган сифатида белгиланган.

Шуни таъкидлаш муҳимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан халқаро шарномалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Албатта халқаро шартномалар ижросининг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, Бош прокуратура Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси масаласида жаҳон ҳамжамиятида ҳолисона фикрни шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. 2009 йилда, Ташки ишлар вазирлигига БМТ ва бошқа халқаро ташкilotларга тақдим этиш мақсадида 313 та ахборот тайёрлаб берилиб, шунингдек, мутасадди идораларга 52 та кўп томонлама ва икки томонлама халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, БМТнинг 7 та ҳужжатлар лойиҳалари, ШХТ, МДХ ва Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкilotи каби ҳудудий ташкilotларнинг 27 та ҳужжат лойиҳалари, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни амалга ошириш ва бошқа соҳаларга оид 18 та икки томонлама (Аргентина, Венгрия, Италия, Франция, Португалия, Корея, Туркменистон, Швеция ва бошқалар) шартномалар лойиҳалари бўйича тегишли фикрлар тақдим этилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий соҳадаги фаолияти кўпинча ташқи сиёсат билан боғлиқ бўлади. Ташқи сиёсат борасидаги фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг бутун тизимини шакллантириш ташқи сиёсат соҳасининг конституциявий-ҳуқуқий институтидан бошланади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принципларининг миллий ҳуқуққа нисбатан мақоми, шунингдек давлатнинг икки томонлама ва кўп томонлама дипломатия соҳасидаги фаолияти тегишли конституциявий қоидаларга боғлиқдир.

Ш. Матиев
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари тингловчиси

“ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИ – ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ ТАРИХИДИР”

Муҳтарам юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарига ўша йилларда ҳукмронлик қилган мураккаб сиёсий ўйинлар ва найрангбозликлар натижасида мамлакат иқтисодиёти таназзулга тушиб, ушбу заминда яшаб турган халқ ҳаётини оғирлаштирганлиги баён қилиниб, режали иқтисодиётдан воз кечиш, ерларни ўз эгаларига бериш, аҳолининг кенг қатламларида тадбиркорлик туйғусини шакллантириш ва бошқа йўللار билан мамлакат халқининг муносиб ҳаёт даражасига эга бўлишлари учун зарур шартлар белгилаб берилган эди.

Ўша даврдаги нутқ ва маърузаларни ўқиб чиққан инсон эса мустақилликка интилиш 1991 йилдан анча илгари бошланганини англаб олади.

Асарда мустақилликнинг халқ тақдири билан бевосита боғлиқлиги, бир мамлакатда яшаб турган турли миллат вакиллари жипслаштириш ва ҳамжиҳатликдаги ҳаёт тарзини таъминламасдан туриб, мустақилликни сақлаб қолиш мумкин эмаслиги эътироф этилган.

1991 йил 27 март сонида аграр ҳодимлар қурултойида Президент И.А. Каримов 1991 йил бошида мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий ва маънавий аҳволга ҳолисона баҳо бериб: “Сизларни ишонтириб айтаманки, улғў ўзбек халқининг қаддини албатта ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта¹”, – дея мурожаат қилган.

Шўролар таркибидаги республика минбаридан туриб бундай нутқ сўзлаш учун албатта жўшқин юрак ва шижоат керак эди!

1989-90 йилларда Собиқ Иттифокда давом этаётган таназзул кучайиб, “Қизил империя”ни сақлаб қолиш илинжида бўлган сиёсий кучлар томонидан амалга оширилаётган сиёсий тарафқашлик ва гуруҳбозликлар янада ривожлантирилиб, турли иттифокдош республикаларда ўз халқи фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳар қандай ҳаракатлар Марказ томонидан қораланиб, махсус хизматлар томонидан тегишли ҳудудларда “консерваланган” миллат ва элатлараро зиддиятлар уйғотила бошланган.

Марказнинг бундай иш услубини аниқ сезган юртбошимиз ўз чиқишларида “турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг ўзбошимчалиги, қарама-қарши адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солаётганлигини²”, саноат ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш муттасил пасайиб, пулнинг қадри тушганлиги ва нарх-навонинг ошаётганлиги, халқнинг озик-овқат ва моддий таъминоти ёмонлашиб, унинг тинчлиги бузилаётганлигини рўй-рост кўрсатган эди.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. - 307-308-бетлар.

² И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. - 306-б.

Ўша таҳликали кунларда “замонавий қурол-аслаҳалар қўлланилиши билан содир бўлаётган жиддий тўқнашувлар мамлакатимизни фуқаролар уруши ёқасига олиб келиб қўйганлиги” эътироф этилган эди. Турғунлик ва таназул даврида собиқ СССРда жиноятчиликнинг ўртача 650 мингтадан 1990 йилга келиб 2 млн 850 мингтага қадар ўсиб кетганлиги, уюшган жиноятчилик, рекэт ва босқинчиликларнинг кескин ортиши, 1990 йил 2 май куни Андижон шаҳрида ташкил этилган оммавий тартибсизликлар даврида турли миллат вакилларининг уйларига ўт қўйилиши, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Паркент ва Бўка туманларида турк-мехетинларига қарши содир этилган оммавий тартибсизликлар замирида умрининг сўнги кунларини кечираётган Марказнинг “қўли борлиги”ни сезиш ва уни очиқ айтиш ҳар бир давлат раҳбарининг ҳам қўлидан келмаган.

Шу даврда “давлат буюртмаларининг бажарилмаганлиги, четдан дон сотиб олишга мажбур бўлингани, мамлакатда тартиб-интизомнинг йўқлиги, ақл-заковат билан тўплаган тажриба ва анъаналар ҳам барбод этилаётганлиги” ҳолатларига кескин муносабат билдирилган.

И.А. Каримов 1985 йилларда бошланган қайта қуриш сиёсати давомида халқларга ёлғон ваъдалар берилиб, Марказ томонидан тасдиқланган кўплаб йирик лойиҳаларнинг бажарилмаганлиги замирида Марказ томонидан халқларнинг диққат эътиборини чалғитишга уриниш, миллий озодлик ҳаракати боис ўз тақдирини ўзи белгилашга ҳаракат қила бошлаган иттифоқдош республикларнинг “Москвасиз тинч яшай олмамлигини” кўрсатиб қўйишдек ҳисоботлар билан мавжудлигини ўз вақтида кўра билган.

1991 йил 18-28 августдаги “ГКЧП” деб номланган давлат тўнтаришининг содир этилиши сабаблари тўғри таҳлил қилиниб, М.С. Горбачев раҳбарлигидаги амалдаги ҳукумат батамом ишончни йўқотганлиги, КПСС XXV ва XXVI съездларида “қўшиб ёзилган”, ёлғон ҳисоботлар билан халқ алданганлиги, режали иқтисодиёт ўзини-ўзи батамом ҳалокатга олиб келганлигини иқтисодиётдаги аниқ рақам ва мисоллар билан исботланган эди.

Иқтисодиёт соҳасида етук мутахассис бўлган Юртбошимиз дунёни ярмини эгаллаб турган қўдратли Шўро давлатининг парокандаликка тушиб қолиш сабабларини синчковлик билан ўрганиб, унинг бош сабабчиси режали иқтисодиёт эканлиги ва бошқарув тизгинининг ўта марказлаштирилгани билан боғлиқлигини англаб етди.

Марказдан бошқа ҳудудларда эркин иқтисодётнинг мавжуд эмаслиги, шўролар иқтисодиётининг бош мақсади халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган тинчлик товарлари ишлаб чиқариш эмас, балки халқлар бошига муҳаббат олиб келувчи ҳарбий sanoat комплекси маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат эканлигини, қурол-аслаҳаларни сотиш учун эса “ўтли нуқталар” керак бўлиши, яъни уруш ҳолатида бўлган мамлакатлар ва “ўтли нуқталар” Шўро разведкаси маълумотлари асосида юритиладиган “жирканч ташқи сиёсат” орқали ҳосил қилинишини халқимиз эътиборига етказди. Бунга аниқ миослар келтириб, шўро ҳукумати уруш ҳаракатидаги ҳар икки томонга ҳам қурол сотиши, жумладан 1982-86 йилларда Эрон-Ироқ ҳарбий ҳаракатларида Ироққа ошкора (Саддам Хусайн – Москванинг дўсти деб эълон қилинган) Эронга эса маҳфий тарзда (“Ирангейт” воқеаси) қурол-аслаҳа сотганлигини, иқтисодиётнинг 60-61 % ялпи

маҳсулоти ҳарбий-sanoat комплекси ҳисобига тўғри келишлигини фош этди.

Бундай иқтисодиётнинг узоққа бормаслиги, яъни “Совуқ уруш” сиёсатидан воз кечилганидан сўнг оловли нуқталар сони кескин камайиб, қурол-аслаҳа бозори касод бўлиши билан бирга Шўролар давлатининг иқтисодиёти таназулга юз тутганлигини асослаб берди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўша вақтда аграр иқтисодиёт усун бўлган ҳамда Шўролар тузуми учун хом-ашё етказиб берувчи ҳудуд ҳисобланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш лозимлигини ўртага ташлади.

Президентимиз “деҳқон бой бўлмасдан – ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмаслиги, халқимизнинг эл-юртимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмаслиги” ҳақида хулосага келиб, қишлоқ хўжалигида деҳқонга бериладиган иш ҳақини ошириш, одамларга сигир бериш, ем-хашак учун ер участкаси ажратиш асосий вазифалар қаторида белгиланган.

Иқтисодиёт қўмитаси ва қишлоқ хўжалик вазирлигида қишлоқ аҳолисига яқка тартибда уй-жойларни қуриш учун ссуда ва қурилиш материаллари бериш мажбуриятини юклаб, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш Дастурини тўла бажаришни талаб қилган.

Илк бор қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги ва аҳолини айрим қатламларини ижтимоий ҳимоялаш зурурлиги масаласи кўтарилган.

И.А. Каримов “Мустақиллик энг аввало, халқ бирлиги, ҳамжиҳатлиги эканини унутмаслик керак” деб огоҳлантириб, авлодлар орзуси бўлган истиқлолга эришиш учун халқни сафарбар қилиш, уларни бирлаштириш иши мустабид тузум ҳукмронлигида бошланганлигини таъкидлаган.

Шу билан бирга, Ўрта Осиё халқларини асрлар оша тарбиялаб, уларда бир қанча қадрият ва анъаналарни юзага келтирган ислом динига муносабатни ижобий томонга ўзгартириш, азалий байрам – Наврўзни тиклаш, ўтмишдаги улғ мутафаккирлар, олимлар, диний уламоларимиз мерослари халқ мулкига айланттириш, маърака ва маросимларни бемалол ўтказиш борасида аниқ тадбирларини амалга оширган.

Юртбошимиз ўз маърузаларида мамлакатнинг мураккаб ҳаётида юзага келган улкан ва жуда оғир вазифаларни бажариш ва катта синовлардан ўтишда халқнинг руҳи ва миллат ғурурини тиклаш билан боғлиқ эканлигига алоҳида қаратган.

У инсон омилига тўхталиб: “...инсон – бизнинг энг катта бойлигимиздир. Деҳқон – ер юзидаги барча ноз-неъматларни яратувчидир¹”, – деб юксак баҳо берган. Одам ўртасида бағрикенгликни тарғиб қилар экан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирига меҳр-муҳаббат ва меҳр-оқибатнинг Ўзбекистон халқининг азалий қадриятлари эканлигини кўп бора эътироф этган ва бошқаларда шу каби хислатларнинг ривожланишига умид билдирган.

Бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг қадимий анаъна ва қадриятлари, руҳи ва ғурури аввал Чор Россияси, кейинчалик эса худосизлик ғоясига

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. – 327-328-б.

асосланган коммунистик мафкура ижодкорлдари билан топталишининг вақтинчалик эканлиги “улғу ўзбек халқининг қаддини албатта ростлаб олиши ва руҳини кўтариши, ғурурини тиклаб, олдиға қўйилган мақсадға эришишига”¹ ишонч билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, кўтаринки руҳда яшаш ва ишлаш барча муваффақиятларнинг гарови эканлиги сир эмас.

Юртбошимизнинг шахсий жасорати ва ташаббуслари билан эришилган истиқлол йилларида инсон омили ва унинг мустақиллики мустаҳкамлаш борасидаги ўрнига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон ва унинг фаровонлигини таъминлашга қаратилди.

Инсонни ҳар томонлама ривожланиши, аниқса ёшларни комил инсон сифатида тарбиялаш, халқимиз орасида инсонпарварлик, миллатлараро ва ўзаро тинч-тотувлик, бағрикенглик каби қадриятлар тўла тикланди.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамалакатимиз заминиде яшаб турган барча халқлар, шу жумладан 90 дан ортқ миллат ва элатларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун кенг имкониятлар яратилгани натижасида миллатимиз ўз қаддини ростлаб, тенглар ичра тенг миллатга айланди. Унинг руҳи кўтарилди, топталган ғурури тикланди. Бугун мамлакат жаҳонга танилди, ўзининг нуфузи ортди, тарихи тикланмоқда, шаҳар ва кишлоклар таниб бўлмас даражада ўзгармоқда.

А.Юлдашов

ТДЮИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Барча ислоҳотларнинг – иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат*².

И.Каримов

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимояга доир давлат сиёсатини амалга ошириш ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Ҳақли маънода айтишимиз мумкинки, мустақиллики қўлга киритганимиздан ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оналар, ёлғиз кексаларга ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга давлат сиёсати даражасида катта эътибор бериб келинмоқда ва ижтимоий ҳимояни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Ижтимоий ҳимоя сиёсати сўнгги йилларда Республикаимизда энг долзарб давлат сиёсати йўналишига айланиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг преамбуласида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш деган мазмундаги банднинг киритилишида ҳам ижтимоий ҳимоя тамойили ўз аксини топган. Қачонки, давлат ижтимоий ҳимояга эътибор берганидагина у ҳақиқий инсонпарвар давлат бўлади. Бундай шахсларга ижтимоий ҳимоя сиёсатини юритишдан мақсад уларга иш ва турмуш фаолиятида барча қулайликларни яратиш, бошқа шахслар билан алоқаларида уларни тенг муомалада ва меҳнат фаолиятида бўлишларини таъминлаш, уларни жамиятда ўз ўринларни топишда кўмаклашиш, ўз қизиқиш ва интилишларини амалга оширишда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат.

Давлат ижтимоий сиёсати деганда, аҳоли ҳаёт кечирish даражасини шакллантириш, инсон капиталини қайта яратиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш, уларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш соҳасида муайян давлат томонидан олиб борилаётган ички сиёсат йўналиши назарда тутилади³.

Ижтимоий сиёсат бу – фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва кафолатлашга қаратилган давлат фаолиятидан иборат бўлиб, ижтимоий таъминот ва ёрдам кўрсатиш, меҳнат қилиш, илм олиш, соғлиқни сақлаш, зарур товарлар билан таъминлаш каби соҳаларда амалга ошириладиган тадбирларни ўз ичига қамраб олади⁴.

Ижтимоий ҳимоя деганда, авваломбор, нафақахўрлар, ёрдамга муҳтож болалар ва ногиронлар билан юзага келадиган муносабат

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. - 329-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.119.

³ Қаранг: Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. –Т., ТДЮИ, 2003. –Б.7.

⁴ Қаранг: Усмонова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. (юр. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) –Т., 2006.

тушунилади. У (ижтимоий ҳимоя) нафақат уларга (ижтимоий ҳимояга муҳтож кимсалар) ёрдам беришда балки уларнинг яшashi ва меҳнат қилиши учун тўла шарт-шароитларни яратишда ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлагандагина демократик тус олади¹.

Ижтимоий ҳимоя тамойили “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларация”сининг 25-моддасида куйидагича ифодаланган: “Ҳар бир инсон тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, унда куйидагича норма ўз аксини топган. “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”².

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш – ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиш, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими³.

Мазкур норманинг Бош Қомусимиздан алоҳида ўрин эгаллагани ҳам мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга нечоғлик катта эътибор берилаётганидан дарак беради. Шунингдек, бундай характердаги нормалар халқаро ҳуқуқнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пакт”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”⁴ ва бошқа халқаро стандартларида ҳам назарда тутилган.

2008 йилнинг 11 июлида “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати ўзининг яна бир муҳим даражасига кўтарилди. Мазкур ҳужжат ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ногирон” атамаси юқоридаги Қонуннинг 1-моддасида куйидагича баён этилган. “Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахс, ногирон ҳисобланади.”

¹ Қаранг: Права ветеранов, инвалидов, пенсионеров и лиц пострадавших от радиации. (Под общ.ред. В.Е.Крутских, В.Е.Сидорова). –М., Норма. 2001.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.9.

³ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (11.07.2008 й.).

⁶Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. Сб. Международных Соглашений и рекомендаций; ИПК Шарк, 1995. –С.9.

Юқоридаги қонунга кўра, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланган:

1. ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

2. ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

3. ногиронларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

4. ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш;

5. ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

6. ногиронлар болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш.

7. давлат органлари ҳамда улар мансодор шахсларининг ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошқоралигини очиқ-ойдинлиги таъминлаш;

8. ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари мавжуд. Жумладан, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Карлар жамияти ва бошқалар.

Мазкур йўналишда жаҳон ҳамжамиятининг сиёсати ва хорижий мамлакатларнинг амалиётига эътибор берадиган бўлсак, БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги 47-сессияси махсус қарори билан ҳар йилнинг 3 декабрь санаси “Халқаро ногиронлар куни” деб эълон қилинди. Булардан ташқари, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1982 йил 3 декабрда тасдиқланган Ногиронлар билан муносабатларда Халқаро Дастур, 1975 йил 9 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва яна бошқа бир қатор ҳужжатларни мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Замонавий юридик адабиётларда ижтимоий ҳимоя сиёсати бир қанча моделларга бўлинган ҳолда ўрганилади. Булар: либерал, консерватив ва социал-демократик кўринишларда бўлади.

Либерал модель бозор иқтисодиёти муносабатлари негизда қурилган. Мазкур модел АҚШ ва Буюк Британияда мавжуд. Бунда ижтимоий ёрдам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига минимал белгиланган доирада кўрсатилади. Либерал модель мавжуд бўлган мамлакатларда ногиронлар билан бошқа шахсларнинг муносабатлари антидискриминация таъсирида ривожланган бўлиб, ногиронларга бошқа шахслар билан тенг шарт-шароит ва ҳуқуқларни таъминлашдан иборат. Иш

берувчиларда (давлат бошқаруви тизими, биринчи навбатда ногиронларни меҳнат билан таъминловчи ташкилотлар ва шунингдек, давлат бюджети ҳисобидан молияланадиган компания ва ташкилотлардан ташқари) ногиронларни иш билан таъминлаш мажбурияти мавжуд эмас.

Консерватив модель Марказий Европа давлатларида мавжуд. Бу йўналиш иш берувчи ва ишчилар ўртасида юзага келадиган суғурта ва меҳнат мажбуриятлари таъсирида шаклланди. Бу модель ўзининг энг юқори намунасини Германияда топган бу ерда дунёда биринчи бўлиб, суғурта қонунчилиги жорий этилган. Бу тизимнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унда иш берувчилар олдида ногиронларни ишга қабул қилиш шарти қўйилган ва квоталар ажратилган. Агарда иш берувчилар ногиронларни ишга қабул қилишни рад этсалар уларга нисбатан давлат томонидан жазо тайинланиши мумкин. Ногиронларга квоталар ажратиш тамойили 1920-1923 йилларга бориб тақалади. Австрия, Германия, Италия, Польша ва Францияда Биринчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтган шахсларни ишга қабул қилиш жорий этилди. 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса тамойил қолган Европа давлатларида тарқалди. Бунинг асосий сабабларидан бири ишсизларнинг орасида кўпчилигини ногиронлар ташкил этишида эди. Корхона ва ташкилотларда ногиронлар учун ажратилган иш ўринлари (квоталар) Испания ва Ирландияда-3%, Францияда-6%, Люксембургда-2% дан 5% гача, Японияда-1.6% дан 2% гачани ташкил этади.

Социал-демократик модель Европа қитъасининг Скандинав ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда кенг тарқалган. Бунда ижтимоий ҳимоянинг асосий тамойили универсаллизм ҳисобланади. Яъни, барча ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ногирон шахслар катта эътибор билан қўллаб – қувватландилар ва давлат томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларга ногирон шахсларни ишга қабул қилиш ва уларга имтиёзлар яратиб бериш талаби қўйилди¹.

Инсонпарварлик, қарияларга меҳр-саховатли бўлиш, ногирон ва бошқа ёрдамга муҳтож кимсаларга ҳайрихоҳлик кўрсатиш қадим-қадимдан ҳалқимизнинг анъаналаридан бири бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя турли хил кўринишларда азалдан Ўзбекистонда мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда мазкур тамойил бизнинг қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган. Ўз-ўзидан маълумки, ижтимоий ҳимоя тамойили демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакат учун ўзига хос аҳамиятга эга. Шубҳасиз, мазкур хайрли ишларни амалга оширишда мазкур йўналишдаги давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни салмоқлидир.

Келгусида хорижий инсонпарвар демократик давлатларининг ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мақбул ва афзал томонларини Ўзбекистон қонунчилигига жорий этиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹ Батафсил қаранг: Государственная политика в отношении трудовой занятости людей инвалидностью: Международный опыт и Российская политика. (Пособие для специалистов, работающих в сфере трудоустройства людей с инвалидностью) – Москва: РООИ «Перспектива», 2008.

И.Р. Рустамбеков
Преподаватель ТГУИ,
кандидат юридических наук

О СУЩНОСТИ И СВОЕОБРАЗИИ ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ В ИНФОРМАЦИОННОЙ СФЕРЕ

Бурное развитие информационных технологий привело к возникновению новых правоотношений характеризующихся как информационные правоотношения или отношения в информационной сфере.

Исходя из актуальности и злободневности развития и правового регулирования отношения в информационной сфере, Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов в своем докладе «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране» отдельное внимание уделил вопросам реформирования информационной сферы².

Все это указывает на важность изучения данной сферы и возникших новых правоотношений, а также глубокого анализа вопросов правового регулирования данных отношений.

В правовой науке для выделения правоотношений в информационной сфере используется критерий объекта правоотношения. Таким критерием, то есть объектом, является информация. Правоотношения в информационной сфере не характеризуются каким-либо еще признаком, кроме того, что они возникают в связи и по поводу информации. Иначе говоря, их объектом является информация.

Существующие на сегодняшний день определения, приводимые различными исследователями, как и определение Рекомендательного законодательного акта СНГ «О принципах регулирования информационных отношений в государствах-участниках Межпарламентской Ассамблеи», основываются на критерии объекта правоотношения, то есть определенного явления (информации), в связи и по поводу которого возникают и существуют соответствующие правоотношения.

Не вызывает сомнения, что многие из общественных отношений в информационной сфере регулируются правом, становясь, таким образом правоотношениями в информационной сфере. В этой связи Л.А.Сергиенко и И.Д.Тиновицкая отмечают, что «...информационные процессы и соответствующие им общественные отношения, вызываемые интенсивным развитием современных информационных технологий, зачастую намного опережают их нормативно-правовое регулирование. По мере развития и интенсификации этих вопросов еще до принятия соответствующих актов национального законодательства в обществе уже формируются определенные правовые идеи по поводу целесообразного и справедливого поведения субъектов в той или иной области информационных отношений (например, в области рыночного обращения информации, в области охраны и защиты информации и др.)»³.

Из анализа литературы следует, что правоотношения в информационной сфере либо однозначно харак-

² Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. –Т., 2011.

³ Сергиенко Л.А., Тиновицкая И.Д. Субъективные права в информационной сфере // Проблемы информатизации. – М., 2000. – Выпуск 3. – С.23.

теризуются как отношения, урегулированные какой-либо существующей отраслью права, либо их отраслевую принадлежность исследователи не указывают.

Если же информационные отношения названы отраслевыми, то возможны варианты, когда они являются видом отраслевого правоотношения, либо когда они весьма условно выделяются в качестве элементарного правоотношения внутри сложного отраслевого правоотношения.

Исходя из сказанного выше, ныне допустимо вести речь о правоотношениях в информационной сфере как об урегулированных правом общественных отношениях, возникающих в связи и по поводу информации либо действий (бездействий) в отношении нее (получение, предоставление, распространение, поиск информации и другие действия; а также отдельные виды бездействия – неразглашение информации). Стоит согласиться, что единственным критерием для выделения правоотношений по поводу информации будет критерий объекта правоотношения. Выделение правоотношений по такому признаку допустимо, однако влечет за собой ряд последствий.

Рассматривая вопрос об объекте правоотношений в информационной сфере, вряд ли можно согласиться с В.А.Севериным, который считает, что, «...исходя из понятия информации как правовой категории, она не может существовать вне материального носителя, поэтому объектом правового регулирования могут быть информационные ресурсы, информационные системы, технологии и средства их обеспечения, а не информация как таковая»¹. Представляется, что объектом правоотношений в информационной сфере является информация в любом виде: как зафиксированная, так и не зафиксированная на материальном носителе. Причем это не следует смешивать с возможностью выражения информации в объективной форме, поскольку объективная форма может быть и устной.

Стоит указать, что в изучении объекта правоотношений в информационной сфере обусловлена их взаимосвязь и со средствами электронно-вычислительной техники.

Как указывает И.Л.Бачило, информация является объектом, который порождает общественные отношения, выходящие за пределы компьютерного пространства². Поэтому ошибочно то мнение, что потребность в регулировании общественных отношений в области информации возникла только лишь с появлением компьютеров и автоматизированных систем передачи информации. И.Д.Тиновицкой правильно указано, что: «Не имеет значения... в каких системах (автоматизированных или неавтоматизированных) эта информация создается или обрабатывается... такие же по характеру отношения складываются практически в любых сферах сбора, обработки и получения информации, где ЭВМ еще не применялись или пока еще не применяются... Отсюда следует, что использование ЭВМ и других средств вычислительной техники не может служить

непременным свойством информационных отношений, хотя и влияет существенным образом на их характер»³.

Значит, исходя из сказанного, не следует путать технические и юридические аспекты общественных отношений. Зачастую технически весьма сложные объекты имеют простой правовой режим, и наоборот, многие простые объекты порождают сложные правовые отношения.

Общественные отношения, возникающие в области информации, разнообразны и многоаспектны, и поэтому не могут механически увязываться с использованием компьютерной техники.

Выделение отношений в информационной сфере по признаку их объекта не позволяет на основании только этого признака раскрыть природу и характер данных отношений. Особенность правоотношения, в том числе правоотношения в информационной сфере, обуславливается всей совокупностью элементов правоотношения. Поэтому, как верно отмечает И.Л.Бачило, при изучении правоотношений в информационной сфере необходимо исследовать все элементы правоотношения: объект, содержание правоотношения, правовое положение (статус) субъектов⁴.

Ныне правовые отношения в информационной сфере рассматриваются как отношения, урегулированные нормами той или иной существующей отрасли права. От такой постановки вопроса потребность в их правовом упорядочении ничуть не страдает. Наоборот, для их упорядочения появляется прочная методологическая основа в виде существующей системы права. В таком, т.е. в узком смысле, правоотношения в информационной сфере могут быть:

а) *публично-правовыми*, например, конституционными, административными, финансовыми правоотношениями в информационной сфере. В этой связи И.Л.Бачило отмечает, что: «Свобода информации... доступ к информации, правила формирования и использования библиотек, архивов... учета и отчетности, статистики... Правовое регулирование гарантий реализации прав граждан, включая и информационное обеспечение, – сфера публичного права»⁵;

б) *частноправовыми*, например, гражданскими или трудовыми правоотношениями в информационной сфере.

Также можно отдельно отметить правоотношения в информационной сфере как о всей многообразной совокупности регулируемых правом общественных отношений в информационной сфере. В таком понимании эти общественные отношения, по мнению И.Л.Бачило и В.А.Копылова, являются предметом комплексного регулирования в рамках подразделения системы права третьего уровня – комплексной отрасли права⁶.

Регулируемые отношения в информационной сфере являются объектом регулирования. Правоотношения

¹ Северин В.А. Правовое регулирование информационных отношений // Вестник Московского государственного университета. Серия 11, Право. – 2000. – № 5. – С.22.

² Бачило И.Л. Компьютерное право. Методология и практика // Безопасность информационных технологий. – 1997. – Вып.2. – С.70.

³ Тиновицкая И.Д. Информационное право и информационные отношения // Проблемы информатизации. – 1999. – №3. – С.47.

⁴ Бачило И.Л. Информация как предмет правоотношений // Научно-техническая информация. Сер.1, Организация и методика информ. работы. – 1997. – № 9. – С.18.

⁵ Бачило И.Л. Информация как объект отношений, регулируемых Гражданским кодексом РФ // Научно-техническая информация. Сер.1, Организация и методика информ. работы. – 1999. – № 5. – С.7.

⁶ Бачило И.Л., Копылов В.А. Есть ли основания для создания отрасли «информационное право» // Информационное общество. – 1999. – № 6. – С.49-50.

в информационной сфере представляют собой результат правового регулирования посредством специальной группы правовых норм, а не результат только лишь информационного действия права.

Правовые отношения в информационной сфере являются правоотношениями в полном смысле, поскольку включают в себя все элементы, присущие правоотношению: субъекты, объект, юридическое и фактическое содержание.

Значение категории «правоотношения» обусловлено во многом ролью, которую играет правоотношение в механизме правового регулирования. С точки зрения динамической характеристики механизма правового регулирования, то есть процесса правового регулирования, следует согласиться с выделением четырех стадий правового регулирования, к которым относятся: 1) стадия формирования и действия юридических норм; 2) стадия возникновения прав и обязанностей (правоотношений); 3) стадия реализации прав и обязанностей; 4) четвертая, факультативная, стадия – стадия применения права; то есть издание компетентным властным органом (например, судом) индивидуального правового акта.

Предпосылками возникновения правовых отношений в информационной сфере являются: наличие соответствующих норм права, правосубъектности участников и юридического факта. Лишь при условии наличия всех трех условий возникает правоотношение в информационной сфере.

Стоит указать, что необходимо гармоничное согласование правовых характеристик всех элементов правового отношения в информационной сфере: субъектов, объекта, юридического содержания. Как справедливо отметила И.Л.Бачило: «Точная характеристика объекта права должна быть согласована с гражданско-правовой характеристикой субъектов этого права»¹.

Поскольку правоотношения в информационной сфере выделяются по признаку объекта, то природа и особенности таких правоотношений раскрываются, главным образом, через рассмотрение объекта таких правоотношений и их юридического содержания.

В заключении можно указать, что наличие правовых отношений в информационной сфере не вызывает сомнений. Однако необходимо учитывать, что природа правовых отношений в информационной сфере отличается многообразием. К ним относятся различные виды как частных, так и публично-правовых отношений. Такое положение дел с необходимостью обусловлено критерием выделения правовых отношений в информационной сфере: они выделяются по признаку объекта. Объектом правовых отношений в информационной сфере является: 1) информация (отделимый от поведения лица объект); 2) результаты действий в отношении информации, включая получение, предоставление, неразглашение, распространение и др. (неотделимый от поведения лица объект правоотношения).

¹ Бачило И.Л. Информация как объект отношений, регулируемых Гражданским кодексом РФ // Научно-техническая информация. Сер.1, Организация и методика информ. работы. – 1999. – № 5. – С.12.